

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХРОНОЛОГИЯ ВА МЕТРОЛОГИЯ

Гулистон – 2018

Қодирова Л.Б. “Хронология ва метрология” фанидан ўқув-услубий мажмуа
Гулистон – 2018, – б.

Ушбу ўқув - услубий мажмуа 5120300–тарих таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Мажмуада замонавий педагогик технология тизимига асосланган ҳолда ўқув мақсадлари аниқланган, мавзу бўйича муаммолар, муҳокама учун саволлар, назорат саволлари, мустақил иш топшириқлари, тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати берилган.

Мажмуада тарихий хронология фанининг асослари, вақт ўлчов бирликларининг тарихи, турли халқларнинг календар тизимларига оид масалалар ёритилган.

Ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан (№ 1 баённома 2007 йил 10 октябр) нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: Н.Мирзаева
Тақризчи: доц.О.Аюпов

Кадирова Л.Б. Учебно-методический комплекс по курсу «Хронология и метрология».

Настоящий учебно-методический комплекс предназначен для студентов, обучающихся по специальности 5120300 – история. В комплексе, основанном на современных педагогических технологиях, определены учебные цели, проблемы по темам, задания по самостоятельному обучению, а также представлен список рекомендованной литературы. В комплексе освещены основы хронологии, история единиц измерения времени, вопросы, касающиеся календарных систем различных народов мира.

This educational-and-methodical collection is intended for the students on the speciality 5120300 of History faculty. The methodical guidance based on modern pedagogical technology. Each of the themes includes educational aims, problems on themes, tasks on self-independent work and a list of literature is also recommended.

The methodik kompleks lit questions developments

© Университет

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	4
2. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.....	5-9
3. Фаннинг рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони.....	11-12
4. Мультимедия воситалари ва тақдимотлар рўйхати.....	13-14
5. Фанни ўқитиш учун таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.....	14-16
6. Маърузалар курси.....	17-94
7. Семинар машғулотлари.....	95-102
8. Талабалар мустақил ишлари.....	102-103
9. Фан бўйича назорат саволлари.....	103-107
10. Глоссарий.....	107-117

I.КИРИШ

Фаннинг мақсади талабаларнинг тарихий хронология ва метрология соҳасида профессионал компетентлиги ва билиш қобилиятини ривожлантиришдан, тарихий манбаларни тадқиқ этиш учун ушбу тарих фанларининг методи ва техник усулларини ўрганишдан иборат. **Фаннинг мақсади** талабаларга тарихий хронология ва метрология бўйича манбалар ва адабиётларнинг тавсифи, вақт ҳисобининг турли тизимларини тарихан вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида тушунча бериш, турли халқлар календарлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириш, турли ўлчов бирликларининг келиб чиқиши, уларнинг номлари, ва замонавий ўлчов бирликлари билан муовифиқлимги ҳақида маълумот беришдан, тарихий хронология ва метрология бўйича олган билимларини амалиётда қўллашни ўргатишдан иборат.

1.2. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳамда компетенциялар: Талабалар жаҳон тарихининг турли босқичларида хронология тараққиёти, вақт ҳисобининг асосий календар системаларининг ўзига хос хусусиятларини, турли ўлчов бирликларининг номлари, келиб чиқиши ва замонавий мазмунини билиши, тарихий манбаларни ўрганиш ва улардан фойдаланишда хронология ва метрология бўйича олган билимларини қўллай билиши, умумий тарихий ўзгаришлар билан алоқадор ҳолда вақт ва турли ўлчов тизимларининг вужудга келиши ва алмашилишини тушунтириб бера олиши лозим.

1.3. Хронология ва метрология фани жаҳон тарихи, археология, этнография, ўлкашунослик, география, астрономия каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

II. ФАНИНГ ҲАЖМИ ВА МАЗМУНИ

2.1. Маъруза мавзулари, мазмуни ва вақт

№	Маъруза мавзулари	Кўриладиган масалалар мазмуни	Вақт, соат
1	Хронология фанининг шаклланиши ва тараққиёти	Курснинг мақсад ва вазифалари. Тарихий ва астрономик хронология. Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган ҳиссаси. Хронологиянинг тарихий тараққиёт босқичлари. Календарларнинг астрономик асослари. Вақтнинг ўлчов бирликлари. Вақт ҳисобининг илк шакллари. Сутка, ҳафта, ой ва уларнинг дастлабки шакллари. Қуёш ва юлдуз суткалари ва уларнинг узунлиги. Қуёшнинг йиллик ҳаракати. Дастлабки соатлар ва уларнинг қўлланилиши. Замонавий соатлар.	2
2	Календарлар ва уларнинг турлари	Календар атамаси. Календар йили. Тропик йил ва календар йили. Вақтнинг табиий ва сунъий бирликлари. Қуёш календари ва унинг узунлиги. Ой календари. Ой фазаларининг ўзгариши. Ой-қуёш календари. Ой-қуёш календарларидаги Клеостада, Метон, Калипп, Гиппарх цикллари.	2
3	Шарқ мамлакатларининг календарлари	Қадимги Миср календари. Қадимги Эрон календари. Яздигирд III календарининг жорий этилиши. Умар Хайём календари. Қадимги Ҳинд қуёш, ой ва ой-қуёш календарлари. Сака календари. Қадимги Ҳинд календар эралари. Қадимги арабларда ой календари. V асрда арабларнинг ой-қуёш календарига ўтиши. VIII асрда ой календарининг қўлланилиши. Месопотамияда ишлатилган календарлар. Туркияда қўлланилган календарлар. Қадимги Хитой календари. Шарқий Осиё мамлакатлари календарларидаги 60-йиллик циклнинг қўлланилиши.	2
4	Қадимги Рим, Греция календарлари. Юлий Цезарнинг	Қадимги грек календарлари. Қадимги грек календарларида ўн учинчи ойнинг жорий этилиши. Қадимги Грецияда Олимпиа йил ҳисобининг қўлланилиши. Қадимги Римда календарлар. Эрамизда аввалги VIII асрда	2

	календар ислоҳати	Қадимги Римда қўлланилган Ромул Ой календари. Эрамизда аввалги VII асрда Нума Помпилийнинг календар ислоҳати. Эрамизда аввалги V асрда Рим ой-куёш календарининг тузилиши. Эрамиздан аввалги 46 йилда Юлий Цезарнинг буйруғига кўра Созиген томонидан янги календарнинг тузилиши.	
5	Майялар ва славян халқлари календарлари	Майяларда йил ҳисоби. Диего де Ланданинг «Юкатандаги ишлар» асарида майя календарлари ҳақидаги маълумотлар. «Тун», «Хааб» ва «Цолькин» йил ҳисоблари. Славян халқлари календарлари. X асрда Қадимги Русда Юлий календарининг кириб келиши. Қадимги Русда ишлатилган календар эралари. XVII асрда Петр I нинг календар ислоҳати. XIX асрда Россияда Григорий календарини қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар.	2
6	Ҳижрий йил ҳисоби	Ҳижрий-қамарий йил. Ҳижрий-қамарий йил ой номлари ва уларнинг маънолари. Ҳижрий-қамарий йилни Григорий календари йилига ва Григорий календари йилини ҳижрий-қамарий йилга айлантириш формулалари. Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби. Ҳижрий-шамсий календар ой номлари. Ҳижрий-шамсий календар йили.	2
7	Кавказ халқлари календарлари.	Қадимги Арман ой - куёш календари. Арман календари эраси. XV-XVI асрларда Дионисий эрасининг қабул қилиниши. Арман календар эраси йилини Юлий календари йилига айлантириш формуласи. Қадимги Грузин куёш календари. Грузин календар эралари. «Хроникон» йил ҳисоби. «Хроникон» йил ҳисобини аниқлаш формуласи. XIX асрдан Дионисий эрасининг қўлланилиши.	2
8	Эралар ва уларнинг турлари	Тарихий-сиёсий, афсонавий ва диний эралар. Олимпиада эраси ва унинг қўлланилиши. Консуллар бўйича йил ҳисоби. «Римга асос солиниши эраси». Набонассар эраси. Август эраси. Диоклетиан эраси. Милодий йил ҳисоби. Аҳмад ал - Фарғонийнинг ва Абу Райхон Берунийнинг асарларида эралар тўғрисидаги маълумотлар.	2
9	Ўрта Осиёда қўлланилган	Зардўшт куёш календари. VII асрда Зардўшт куёш календарининг ислоҳ қилиниши. Хоразм	2

	календарлар	куёш календари. Абу Райхон Бурунийнинг «Осор-ул боқиа» асарида Хоразм куёш календари ҳақидаги маълумотлар. Мучал календари. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотут турк» асарида мучал календари ҳақидаги маълумоталар. XX асрда Ўзбекистонда қўлланилаган календарлар.	
10	Григорий календарининг қабул қилиниши	Юлиан календаридagi камчиликларнинг аниқланиши. 1414 йилда кардинал Пьер д'Аъли ташаббуси билан календар масаласининг муҳокама қилиниши. XVI асрда Юлий календари масаласи Латеран ва Триден соборлари кўриб чиқилиши. 1582 йилда Рим папаси Григорий XIII нинг буйруғи билан календар ислоҳоти бўйича махсус комиссиянинг тузилиши. Луиджи Лилио лойиҳаси. Календар лойиҳасининг папа Григорий XIII томонидан қабул қилинганлиги. Қабул қилинган лойиҳадagi тузатишлар. Григорий календаридagi кабиса йиллари. Дунёнинг турли худудларида Григорий календарининг қабул қилиниши.	2
11	Замонавий календарлар лойиҳалари. Вақт минтақасининг вақтни ҳисоблашдаги ўрни	Ўн уч ойлик календар лойиҳалари. Григорий календаридagi камчиликлар. XVIII асрнинг охирларида М.Армелиннинг календар лойиҳаси. 1834 йилда Мастрафонининг календар лойиҳаси. XX асрда «абдий календар»ни тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар. 1923 йила Миллатлар Лигасида календар ислоҳати юзасидан олиб борилган ишлар. Ўн уч ойлик календарнинг камчиликлари. Ўн икки ойлик календар лойиҳалари. Маҳаллий ва минтақа вақти. Вақт минтақалари. Ўзбекистонда минтақа вақти. Гринвич меридиани. Декрет вақти. Вақт хизмати.	2
12	Метрология фани ва вазифалари. Тарихий метрология.	Метрология ва унинг вазифалари. Метрология фанининг ривожланиши ва унинг тараққиёти. Метрология ва тарихнинг бошқа ёрдамчи фанлари. Ўрта Осиёда метрологияга оид олиб борилган тадқиқотлар. Метрология фанининг манбалари. Тарихий метрология. Халқаро ўлчов бирликларининг қабул қилиниши.	2

13	Қадимги Шарқ давлатлари ўлчов бирликлари. Ўрта Осиё давлатларининг ўлчов бирликлари.	Қадимги Шарқ мамлакатлари узунлик, оғирлик, майдон ўлчов бирликлари. Қадимги Шарқ мамлакатлари пул бирликлари. Қадимги Шарқ ва мамлакатлари ўлчов бирликлари манбалари. Ўрта Осиёда қўлланилган дастлабки ўлчов бирликлари. Ўрта асрларда ишлатилган ўлчов бирликлари. Ўрта Осиё ўлчов бирликларининг турли шаҳарларда турлича қийматга эга эканлиги. Заргарлар томонидан ишлатиладиган ўлчов бирликлари. Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида ишлатилган пул бирликлари.	2
14	Ўрта асрлар, янги ва энг янги давр Европа ўлчов бирликлари.	Европа ўлчов бирликларининг асосий манбалари. XVIII-XIX асрларда ўлчов бирликлари ҳолати. Европа давлатларининг асосий пул бирликлари. Халқаро ўлчов бирликлари ҳақида тушунча. Метрик ўлчов бирликларининг халқаро ўлчов бирлиги сифатида қабул қилиниши. Метр ва килограмм эталонларининг қабул қилиниши. Халқаро метрологик ташкилот ва унинг вазифалари. Мустақил Ўзбекистонда метрология фани тараққиёти.	2

2.2. Семинар машғулотлар мавзулари ва вақт

№	Мавзу	Кўриладиган саволлар	Соат
1	Хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти	1. Хронология фанининг мақсад ва вазифалари 2. Тарихий ва астрономик хронология 3. Хронология фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар	2
2	Вақтнинг дастлабки ўлчов бирликлари	1. Ҳафта ва унинг дастлабки шакллари. 2. Сутка ва унинг дастлабки шакллари. 3. Дастлабки соатлар ва уларнинг қўлланилиши.	2
3	Календар ва унинг турлари	1. Энг дастлабки календарлар 2. Тропик ва календар йили 3. Вақтнинг табиий ва сунъий ўлчов бирликлари 4. Қуёш календари ва унинг узунлиги. 5. Ой календари. Ой фазаларининг ўзгариши. 6. Ой - Қуёш календари.	4

4	Шарқ мамлакатлари календарлари	1. Қадимги Эрон календари. 2. Қадимги Миср календари. 3. Қадимги ҳинд қуёш, ой ва ой-қуёш календарлари. 4. Қадимги арабларда вақт ҳисоби. 5. Месопотамияда ишлатилган календарлар 6. Қадимги Хитой календари.	4
5	Қадимги Рим ва Греция календарлари	1. Қадимги грек календарлари 2. Қадимги Римда календарлар. 3. Эрамизда аввалги V асрда Рим ой - қуёш календарининг тузилиши.	2
6	Юлий Цезарнинг календар ислоҳоти	1. Календар ислоҳотининг сабаблари 2. Цезарнинг буйруғига кўра Созиген томонидан янги календарнинг тузилиши. 3. Юлий Цезарь календаридаги камчиликлар	2
7	Майя ва Славян халқлари календарлари	1. Славян халқлари календарлари 2. Россиядаги календар ислоҳотлари 3. Майяларда йил ҳисоби.	2
8	Ҳижрий йил ҳисоби	1. Ҳижрий-қамарий йил 2. Ҳижрий-қамарий йилни Григорий календари йилига ва Григорий календари йилини хижрий-қамарий йилга айлантириш формулалари 3. Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби.	2
9	Кавказ халқлари календарлари	1. Қадимги арман ой-қуёш календари 2. Қадимги Грузин қуёш календари 3. Кавказ халқларида календар ислоҳотлари	2
10	Эралар ва уларнинг турлари	1. Тарихий-сиёсий, афсонавий ва диний эралар. 2. Милодий йил ҳисоби 3. Аҳмад ал-Фарғонийнинг ва Абу Райхон Берунийнинг асарларида эралар тўғрисидаги маълумотлар.	2
11	Ўрта Осиё халқлари календарлари.	1. Зардўшт қуёш календари. 2. Хоразм қуёш календари 3. Мучал календари 4. XX асрда Ўзбекистонда қўлланилган календарлар.	2
12	Григорий календарларининг жорий этилиши.	1. Янги календарнинг жорий этилиши сабаблари. 2. Рим папаси Григорий XIII нинг календар ислоҳоти 3. Григорий календаридаги кабиса йиллари.	2
13	Замонавий календар	1. Календарни ислоҳ қилиш зарурми?	2

	лойиҳалари. Умумжаҳон календари лойиҳалари	2. “Абадий календар” тузишга интилишлар 3. Ўн уч ойлик календар лойиҳалари 4. Ўн икки ойлик календар лойиҳалари.	
14	Вақт минтақаси ва унинг вақт ҳисоблашдаги ўрни	1. Маҳаллий ва минтақа вақти 2. Гринвич меридиани. Декрет вақти. Вақт хизмати 3. Вақт минтақалари. Ўзбекистонда минтақа вақти.	2
15	Метрология фани ва вазифалари	1. Метрология ва унинг вазифалари 2. Метрология фанининг ривожланиши ва унинг тараққиёти. 3. Ўрта Осиёда метрологияга оид олиб борилган тадқиқотлар	2
16	Тарихий метрология	1. Метрология фанининг манбалари 2. Тарихий метрология. 3. Халқаро ўлчов бирликларининг қабул қилиниши.	2
17	Қадимги Шарқ давлатлари ўлчов бирликлари	1. Қадимги Шарқ мамлакатлари узунлик, оғирлик, майдон ўлчов бирликлари 2. Қадимги Шарқ мамлакатлари пул бирликлари 3. Қадимги Шарқ мамлакатлари ўлчов бирликлари манбалари	2
18	Ўрта Осиё давлатларининг ўлчов бирликлари	1. Ўрта Осиёда қўлланилган дастлабки ўлчов бирликлари 2. Ўрта асрларда ишлатилган ўлчов бирликлари. 3. Ўлчов бирликлари кейинги даврларда	2
19	Ўрта асрлар, янги ва энг янги давр Европа ўлчов бирликлари.	1. XVIII-XIX асрларда ўлчов бирликлари ҳолати. 2. Европа давлатларининг асосий пул бирликлари. 3. Халқаро ўлчов бирликлари ҳақида тушунча. 4. Метрик ўлчов бирликларининг халқаро ўлчов бирлиги сифатида қабул қилиниши. Халқаро метрологик ташкилот ва унинг вазифалари.	2
ЖАМИ:			42

2.3. Мустақил иш топшириқлари

т\р	Топширик мавзулари	Соат
1	Таклиф этилган мавзу юзасидан тақдимот тайёрлаш ва уни ўтказиш	10
2	Танланган календар тизими ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш	5
3	Танланган давр, эра, йил, цикллار ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш	5
4	Метрологияга оид ижодий иш тайёрлаш	5
5	Ўрта Осиёда қўлланилган календарлар ва ўлчов бирликлари тарихи ҳақида маълумот тўплаш ва ижодий иш тайёрлаш	5
6	Оралик назоратга тайёргарлик кўриш	5
7	Семинар машғулотларга тайёргарлик	21
	Жами	56

III. ФАННИНГ РЕЙТИНГ ИШЛАНМАСИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

3.1. «Хронология» фани бўйича рейтинг ишланма

умумий соат – 70с

маъруза – 28 с

амалий машғулот – 42 с

Т-р	Назорат турлари	сони	балл	Жами балл
I	ЖБ			
	1.1. Семинар машғулотларини бажариш	20	1,5	30
	1.2. Оғзаки сўров	1	5	5
	1.3. ТМИ – ёзма	3	5	15
II	ОБ			
	2.1. Ёзма иш	1	10	10
	2.2. Такдимот	1	10	10
III	ЯБ			
	3.1. Якуний баҳолаш (Ёзма иш, 6 та савол)	1	30	30
ЖАМИ				100

3.2. “Хронология” фанидан баҳолаш мезони

1.1. Жорий баҳолаш бўйича амалий машғулотларда қатнашиб, уни топшириқларини тўла бажарган талабага ҳар бир амалий машғулот учун 1,5 балл берилади. Агар талаба семинар мавзуси бўйича тузилган саволларга жавоб ёзиб келиб, гапириб берса ва қўшимча саволларга тўла жавоб берса – 1,5 балл,

мавзуни ёзиб келса ва муҳокамада фаол иштирок этса - 1 балл қўйилади, мавзуни ёзиб келса, лекин жавоб бермаса - 0,5 балл

1.2. Талабанинг мустақил иши уйга вазифа шаклида, 4 та топширик кўринишида берилади ва умумий 15 баллни ташкил этади. Шундан: барча топшириқларни тўла бажарса – 15 - 10 балл; сифатли ва меъёр талаблари даражасида – 10-8 балл; ўрта даражада -8-5 балл қўйилади.

2.1. 1- оралиқ баҳолаш ёзма тарзда ўтказалиб, ёзма иш учун 5 тадан савол белгиланган, ҳар бир савол 2 баллгача баҳоланади.

- агар савол моҳияти тўла очилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса- 2-1,5 балл

- саволнинг моҳияти умумий очилган асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса- 1,5-1 балл

- саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айрим камчиликлари бўлса 1-0,5 балл

- саволга умумий жавоб берилган, аммо айрим фактлар тўлиқ ёритилмаган бўлса 0,5 балл берилади.

2.2. Иккинчи оралиқ топширик Power Point дастури асосида тақдимот тайёрлаш ва ўтказишдан иборат. Тақдимот 10 балл билан баҳоланади. Талаба танланган мавзу юзасидан йиғилган материалларни таҳлил қилиши ва ўз фикрини билдириши лозим.

3. Якуний баҳолаш тест синов ёки ёзма шаклларда ўтказилади. Бунда талабалар 30 та тест саволига жавоб берадилар (тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимида баҳоланади) ёки ёзма ишда белгиланган билетдаги 6 та саволга ёзма жавоб ёзади. Агар талаба ЯБ да 16,5 балл кам балл тўпласа, у ҳолда талаба қайта ЯБ топширади.

- ҳар бир ёзма саволга максимал 5 балл ажратилади.

- агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг мустақил ва танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса – 5-4,5 балл;

- саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса– 4-3,5 балл;

- саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса – 3-2,5 балл;

- саволга берилган жавоб умумий ва камчиликлари кўпроқ бўлса – 2-1,5 балл;

- саволга қисман жавоб ёзилган бўлса – 1-0,5 балл;

- берилган саволга жавоб ёзилмаса – 0 балл берилади;

IV. МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИ ВА ТАҚДИМОТЛАР РЎЙХАТИ:

Асосий адабиётлар

1. Климишин.И.А. Календар и хронология. – М.: Наука. 1990
2. Селешников С.И. История календаря и хронология. – М.: Наука. 1977
3. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. – М.: Высшая школа. 1981
4. Қодиров А. Вақт ва календар. – Т.: Ўзбекистон. 1977
5. Введение в специальные исторические дисциплины. М., Из-во МГУ. 1990.
6. Каменцева Е.И. Хронология, - М., 2003.
7. Ермолаев И.П. Историческая хронология. – Казань.: Из-во Казанского университета. 1980

4.2. Қўшимча адабиётлар

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ.1998.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Т. I. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.II. Ҳиндистон. – Т.: Фан, 1965.
4. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. I-II китоб. – Т.: Мовароуннахр. 2003.
5. Аҳмедов А. Аҳмад Ал-Фарғоний. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1998.
6. Бакулин П.И., Блинов Н.С. Служба точного времени. –М., 1968.
7. Баринов В.А. Время и его измерение. – М., 1949.
8. Бережков Н.Г. Хронология русского летописания. – М., 1963.
9. Володомонов Н.В. Календар: прошлое, настоящее и будущее. М., 1987.
10. Ивановский М. Вчера, сегодня, завтра. – Л., 1958.
- 11.Идельсон Н.И. История календаря // Этюды по небесной механике. – М.: Наука. 1976.
12. Исмоилова Ю. Ат - Табарий вақт ўлчови тартиблар ҳақида // Шарқшунослик. 1992. №3.
13. Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон.-Т.,1963.
14. Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии. Новый год. – М.: Наука. 1985.
15. Ланда Д. Сообщения о делах в Юкатане. Перевод, вводная статья и примечания Ю.В.Кнозорова. – М., – Л., 1955.
16. Мамадазимов М. Улуғбек ва унинг расадхонаси. – Т.: Ўзбекистон. 1994.
17. Мамадазимов М., Илёсов С. Маликшоҳ эраси // Фан ва турмуш. 2004. №4 - 5. 43 б.
- 18.Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XVII вв). Т.II .–М., 1983.
19. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Математика. Астрономия. География. Кириш мақолалари, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Аҳмедов. - Т.,1983.
20. Мчерлидзе Г.Л. Хронология в древнегрузинской исторической литературе (V-XIV вв.). - Тбилиси., 1963.

21. Нейгебауер О. Точные науки в древности. - М.: Наука. 1968.
22. Умар Хайём. Наврўзнама. Таржимон Урфон Отажон. - Т.: Меҳнат. 1990.
23. Рыбаков Б.А. Календар древних славян // Наука и жизнь. 1962.№9.
24. Хауз Д. Гринвичское время и открытие долготы. - М.: Мир. 1983.
25. Хокинс Ж. Разгадка тайны Стоунхенджа. - М.: Мир. 1966.
26. Цыбульский В.В. Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока: Синхронистические таблицы и пояснения. - М.: Наука. 1964.
27. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси (барча томлари). -Т.: Ўзбекистон.

4.3. Интернет сайтлари рўйхати:

1. www.ziyonet.uz
2. www.wikipediya.org
3. <http://5ka.ru>
4. www.kalendar.onego.ru
5. www.astrogalaxy.ru.
6. <http://dic.academic.ru>.
7. <http://ru.wikipedia.org>.
8. <http://evolutsia.com/>
9. <http://calendar.x0.ru/systems/grigorian>
10. www.historic.ru.

Такдимотлар рўйхати

1. [Хронология фанининг шаклланиши ва тараққиёти](#)
2. [Календарлар ва уларнинг турлари](#)
3. [Шарқ мамлакатларининг календарлари](#)
4. [Қадимги Рим, Греция календарлари. Юлий Цезарнинг календар ислоҳати](#)
5. Майялар ва славян халқлари календарлари
6. Хижрий йил ҳисоби
7. Кавказ халқлари календарлари.
8. Эралар ва уларнинг турлари
9. Ўрта Осиёда қўлланилган календарлар
10. Григорий календарининг қабул қилиниши
11. Замонавий календарлар лойиҳалари. Вақт минтақасининг вақтни ҳисоблашдаги ўрни
12. Метрология фани ва вазифалари. Тарихий метрология.
13. Қадимги Шарқ давлатлари ўлчов бирликлари. Ўрта Осиё давлатларининг ўлчов бирликлари.
14. Ўрта асрлар, янги ва энг янги давр Европа ўлчов бирликлари.

V. ФАНИИ ЎҚИТИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши,

муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар куйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади. Талабалар жаҳон тарихининг турли босқичларида тарихий ва астрономик хронология тараққиёти, Шарқ ва Европада хронологиянининг вужудга келиши ва ривожланиши, вақт ҳисобининг турли тизимларини тарихан вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида, турли халқлар календарлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, тарихий воқеа ва манбаларни вақтини ҳозирги вақт ҳисобига ўгиришни ўрганиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифаларни бажариш тавсия этилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндашув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визууаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўрғазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тесқари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

I. МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1-мавзу: Хронология фанининг шаклланиши ва тараққиёти

Фанни ўқитиш технологияси:

«Хронология фанининг шаклланиши ва тараққиёти» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Тарихий ва астрономик хронологиянинг вазифалари, хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти, Европа ва Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот бериш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Хронологиянинг мазмун ва моҳиятига баҳо бера олади. • Хронологиянинг фан сифатида шаклланишига ҳисса қўшган олимлар фаолиятини таҳлил қилади • Вақт ўлчови тизими сифатида календарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган омилларни изоҳлай олади. • Вақт ҳисобининг илк шаклларида юзага келишини ёритади. • Календарларнинг астрономик асосларини билади. • Вақт ҳисобини юритишда Қуёш ҳаракатининг ўрнини изоҳлайди. <p>1.3.Асосий тушунчалар: Тарихий ва астрономик хронология, календарларнинг астрономик асослари, вақтнинг ўлчов бирликлари, вақт ҳисобининг илк шакллари, сутка, ҳафта, ой, Қуёш ва юлдуз суткалари, Қуёшнинг йиллик ҳаракати, соат.</p> <p>1.4.Дарс шакли: Маъруза</p> <p>1.5. Метод ва усуллар: Оғзаки баён, тақдирот, мунозара, ақлий ҳужум</p> <p>1.6.Керакли жихоз ва воситалар: Ўқув-услубий мажмуа, фотосуратлар, слайдлар, видеопроектор.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 30 мин.
	Гуруҳда ишлаш.	

3	<ul style="list-style-type: none"> • Вақт ўлчовлари ва уларнинг аҳамияти хусусида талабаларнинг фикрларини аниқлаш • Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда вақт ўлчовларининг юзага келиш омилларини таҳлил қилиш • Мавзунинг муҳим босқичлари бўйича тезкор усулда талабаларнинг фикрини тинглаш • Умумий хулосалар чиқариш 	Ўқитувчи-талаба 30 мин.
4	<p><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш:</u> Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Вақт ўлчовларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган омилларнинг қайси бири энг муҳим деб ўйлайсиз? • Қандай ибтидоий ўлчов бирликларини биласиз? • Хронологиянинг фан сифатида тараққий этишига нима асосий сабаб бўлган? 	Ўқитувчи – талаба 10 мин.
5	<p><u>Ўқув машғулотини якунлаш.</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича якуний фикр айтилади ва мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар билан талабалар таништирилади • Мустақил иш топшириғи: Ибтидоий ўлчов бирликлари ҳақида тезис тайёрлаш 	Ўқитувчи 10 мин.

Асосий саволлар:

1. Хронология фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Вақт ҳисобининг илк шакллари
3. Календарларнинг астрономик асослари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Тарихий ва астрономик хронология, календарларнинг астрономик асослари, вақтнинг ўлчов бирликлари, вақт ҳисобининг илк шакллари, сутка, ҳафта, ой, Қуёш ва юлдуз суткалари, Қуёшнинг йиллик ҳаракати, соат.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Хронологиянинг тарихни ўрганишдаги ролига баҳо беринг.
2. Вақт ўлчовининг турлича тизимларининг пайдо бўлишида қайси омиллар муҳим ўрин тутган деб ўйлайсиз?

1-асосий савол: Хронология фанининг мақсад ва вазифалари

1-савол юзасидан дарс мақсади: Тарихий ва астрономик хронология, Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти, Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Хронологиянинг мазмун ва моҳиятига баҳо бера олади.
2. Хронологиянинг фан сифатида шаклланишига ҳисса қўшган олимлар фаолиятини таҳлил қилади

1-саволнинг баёни:

Кўпгина бошқа ҳаётий-фалсафий масалалар қаторида вақт муаммоси инсон ақлини минг-минг йиллар давомида банд этиб келмоқда. Инсоният ўзининг бутун ҳаёти давомида вақт тўғрисида қанчадан-қанча фалсафий қарашлар, астрономик хулосалар, физик тахминлар, математик ҳисоблар, географик ўлчовлар яратмаган дейсиз. Бу табиийдир, албатта. Чунки инсон ўзининг дунёдаги ўрнини аниқлашга, табиат сирларини билиш ва улардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга ҳамиша ҳаракат қилган. Вақт ўлчами инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Биз ўрганишни бошлаётган фан ана шу муҳим масалага бағишланган.

Хронология грекча хронос- “вақт”, логос- “фан” сўзларидан тузилган бўлиб, вақт ўлчови ҳақидаги фанни англатади. Хронология XVI аср охирлари- XVII аср бошларида тарих фанининг ривожланиши билан пайдо бўлди. У икки қисмга бўлинади:

1. Астрономик (математик) хронология.
2. Тарихий (техник) хронология.

Математик хронология осмон жисмларининг ҳаракатини илмий кузатиш-изланишлар ва ҳисоб-китоб йўли билан аниқ астрономик вақтни ўрганади.

Астрономик хронология осмон жисмлари ҳаракатининг қонуниятларини тадқиқ этиб, аниқ астрономик вақтни аниқлайди. **Тарихий хронология** аниқ тарихий ҳодисалар ва ҳужжатлар санасини аниқлаш ва ойдинлаштириш билан шуғулланади. Тарихий хронологиянинг фан сифатида предмети турли халқларнинг турли даврларда вақтни қай тарихи ўлчаганларини, шунингдек вақт ҳисобининг турли тизимларини тарихан вужудга келиши ва ривожланишини ўрганишдан, тарихий воқеалар, турли календар системаларининг саналарини ҳозирги вақт ҳисобига ўгиришдан иборат. Хронологиянинг бу икки қисми бир-бири билан боғлиқдир, тарихий хронологияни ўрганишда албатта астрономик хронологияга мурожаат қилинади.

Хронология тарихан вужудга келган билимлар тизимидир. Табиатни кузатиш, вақтни аниқлашда мураккаб математик ҳисоб-китоблар қадимдаёқ хронология фани пайдо бўлишига замин яратди. Хронологиянинг ривож

дастлаб қадимги Шарқнинг Миср, Бобил, Ҳиндистон каби давлатларида, Юнонистон ва Римда юз берган.

Хронология билан илмий равишда шуғулланган илк олимлар сирасига қадимги юнон олимларидан Эротосфен ва Птоломей, Каллип, қадимги Рим мутафаккирлардан Варрон, Цензорин ва Макробийларни киритишимиз мумкин. Масалан юнон математиги Клавдий Птоломей (эрамизгача II аср) астрономияга оид машҳур "Альмагеста" асари муаллифидир. Асар ўзида ўша даврининг бутун астрономик билимлари баёнини берган. Астрономик кузатувлар қадимда подшолар бошқарган йиллар бўйича қайд этилган, шунинг учун Птоломей "Подшоларнинг хронологик қонуни"ни тузган.

Хронологиянинг кейинги истиқболи ўрта асрларда юз берди. Европада хронологиянинг фан сифатида ривожланиши француз гуманист-олими Жозеф Скалигер номи билан боғлиқ. У ўзининг "Вақт ҳисобини такомиллаштириш" (1583), "Вақт хазинаси" (1606) ва бошқа асарлари билан бу соҳада кейинги илмий изланишларга катта таъсир кўрсатди. Ж. Скалигер тарихий хронологияга маълум тартибни олиб кириб, аниқ таржима усуллари (редукция) ишлаб чиқди. Хронология фани тараққиётига ҳисса қўшган олимлар қаторида немис астрономи ва хронологи Х.Л.Иделер ("Математик ва техник хронология бўйича маълумотнома"), бошқа бир немис олимлари Ф.Гинцел, Х.Гротефенд, Ф.Рюль, француз олими А.Жири ва венгер тарихчиси И.Сентпетери, австриялик олим Р.Шрам ва бошаларнинг номларини келтириш мумкин.

Тарихий хронология фани ривожига Абу Райҳон Беруний катта ҳисса қўшган. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўз замонасининг ҳамма фанларини эгаллаган буюк энциклопедист олим эди. Абу Райҳон Берунийнинг хронологияга оид қимматли асарларидан бири "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобидир. Асарнинг арабча номи "Ал осор ал-боқия ан ал-курун ал-ҳолия" бўлиб, Европада "Хронология", ўзбек шарқшунослигида "Осор ал-боқия" номи билан машҳурдир. Беруний бу асарни 27 ёшида, 1000 йилда ёзиб тамомлаган. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, бу китобни биринчи марта Европага таништирган киши машҳур немис олими Эдуард Захау (1845-1930) эди.

"Ёдгорликлар" деб ҳам аталган ушбу асарда Беруний ўзига маълум бўлган халқлар – юнонлар, румликлар, эронийлар, ҳиндлар, сўғдийлар, хоразмликлар, христианлар, ҳарронийлар (юлдузга сиғинувчилар), қибтий, яхудийлар ва бошқа халқларнинг исломиягача бўлган ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳамда тарихини баён қилган. Шунингдек бу халқларнинг йил ҳисоблари, турли байрам ва машҳур кунлари муфассал тасвирланган.

Асарда астрономия ва математиканинг кўп масалалари ёритиб берилган. Беруний мусулмон олимлари ичида биринчи марта яхудийлар календари ҳақида маълумот беради. "Осор ал - боқия" қамраб олган масалалар булар билан чегараланиб қолмайди.

Олимнинг яна бир тарихий асари "Китоб таҳқиқ моли-л-Ҳинд мин мақула фи ақл ва-л-марзула" ("Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган

таълимотларини аниқлаш”) кўпроқ “Ҳиндистон” номи билан машҳур бўлиб, унда Ҳиндистоннинг географик ҳолати, ҳиндларнинг ижтимоий – сиёсий тузуми, қонунлари, дини, урф-одатлари, адабиёти, аниқ фанлари, фалсафаси, тарихи ва нақл – ривоятлари, ўша замонда Ҳиндистонда амалда бўлган оғирлик ва ҳажм ўлчовлари ҳақида сўз боради.

2-асосий савол: Вақт ҳисобининг илк шакллари

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Вақт ҳисобининг юзага келиш ва ривожланиш босқичлари, вақтнинг ибтидоий ўлчов бирликлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Вақт ўлчови тизими сифатида календарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган омилларни изоҳлай олади.
2. Вақт ҳисобининг илк шакллари юзага келишини ёритади.
3. Вақтнинг дастлабки бирликларининг вужудга келиш сабабларини шарҳлайди

2-саволнинг баёни:

Инсон ўзининг дунёдаги ўрнини аниқлашга, табиат сирларини билиш ва улардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга ҳамиша ҳаракат қилган. Инсонни энг қадимги даврлардан қизиқтириб келган масалалардан бири вақт ва унинг ўлчамига доир масала эди.

Вақтни ўлчаш зарурияти энг қадимги даврлардаёқ юзага келган. Ўз меҳнат фаолиятида ибтидоий инсонлар турли табиат ҳодисалари билан тўқнаш келган. Кун билан туннинг, фаслларнинг узлуксиз алмашуви, осмон гумбазида Қуёшнинг кўринадиган йўли, Ой фазаларининг изчиллик билан такрорий алмашуви, айрим юлдузлар ҳолатининг кунлик ўзгариши ва бошқа шунга ўхшаш табиий ҳодисаларни кузатган инсон табиат қонуниятлари тўғрисида аста-секин тушунчалар тўплай бошлайди. Ибтидоий инсонлар сон-саноксиз кузатишлар натижасида вақт ҳисобини табиат билан, унинг ҳодиса ва қонуниятлари билан боғлаш зарурлиги ҳақидаги бирдан-бир тўғри хулосага келган.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ кишилар кун билан туннинг ўзаро алмашувини, сувнинг музлаши ва эриш даврларини, ёмғир ёғиш ва дарёларнинг тошиш пайтларини, ўт-ўланларнинг кўкариши ва меваларнинг пишиш вақтларини кузатиш натижасида вақтнинг оқимини фаҳмлаб, уни аниқлашни ҳамда ўлчашни ўрганганлар. Шу тариқа инсоният маданиятининг тонгида дастлабки, содда календарлар пайдо бўлган.

Вақтнинг дастлабки табиий бирлиги инсон меҳнати ва дам олишининг алмашуви билан боғлиқ равишда сутка бўлган. Дастлаб кунлар ва тунлар ҳисоби дастлабки беш рақам – бир қўлдаги беш бармоқ сони билан чегараланган. Шундай қилиб кейинчалик “кичик ҳафта” номини олган беш

кунлик ҳафта юзага келган. Кейинчалик иккала қўлдаги бармоқлар сони бўйича “катта ҳафта” – ўн кунлик ҳафта ҳам пайдо бўлган. Фақат кунлар ҳисобигина эмас, балки умуман ҳисоб ибтидоий одамнинг қўл бармоқларидан бошланган бўлиши мумкин. Буни ҳозирги пайтда ҳам ижтимоий тараққиётнинг қуйи босқичларида яшаётган айрим халқларнинг ҳаётини ўрганиш мақсадида олиб борилган кузатишлар исбот этган.

Кейинчалик ибтидоий одамлар Ой мунтазам равишда ўз қиёфасини ўзгартириб туришига эътибор қаратганлар. Шу тариқа сутка ва ҳафтадан каттароқ вақт бирлиги – қамарий ой пайдо бўлган.

Вақтнинг бошқа ўлчов бирлиги – етти кунлик ҳафта қадимда маълум бўлган ва оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган бешта сайёра (Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн) ва осмон ёритқичлари – Қуёш ва Ой сонига мувофиқ равишда дастлаб Шарқда, Бобилда юзага келган. Ҳафтанинг вужудга келиши шунингдек Ойнинг ташқи кўринишининг ўзгариши билан ҳам боғлиқ бўлган.

Ҳозирги кўринишдаги календар пайдо бўлгунга қадар одамлар ёғоч ва бошқа нарсаларга ўйиб кун, ой санокларини санаш, каноп, арқон кабиларга тугун қўйиш, хурофий аломатлар, ривоятлар, қиссалар орқали авлодларга хабарлар етказганлар. Одамлар асосан кундалик турмуш заруриятидан келиб чиқиб, ов, экин-текин, йиғим-терим мавсумини аниқлаш учун ҳисоб олиб боришган.

Аввалига бу ўлчов анчагина кўпол, ҳақиқатдан бирмунча узоқ бўлган, кейинчалик асрлар ўтиши билан ҳақиқатга тобора яқинлашиб, аниқлашиб борган. Инсон маданият тараққиётининг тобора юқори босқичларига кўтарилгани сари, унинг умуман ўзини қуршаб турган олам тўғрисидаги ва вақт тўғрисидаги билимлари ҳам тобора чуқурлашиб, кенгайиб борган.

Демак, ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларидаёқ кишилар маълум табиий ҳодисаларга боғлиқ ҳолда вақт тўғрисида тасаввурларга эга бўлганлар. Кундалик ижтимоий ҳаёт талаблари вақтнинг ўлчов бирликларини ўйлаб топиш ва уларни ҳисоблаш заруриятини туғдиради. Бироқ махсус вақт ҳисобининг яратилиши ҳамда унинг ҳаётга кенг қўламда қўлланиши эса ижтимоий меҳнат тақсимооти билан боғлиқдир. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи чорвадор халқларда Ой (қамарий) календари, зироатчилик билан шуғулланувчи ўтроқ халқларда Қуёш календарлари пайдо бўлган.

3-асосий савол: Календарларнинг астрономик асослари.

3-савол юзасидан дарс мақсади:

Календарларнинг астрономик асослари, Қуёш ва юлдуз суткалари ва уларнинг узунлиги, Қуёшнинг йиллик ҳаракати ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Календарларнинг астрономик асосларини билади.
2. Вақт ҳисобини юритишда Қуёш ҳаракатининг ўрнини изоҳлайди.


3-саволнинг баёни:

Ҳар қандай календарнинг асосида астрономик ҳодисалар ётади. Бу ҳодисалар учта асосий вақт ўлчовининг бирлигини беради ва улар ҳар қандай календар системасининг асосини ташкил этади. Булар қуёш суткаси, қамарий ой ва қуёш йилидир.

Вақт ўлчовининг табиий манбаларидан бири - айланувчи Ердир. Ернинг ўз ўқи атрофида бир кунлик айланиши бизга маълум бўлган барча ҳаракатлар ичида энг тўғри, баб-баравар, бир меъёрдаги ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабдан сутка Ернинг ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа қараб бир марта тўлиқ айланиши натижасида ҳосил бўладиган вақтнинг табиий ўлчов бирлигидир. Астрономик кузатишларнинг исботлашига кўра, куннинг узунлиги, яъни Ернинг ўз ўқи атрофида бир кунлик ёки бир марта айланиш вақти кейинги икки минг йил давомида ҳатто секунднинг юздан бир қисмига ҳам ўзгармаган. Демак, мазкур вақтни ўлчаш бирлигимиз етарли даражада ишончли ва тўғри birlikдир.

Ер ўз ўқи атрофида қанча соатда бир марта айланади? 24 соат ичида десак тўғри бўлмайди. Астрономлар одатда: Ер ўз ўқи атрофида бир юлдузлар куни (суткаси) давомида бир марта тўлиқ айланади,- деб жавоб беришади.

Ернинг ўз ўқи атрофида бир марта айланиш вақти 23 соат 56 дақиқа 4 сониядан иборатдир. Бу вақт юлдузлар куни (суткаси) деб аталади. Юлдузлар куни вақтнинг энг асосий бирлиги ҳисобланади. Чунки юлдузлар кунининг узун-қисқалиги доимо бир хил, ўзгармасдир.



Юлдуз ва Қуёш суткаси ўртасидаги фарқ

Юлдузлар кунини астрономлар 24 юлдуз соатига, ҳар бир соатни 60 юлдуз дақиқасига, ҳар бир дақиқани 60 юлдуз сониясига бўлишади. Бу “юлдуз” соатлари “қуёш” вақт бирлигидан бир оз қисқароқдир.

Юлдузлар вақти кишилар ҳаёти учун ноқулайдир. Чунки юлдузлар кунининг бошланиши бутун йил давомида кун ва туннинг турли вақтларига тўғри келаверади. Инсоннинг ҳаёти Қуёшга боғлиқдир. Шунинг учун кишилар ўзларининг кундалик ҳаётларида қуёш вақти деб аталувчи вақтга амал қиладилар. Бироқ қуёш вақти юлдузлар вақтига нисбатан анчагина мураккабдир.

Ҳақиқий қуёш вақтини яхшироқ тушуниш учун астрономлар аввал Қуёшнинг кўринадиган йиллик ҳаракати билан танишишни маслаҳат берадилар. Қуёшнинг юлдузлараро ҳаракат йўли астрономияда **ЭКЛИПТИКА** дейилади. Қуёшнинг бу ҳаракат йўли осмонда катта бир доирани ташкил этади. Астрономик телескоплар ёрдамида олиб борилган кузатишлар натижасида олимлар шундай хулоса чиқаришган: Қуёш йил давомида осмонда гўё бутун дунё бўйлаб саёҳат қилади. У ўз саёҳати давомида доим бир томонга ҳаракат қилиб, роса бир йилдан кейин яна худди ўша жойга- ўша юлдуз ёнига қайтади. Бу – **Қуёшнинг йиллик ҳаракатидир**.



Қуёшнинг эклиптика бўйлаб ҳаракати

Астрономик кузатишларга кўра, Қуёш бир баҳорги кун билан тун тенглиги нуқтасидан бошқа баҳорги кун-тун тенглиги нуқтасига 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сония вақт ичида борар экан. Бу вақт астрономия **тилида тропик йил** дейилади. Демак, худди ана шунча вақт давомида, яъни бир тропик йилда Ер Қуёш атрофини бир марта айланиб чиқади. Бироқ Ернинг Қуёш атрофида йиллик айланиш йўлининг турли жойларида унинг ҳаракат тезлиги ҳамиша бир хил бўлмайди. Бунинг натижасида Қуёшнинг йиллик ҳаракати бизга бир меъёрда эмасдек бўлиб кўринади. Масалан, Қуёшнинг ёзги ярим йил давомида босиб ўтадиган ва бизга кўринадиган йўли унинг қишки ярим йил давомида ўтадиган йўлига (ярим доирага) аниқ тенгдир. Ваҳоланки, Қуёш биринчи ярим доирани 186 кунда (21 мартдан 23 сентябргача) ва иккинчи ярим доирани эса фақат 179 кунда (23 сентябрдан 21 мартгача) босиб ўтади.

Мана энди Қуёш вақтининг юлдузлар вақтига қараганда мураккаб эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бироқ юлдузлар кунидан вақтли ўларок ҳақиқий Қуёш кунининг узун-қисқалиги вақти-вақти билан ўзгариб туради. Бунинг сабаби шундаки, Ер эллипс шаклидаги ўз орбитасининг Қуёшга яқинроқ жойида турганда тезроқ ҳаракат қилади. Ярим йилдан кейин эса Ер эллипснинг қарама-қарши томонига ўтган бўлади ва у энди орбита бўйлаб секинроқ силжийди. Ернинг ўз орбитаси бўйлаб бир меъёрда ҳаракат қилмаслиги Қуёшнинг осмонда бизга кўринадиган ҳаракатининг турлича меъёрда бўлишини келтириб чиқаради: демак, Қуёш йилнинг турли даврларида турлича тезлик билан силжийди. Шунинг учун ҳам ҳақиқий Қуёш

кунининг узунлиги йил давомида бир оз ўзгариб боради. Ҳақиқий Қуёш кунларининг энг узуну 23 - декабрда ва энг қисқаси эса сентябрда бўлади. Лекин бу фарқ жуда ҳам кичик рақамни ташкил этади: 51 сония.

Назорат учун саволлар:

1. Вақт ўлчовларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган омилларнинг қайси бири энг муҳим деб ўйлайсиз?
2. Қандай ибтидоий ўлчов бирликларини биласиз?
3. Хронологиянинг фан сифатида тараққий этишига нима асосий сабаб бўлган?

Адабиётлар:

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Т. I. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т. II. Ҳиндистон. – Т.: Фан, 1965.
3. Климишин.И.А. Календар и хронология. – М.: Наука. 1990
4. Селешников С.И. История календаря и хронология. – М.: Наука. 1977
8. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. – М.: Высшая школа. 1981
9. Введение в специальные исторические дисциплины. М., Из-во МГУ. 1990.
10. Каменцева Е.И. Хронология, - М., 2003.

2-мавзу: Календарлар ва уларнинг турлари

Фанни ўқитиш технологияси:

«Календарлар ва уларнинг турлари» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Календарларнинг вужудга келиш омиллари, тропик йил ва календар йили ўртасидаги фарқ, вақтнинг табиий ва сунъий бирликлари ҳақида маълумот бериш. Календарларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда мавжуд цикллар билан таништириш</p> <p>1.2. Идиентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Календарларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатган иқтисодий-ижтимоий омилларни таҳлил қилади. • Вақтнинг турли бирликларини мувофиқлаштириш усулларини шарҳлайди.Қадимги Шарқ санъатининг тараққиётига таърифлайди • 	Ўқитувчи

	<ul style="list-style-type: none"> • 1.3. Асосий тушунчалар: Календар, тропик йил ва календар йили, вақтнинг табиий ва сунъий бирликлари, Қуёш календарлари, Ой календарлари, Ой фазалари, Ой-қуёш календарлари, Клеостада, Метон, Калипп, Гиппарх цикллари. • 1.4. Дарс шакли: Маъруза – мунозара • 1.5. Метод ва усуллар: Тақдимот, маъруза-ҳикоя, мунозара, • 1.6. Воситалар: Ўқув-услубий мажмуа, харита, слайдлар, видеопроектор. 	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Кўриладиган масалалар тушунтирилади.</p> <p>2.3. Талабалар микрогуруҳларга ажратилади.</p>	Ўқитувчи 30 мин.
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мавзу бўйича талабаларнинг фикрини билиш; • Талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини кучайтириш; • Талабаларни баҳсга жалб қилиш. 	Ўқитувчи – 30 талаба
4	<p>Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қадимги Шарқ санъати жаҳон санъати тараққиётида қандай рол ўйнади? • Олд Осиё санъатининг ўзига хос жиҳатларига баҳо беринг • Қадимги Миср санъатининг қандай намуналарини биласиз? • Аҳамонийлар санъатининг ривожига бўйсундирилган халқлар қандай ўрин тутган? 	Ўқитувчи 10 мин
5	<p>Яқуний фикрлар ва топшириқлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича яқуний фикр билдирилади • Мустақил топшириқлар бўйича тайёргарлик кўриш топширилади: Санъатнинг танланган жанр, оқим, услубларидан бирини таҳлил қилиш. 	Ўқитувчи 10 мин

Асосий саволлар:

1. Календарларнинг вужудга келиши ва вақт бирликлари
2. Қуёш календарлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари
3. Ой ва Қуёш-Ой календарлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Календар, тропик йил ва календар йили, вақтнинг табиий ва сунъий бирликлари, Қуёш календарлари, Ой календарлари,

Ой фазалари, Ой-қуёш календари, Клеостада, Метон, Калипп, Гиппарх цикллари.

1-асосий савол: Календарларнинг вужудга келиши

1-савол юзасидан дарс мақсади:

Календарларнинг вужудга келиш омиллари, тропик йил ва календар йили ўртасидаги фарқ, вақтнинг табиий ва сунъий birlikлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Календарларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатган иқтисодий-ижтимоий омилларни таҳлил қилади.
2. Вақтнинг турли birlikларини мувофиқлаштириш усулларини шарҳлайди.

1-саволнинг баёни:

Календар сўзи латинча "календариум" сўзидан олинган бўлиб, "қарз китоби" маъносини англатади. Бу сўз шу нарса билан боғлиқки, қадимги Римда қарздорлар ўз қарз фоизларини ойнинг биринчи кунида тўлаганлар, ойнинг дастлабки кунлари эса "календа" деб аталган.

Ҳозирги пайтда эса календар бу – турли мамлакатларда вақт ҳисоби системаси бўлиб, унинг асосида табиатнинг даврий ҳодисалари, осмон jismlари ҳаракатлари, вақт оралиқларининг ҳисоби олиб борилади. Календар ривожига, аниқроғи, календар системасида турли тарихий жараёнлар, хўжалик шароитлари, халқларнинг ҳаёти ўз аксини топган.

Вақт ўлчовининг биринчи табиий birлиги кун эканлигини, унинг инсон меҳнати ва дам олишининг алмашуви билан боғлиқлиги ҳамда Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида ҳосил бўлишини биласиз. Бироқ юқорида айтиб ўтилганидек, ҳақиқий Қуёш кунининг узун-қисқалиги йил давомида турлича бўлганлиги сабабли, ҳақиқий Қуёш вақтининг бошқа birlikлари - соат, дақиқа ва сонияларнинг ҳам йилнинг турли кунларида турлича узун-қисқаликка эга ва шу сабабли кундалик ҳаётда вақтнинг ўлчов birлиги сифатида ундан фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун астрономлар уни ўртача Қуёш вақти (ёки ўртача Қуёш куни) деб аталувчи вақт ўлчов birлиги билан алмаштиришни таклиф этишган ва шу таклиф бутун дунёда қабул этилган. Ўртача Қуёш куни вақтнинг асосий ўлчов birlikларидан бири сифатида ҳозирги замон календарларига асос қилиб олингандир.


Бора-бора хўжалик ишларининг ривожига ва ижтимоий ҳаёт вақт ўлчовининг кунга нисбатан йирикроқ бўлган birлигини топиш эҳтиёжини келтириб чиқарган. Кишилар бундай вақт ўлчов birлигини осмон ёриткичларидан бири бўлмиш Ойдан, аниқроғи Ойнинг ҳаракатидан топганлар.

Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракати қатор астрономик сабабларга кўра жуда мураккаб ҳаракат ҳисобланади. У Ер атрофини ўз орбитаси бўйлаб 27,32

ўртача шамсий кун давомида бир марта айланиб чиқади. Ойнинг шу айланиши сарфлаган вақтини астрономлар юлдузлар оyi дейишади. Ой бир юлдуз оyi тугаши билан шу ой бошида ўзи ундан узоқлашган юлдуз олдига яна қайтади. Бироқ бундай ҳисоб кишиларнинг кундалик ҳаёти учун жуда ноқулайдир.

Кишилар қадим даврлардаёқ тун билан куннинг алмашуви сингари Ойнинг Қуёшга нисбати билан боғлиқ бўлган даврлар бирин-кетин муқаррар равишда алмашиб, такрорланиб туришини пайқаганлар ва вақт ҳисобини юритишда ундан фойдаланганлар. Шу тариқа вақт ўлчовининг яна бир табиий, кунга нисбатан бирмунча йирикроқ бирлиги – ой пайдо бўлади.

Ойнинг такрорий ўзгаришлари унинг фазалари дейилади. Ойнинг асосий фазалари тўртта бўлиб, уларнинг тўлиқ бир марта алмашуви куёш вақтининг 29 кун 12 соат 44 дақиқа 2,8 сониясига ёки тахминан 29,530588 ўртача куёш суткасига тенг. Ойнинг иккита бир хил кетма-кет фазалари ўртасидаги вақт астрономияда синодик ой деб аталади. Юнонча “синодос” сўзи “яқинлашиш” каби маънони билдиради.



Ой фазаларининг алмашинуви

Кўпчилик халқлар вақтни ойлар билан ҳисоблашни йил ҳисобларидан анча илгари бошлашган. Лекин улар вақтни ойлар билан ҳисоблашда, бир ойдаги кунлар сонини белгилашда бутун сонни олишган, албатта. Шунинг учун ҳам тез орада кишилар вақтнинг бундай ой ҳисобида қандайдир номувофиқлик борлигини сезишган. Шунинг учун ой ҳисоби билан яшаган халқлар кейинчалик янги ой туғилишининг доим ойнинг бошланишига тўғри келиши учун ойларни гоҳ 30 кундан, гоҳ 29 кундан қилиб, алмаштириб ҳисоблашга ўрганганлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳақиқий куёш кунининг узун-қисқалиги йил давомида турлича бўлганлиги сабабли, ҳақиқий куёш вақтининг бошқа birlikлари – ҳақиқий соат, дақиқа ва сонияларнинг ҳам йилнинг турли кунларида турлича узун-қисқаликка эга бўлиши табиийдир. Демак, ҳақиқий куёш кунидан кундалик ҳаётда вақтнинг ўлчов бирлиги сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун астрономлар уни ўртача куёш вақти (ёки ўртача куёш кун) деб аталувчи вақт ўлчов бирлиги билан алмаштиришни таклиф этишган ва шу таклиф бутун дунёда қабул этилган.

Вақтнинг яна бир табиий ўлчови-йил фаслларининг доимий алмашинуви ҳам календарларнинг юзага келишида муҳим рол ўйнаган. Фаслларнинг алмашинувига сабаб Ернинг Қуёш атрофида айланиши ва Ер ўқининг Ер орбитаси яссилигига нисбатан $66^{\circ} 33'$ бурчак қияликда эканлигини биласиз.

2- асосий савол: Қуёш календари.

2-савол юзасидан дарс мақсади: Қуёш календарининг ўзига хос жиҳатлари, унинг узунлиги, қадимги халқларда Қуёшга асосланган календарларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Қуёш календарининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилади.
2. Қуёш календарларида мавжуд камчиликларни таҳлил қилади.

2-саволнинг баёни:

Кишиларнинг ҳаётини эҳтиёжлар туфайли вақтнинг кун, ой ҳамда йил каби ўлчов бирликларини бир-бирига ҳеч бўлмаганда маълум даражада мувофиқлаштиришга бўлган интилишлари оқибат натижада шунга олиб келдики, турли даврларда календарларнинг уч тури вужудга келди: **Қуёш календари (шамсий календар), Ой календари (қамарий календар) ва Қуёш-Ой календарлари.**

Шамсий календар тизими Қуёшнинг йиллик ҳаракатига асосланган бўлиб, у асосан кунлар билан йилни бир-бирига мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Бундай календарда йил фасллари, уларнинг ўзаро тақрорий алмашуви ва тропик йил асосий ўрин тутди.

Кишилар ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлашлари натижасида экин экиш ва йиғим-терим вақтини аниқлашга эҳтиёж туғилган. Бу бевосита йил алмашуви ва Қуёшнинг йиллик ҳаракати билан боғлиқ бўлган. Шу тариқа Қуёш календари пайдо бўлди. Шамсий календар дастлаб қадимги Мисрда эрамиздан тахминан тўрт минг йилларча илгари, деҳқончилик ишларини бошқариш натижасида келиб чиққан. Ҳиндистоннинг айрим давлатларида, Марказий Америкада, Юлий Цезарь ислохотидан сўнг Қадимги Римда, христиан Европасида ҳам вақт ҳисоби Қуёшга қараб юритилган. Ҳозирги пайтда дунёдаги деярли ҳамма мамлакатлар Қуёш календаридан фойдаланади.

Қуёш календарининг математик теорияси асосида тропик йилнинг узунлиги ётади. Биз юқорида тропик йилни 365, 24220 ўртача қуёш суткасида иборат деб белгилаб олган эдик. Календар йили эса бутун сонли кунлардан иборат бўлиши зарур, ёки 365, ёки 366. Дастлабки қуёш календарларида йил 365 кундан иборат бўлган, масалан, қадимги Миср календариди. Аммо бундай ҳолатда ҳар тўрт календар йилида календар йили ва тропик йили ўртасидаги

фарқ деярли 4 кунни ташкил этган. Шу сабабдан бундай йил “саёқ юривчи йил” деб ном олган.

Демак, куёш календарларида календар йилини тропик йил билан мувофиқлаштириш учун қандайдир маълум вақт оралиғида календар йилига қўшимча кун киритиб бориш лозим бўлади, яъни 356 кундан иборат оддий йиллардан сўнг 366 кундан иборат кабиса йили келиши керак.

Турли халқлар турлича календарларда бу масалани турлича йўлар билан ҳал этишган. Масалан, юлиан календарларида учта оддий йилдан сўнг, тўртинчи йил кабиса ҳисобланган. Умар Хайём таклиф этган календарда эса ҳар 33 йилда 8 та кабиса йили мавжуд бўлган.

Ҳар қандай куёш календарининг аниқлигини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$A = \frac{365m + 366n}{m + n} - T,$$

Бунда А - йиллик хатонинг ўртача суткадаги абсолют катталиги, Т - тропик йилнинг ўртача суткадаги узунлиги, m – календар циклидаги оддий йиллар сони, n – ўша циклдаги кабиса йиллари сони. Келтирилган формуладаги m+n маҳражи календар цикли сифатида қабул қилинади.

Ушбу формула ёрдамида бир қатор куёш календарларининг аниқлигини кўрсатувчи таблица тузиш мумкин:

Календарнинг номи	m	n	A	Хатолик бир суткани ташкил этадиган давр
Қадимги Миср	4	0	-0,24220	4 йил
Юлиан	3	1	+0,00780	128 йил
Григориан	303	97	+0,00030	3 280 йил
Умар Хайём	25	8	+0,00022	4 500 йил
И.Г.Медлер	97	31	-0,00001	100 000 йил

3- асосий савол: Ой ва Куёш-Ой календарлари

3-савол юзасидан дарс мақсади: Ой календари ва унга асос бўлган Ой фазаларининг ўзгариши, Ой-куёш календари, Ой-куёш календарларидаги Клеостада, Метон, Калипп, Гиппарх цикллари билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ой календарининг ўзига хос хусусиятларини ёритади.
2. Ой-Куёш календарининг вужудга келиш сабабларини изоҳлайди.
3. Ой-куёш календаридиги турли цикллари таққослайди.

3-саволнинг баёни:

Кўзга яққол кўринадиган Ой қиёфасининг ўзгаришига асосланган қамарий тақвим кўплаб мамлакатларда бошқа календар системаларидан аввал

пайдо бўлган. Ойнинг даврий ҳаракати бобилликлар, яҳудийлар, хитойлар, хиндлар каби кўпгина қадимги халқлар календар тизимига асос қилиб олинган. Ой календари арабларда кенг тарқалган. У қадимги халқлар динида, айниқса Шарқ халқларининг динларида катта аҳамият касб этган. Бу календар ислом динига эътиқод қилувчи халқларда доимо амал қилиб келади.

Ой календарининг асосий вазифаси вақт ҳисобида кунлар билан қамарий ойни бир-бирига мувофиқлаштиришдан иборат.

Қамарий календар бўйича вақт ҳисоби олиб борувчи барча халқлар календар ойининг бошланиши деб ёш Ой биринчи марта кўринган кунни ҳисоблашади. Янги ой туғилишидан ёш Ой кўрингунча (юнонлар бу ҳолатни неомения деб аташган) ўтган вақтнинг канча бўлиши ҳам астрономик, ҳам об-ҳаво шароитларига боғлиқдир. Бу вақт хронологияда ўртача 36 соатга тенг деб ҳисобланади.

Бир неча минг йиллар муқаддам иккита ёш Ой оралиғида 29 ёки 30 кун ўтади деб аниқланилган. Шунинг учун синодик ойнинг узунлигини аввалига 29,5 кундан иборат деб ҳисоблашган ва қамарий календар йилининг ойлари эса навбатма-навбат 29 ва 30 кундан алмашиб турган. Лекин ҳар бир янги қамарий ойнинг биринчи куни осмонда ёш Ой биринчи марта кўринган кундан бошланиши албатта шарт бўлган.

Қамарий йил 12 қамарий ойдан иборат бўлиб, у тахминан 354 кунга тенгдир. Календарнинг барча тоқ ойлари 30 кундан, барча жуфт ойлари эса 29 кундан иборат. Шундай қилиб, қамарий календар йили ҳам қамарий йил сингари 354 кундан иборат бўлади ($6 \times 30 + 6 \times 29 = 354$).

Бироқ, биз синодик ойнинг ҳақиқатда 29,5 кунга тенг бўлмай, балки 29,53059 кундан (ёки 29 кун 12 соат 44 дақиқа 2,8 сониядан) иборатлигини биламиз. Шунинг учун ойлари 29 ва 30 кундан ҳисоблаганда календар ойидаги 29,5 кундан ортиқча вақт аста-секин тўпланиб бориб, натижада у ҳам қамарий ойнинг, ҳам қамарий йилнинг бошланиши – биринчи кунини Ойнинг янги ой фазасидан (ёки неомения ҳолатидан) узоқлаштириб юборади. Бундай ноқулайликлардан қутилиш учун вақти-вақти билан календарни тузатиб туришга қарор қилинган. Бунинг учун айрим қамарий йилларга қўшимча 1 кун қўшиб турилади. Бундай 355 кунлик йилларни шамсий календарнинг 366 кунлик йиллари сингари қабиса йиллар деб атаймиз. Шу йўл билан ойлари ҳамда қамарий йилларнинг бошланиши осмонда янги Ой кўринган кунга тўғри келишига эришилган.

Қабиса тизимини танлаш, яъни қайси қамарий йилларни 355 кундан ҳисоблаш зарурлигини аниқлаш керак бўлган. Ҳозир ишлатилаётган барча қамарий календарлар 8 йиллик даврга эга бўлган “турк цикли” га ёки 30 йиллик даврга эга бўлган “араб цикли” га асосланади.

“Турк цикли” га асосланган қамарий календар бўйича 354,36706 кунлик 8 та қамарий йил тахминан 2835 кундан иборат бўлади. Лекин 354 кунлик 8 та оддий қамарий йил эса 2832 кунни ташкил этади, холос. (яъни у 3 кунча оздир). Шунга кўра, орадан саккиз йил вақт ўтганда қамарий календар йилининг бошланиши ой бошига ёки ҳеч бўлмаса неоменияга тўғри келиши

учун унга яна уч кун кўшиш керак бўлади ($354 \times 5 + 353 \times 3 = 2835$ кун). Цикл доирасида кабиса йилларининг 2, 5 ва 7 йилларга тўғри келиши маъкул топилган. Чунки ҳар йил охиридаги хатолик ярим кундан ошмаслиги керак.

“Араб цикли” га асосланган қамарий календар бўйича 354,36706 кунлик 30 та қамарий йил тахминан 10631 кунни ташкил этади. Бироқ ҳар бири 354 кундан бўлган 30 та оддий қамарий йил эса фақат 10620 кунга эга. Шунинг учун ҳар 30 йилда ой боши деярли аниқ 11 кун кечикади. Демак, 30 йиллик циклнинг 11 йилига биттадан кун кўшиш керак бўлади. Унга бу циклнинг 19 та оддий йили 354 кунга ва 11 та кабиса йили 355 кунга эга бўлади. Бу 30 йиллик цикл ичида 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29 йилларни кабиса йили деб ҳисоблаш маъкул топилган. Кабиса йилларини юқоридаги тартибда белгилашда, шунингдек ҳар календар ойининг биринчи куни ва янги йилнинг бошланиши неоменияга, яъни осмонда янги Ойнинг биринчи кунига тўғри келиш қоидасига ҳам албатта риоя қилинади.

Бироқ Ой календари у қадар қулай эмас, чунки уни йил фаслларига мувофиқлаштириш қийин. Шунинг учун кўп давлатларда улар Ой-Қуёш ёки Қуёш календарлари билан алмаштирилган.

Вақтнинг кун, ой ва йил каби уччала табиий ўлчов бирликларини бири-бирига мослаштиришга қаратилган уринишлар календарнинг учинчи турини – қамарий – шамсий календарини келтириб чиқарган. Бунга мисол қилиб қадимги бобилликларнинг, яҳудийларнинг, юнонларнинг, хитойликлар, римликлар ва бошқа халқларнинг календарларини келтириш мумкин.

Ой-Қуёш календарининг вазифаси мураккаброк (Қуёш ва Ой календарига қараганда), чунки у Ой фазаларини ўзгариши, астрономик йил бошланиши ва тенг кунликларига мос бўлиши керак.

1 тропик йил 365,24220 суткадан, 1 синодик ой 29,53059 суткадан иборат. Демак бир қуёш йилида 12 тўлиқ қамарий ойдан ташқари айрим қолдиқ ҳам мавжуд. Демак бунда қўшимча, яъни эмболисмик (грекча "эмболисмос" - тиркалган, қўшилган) ой киритиш зарурияти мавжуд.

Қуёш йилини ва қамарий ойларга мувофиқлаштириш учун турли усуллар қўлланилган. Масалан, қадимги юнон астрономи Клеостат м.а. VI асрда 8 йиллик цикл – октаэтеридани таклиф этган. Бунда 8 қуёш йили = 2922 кунга ёки 99 қамарий ойга. Клеостат циклида 99 қамарий ойнинг 48 таси 29 кунлик, 51 таси 30 кунлик этиб белгиланган. Циклдаги хатолик 8 йилда 1,53 кунни ташкил этган.

М.а. 432 йилда яна бир юнон астрономи Метон 19 йиллик циклни таклиф этган ва у кенг қўлланилган. Бунда 19 қуёш йили = 235 қамарий ойга = 6940 суткага. 19 йиллик циклнинг 12 йили 12 қамарий ойдан, 7 йили 13 қамарий ойдан иборат бўлган. Эмболисмик ойлар циклнинг 3, 6, 8, 11, 14, 17 ва 19- йилларига қўшилган.

Қадимги юнон астрономи Калипп таклиф этган 76 йиллик календар циклида эса 76 қуёш йили = 27 759 кунга ёки 940 қамарий ойга. Бунда 499 ой 30 кунлик, 441 ой 29 кунлик ҳисобланган. Гиппарх томонидан таклиф этилган цикл янада аниқроқ бўлган, аммо у ҳеч қачон амалда қўлланилмаган.

Назорат учун саволлар:

1. Қуёш календарининг моҳияти нимадан иборат?
2. Ой календаридида қамарий ой ва қуёш йили билан қай тариқа мувофиқлаштирилган?
3. Ой-қуёш календар йили қай тариқа астрономик қуёш йили билан мувофиқлашади?

Адабиётлар:

1. Селешников С.И. История календаря и хронология. – М.: Наука. 1977
2. Ермолаев И.П. Историческая хронология. – Казань, из-во Казанского университета, 1980.
3. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. – М.: Высшая школа. 1981
4. Введение в специальные исторические дисциплины. М., Из-во МГУ. 1990.
5. Каменцева Е.И. Хронология, - М., 2003.

3 мавзу: Шарқ мамлакатларининг календарлари

Фанни ўқитиш технологияси:

«Шарқ мамлакатларининг календарлари» мавзуси бўйича маъруза
машғулотивининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувч и шахс, календар
1	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Шарқ мамлакатларида юзага келган Қуёш календарларининг тарихи ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш. Қадимги Ҳиндистон, Месопотамия, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган ой ва ой-қуёш календарлари ҳақида маълумот бериш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none">• Шарқ мамлакатларида Қуёш календарларининг вужудга келиш омилларини таърифлайди.• Шарқ мамлакатларида Қуёш календарларининг вужудга келиш омилларини таърифлайди.• Қадимги Миср календарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.• Қадимги Эроннинг вақт ҳисоби тизимини шарҳлайди.• Шарқда ой ва ой-қуёш календарларининг тараққиёт босқичларини ёритади.• Ҳар бир календарининг ўзига хос хусусиятларини	Ўқитувч и

	<p>аниқлайди.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шарқда кенг қўлланилган 60-йиллик циклни шарҳлайди <p>1.3. Асосий тушунчалар: Қадимги Миср календарлари, Умар Хайём календарлари, қуёш, ой ва ой-қуёш календарлари, Сака календарлари, 60-йиллик цикл.</p> <p>1.4. Дарс шакли: Маъруза</p> <p>1.5. Метод ва усуллар: Муамоли баён асосида суҳбат, муаммоли савол ва вазифалар, “Ровен доирачалари”</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Харита, фотосуратлар, слайдлар, видеопроектор.</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Асосий саволлар юзасидан маълумотлар берилади.</p>	Ўқитувч и 30 мин
3	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мавзу бўйича талабаларининг қисқача фикрини тинглаш • Шарқ қуёш, ой ва ой-қуёш календарларини ўзаро қиёслаш ва таҳлил қилиш • Муаммоли саволларни таҳлил қилиш: <ol style="list-style-type: none"> 1) Шарқда календар тизимларининг вужудга келишида қайси омиллар етакчи ўрин тутган ? 2) Шарқда табиий билимларнинг тараққиёти календарларнинг вужудга келишида қандай рол ўйнаган? 3) Шарқ қуёш, ой ва ой-қуёш календарларининг энг асосий хусусиятларига таъриф беринг • Микрогуруҳлар фаолиятининг натижасини умумлаштириш ва Шарқ қуёш, ой ва ой-қуёш календарларини “Ровен доирачалари” усулида тақослаш 	Ўқитувч и – талаба 30 мин
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шарқда энг кенг тарқалган календар тизимларини санаб беринг • Шарқда қуёш ёки ой, ой-қуёш календарларининг қўлланилишига қандай омиллар таъсир кўрсатган • Шарқда қўлланилган тарихий эралар ҳақида маълумот беринг. 	Ўқитувч и 10 мин
5	<p>Якуний фикрлар ва топшириқлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, тақлиф ва хулосалар берилади. • Мустақил иш топшириғи: Университет кутубхонаси фондидаги «Хронология ва метрология» га оид 	Ўқитувч и 10 мин

Асосий саволлар:

1. Шарқда мавжуд бўлган қуёш календарлари
2. Шарқ мамлакатларининг ой ва ой-қуёш календарлари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Қадимги Миср календари, Умар Хайём календари, қуёш, ой ва ой-қуёш календарлари, Сака календари, 60-йиллик цикл.

1-асосий савол: Шарқда мавжуд бўлган қуёш календарлари

1-савол юзасидан дарс мақсади: Шарқ мамлакатларида юзага келган Қуёш календарларининг тарихи ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Шарқ мамлакатларида Қуёш календарларининг вужудга келиш омилларини таърифлайди.
2. Қадимги Миср календарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.
3. Қадимги Эроннинг вақт ҳисоби тизимини шарҳлайди.

1-саволнинг баёни:

Энг қадимги қуёш календарларнинг ватани Мисрдир. Эр.ав. тахминан тўрт мингинчи йилларда Нил соҳилида дехқончилик қилувчи мисрликлар дунёдаги илк қуёш календарини яратганлар.

Бизга маълумки, қадимги Мисрнинг бутун хўжалик ҳаётида Нил асосий рол ўйнаган. Нил сувининг тошиши билан мамлакатдаги барча дехқончилик ишлари боғлиқ бўлганлиги сабабли мисрликлар янги йилни Нил тошқинидан бошлаб ҳисоблашган. Тошқиннинг бошланиш вақти эса ёзги Қуёш туриши ва осмонда Сириус (мисрликлар уни Сотис, юнонча – “порлоқ” деб аташган) юлдузининг гелиакик, яъни тонг олди чиқиши билан мос келишини мисрликлар қадимги даврлардаёқ сезишган. Бу ҳодиса ўша даврларда юлиан календари бўйича 19 июлга тўғри келган. Шу тариқа мисрликларнинг Сотис, Нил ва Қуёш билан боғлиқ биринчи шамсий календари яратилган.

Мисрликлар календари ниҳоятда оддий ва қулай бўлган. Унда Ой ҳеч қандай рол ўйнамаган. Бу календарга кўра йил 360 кундан иборат, у 12 та тенг ойга бўлинган. Ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлган ва ойлар улар бағишланган илоҳалар номи билан аталган.

1	Тот	7	Фаменот
2	Фаофи	8	Фармути
3	Атир	9	Пахон
4	Хойяк	10	Пайни

5	Тиби	11	Эпифи
6	Мехир	12	Месори

Миср ойларининг номлари

Ҳар бир ой 10 кундан иборат бўлган катта ҳафтага ва ҳар бири 5 кундан иборат бўлган олтита кичик ҳафтага (юнонча “декада” ва “пентада”) бўлинган. Йил ҳар бири тўрт ойдан иборат 3 та фаслга ҳам бўлинган эди. Улар Нил тошиши, уруғ қадаш ва йиғим-терим мавсумларидан иборат бўлган.

Миср коҳинлари Сотис юлдузининг чиқишини узоқ муддат кузатишлардан сўнг шамсий йилнинг узунлигини аниқлаштиришга ва уни 365 кундан иборат, деб белгилашга муваффақ бўлганлар. Қуёш йилининг бу кўшимча беш куни йилнинг ҳеч қайси ойида қўшилмаган. Қўшимча кунларни мисрликлар йил охирида худоларнинг туғилган кунлари сифатида байрам қилганлар.

Мисрликларнинг календар йили ҳақиқий тропик йилдан атиги чорак кун фарқ қилган эди, холос. Лекин, ана шу хато туфайли Сотис юлдузининг эрталабки биринчи кўриниши ва Қуёш туриши календарга нисбатан тўрт йил давомида кун, 120 йилда бир ойга орқага силжиб кетар дди. Натижада мисрликларнинг янги йили (тот ойининг биринчи куни) аста - секин бошқа ойларга ҳам тўғри келиб борарди. Шунинг учун мисрликлар йили кейинчалик “саёқ”, кўчиб юрувчи йил деб ном олган.

Календар йилининг бошланиши 1460 йилда ҳамма фаслларни бир марта айланиб чиқади ёки тропик йил билан календар йили ўртасидаги хато 1460 йилда бир йилни ташкил этади ($365 \times 4 = 1460$). Ана шунча вақт ичида Миср календари бўйича 1461 йил ўтган бўлади. Шу даврдан бошлаб янги йилнинг бошланиши, яна Сотиснинг эрталабки биринчи кўриниши ва ёзги Қуёш туриши кунига тўғри келади. Бу давр кейинчалик “Сотис даври” ёки “Буюк йил” деб ном олган.

Сотиснинг ҳар тўрт йилда бир кун кечикиб чиқишини мисрликлар сезмаган, дейиш нотўғри. Бироқ Миср календари ислоҳ қилинмаган. Бунга кққдимги мисрликларнинг диний қарашлари тўсқинлик қилган.

Аммо Птолемей III Эвергет 238 йил 7 мартдаги фармони билан календарни ислоҳ қилишга уринган. Каноп декрети деб атиалувчи бу фармон аслида календар тузумига кабиса йилини жорий этиш йўлидаги биринчи уриниш эди. Бироқ бу календар ислохоти руҳонийларнинг қаршилиги туфайли ўз вақтида ҳаётга тадбиқ этилмай қолган.

Рим императори Август эрамиздан аввал 26 йили Александрияда худди Эвергет таклиф қилган календарни жорий этади. Бу тузатилган Миср календари жуда оддий, содда, фойдаланиш учун ниҳоятда қулай календар эди. Бу календар бўйича йил 30 кунлик 12 та ойдан ва 5 та ёки 6 та (кабиса йилларида) кўшимча кундан иборат. Йил ҳамиша тўрт ойнинг 1 кунидан бошланади. Бу ажойиб Александрия календари африкалик христианлар - мисрлик коптлар ва эфиопияликлар орасида ханузгача сақланиб қолган.

Қадимги Мисрда ягона эра бўлмаган, йил ҳисоби фиръавнларнинг ҳукмронлик йиллари асосида юритилган, эллинистик даврда эса Набонассар эраси кенг тарқалган.

Шарқда вужудга келган куёш таквимларидан яна бири қадимги Эрон календари эди. Дастлаб бошқа Олд Осиё мамлакатлари сингари Эрон худудида ҳам бобилликларнинг ой-куёш календари амал қилган. Аҳамонийлар сулоласи барпо этилганидан сўнг ва Мисрнинг забт этилишидан сўнг у ерда куёш календари тарқалди. Сосонийлар давлати VII асрда араблар томонидан босиб олинган, мамлакатда қамарий-ҳижрий календар жорий этилди. Аммо куёш календаридан шундан сўнг ҳам фойдаланилган.

Эроннинг дастлабки куёш календари қадимги Мисрнинг “саёк йил” тизимига асосланган. Йил 365 кун ва 30 кунлик 12 ойдан иборат бўлиб, охирида қўшимча 5 кун киритилган. Йил боши баҳорги тенгкунликдан бошланган.

Эрон ойларининг номлари

1	Фарвардинмоҳ	7	Меҳрмоҳ
2	Ўрдубеҳиштмоҳ	8	Обонмоҳ
3	Хурдодмоҳ	9	Озармоҳ
4	Тирмоҳ	10	Деймоҳ
5	Мурдодмоҳ	11	Баҳманмоҳ
6	Шаҳривармоҳ	12	Эсфандмоҳ

Эронда ҳам йил бошининг мавсумлар бўйлаб “дайдиб” юришининг олдини олишга ҳаракат қилишган. Масалан, ҳар 120 йилда қўшимча 13-ой киритилган. Бу календар эраси Сосонийлар сулоласининг сўнгги подшоси Яздигирд III номи билан аталган. Ушбу эра Яздигирд III тахтга ўтирган кун 632 йил 16 июндан бошланган. Яздигирд календари милодий 1079 йилгача амал қилган. Бу календарнинг Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ ташаббуси билан ислоҳ қилинишида Шарқнинг буюк мутафаккири Умар Хайём иштирок этган. Исфахондаги астрономик расадхонада Умар Хайём раҳбарлигида “Маликшоҳнинг астрономик жадвали” (“Зижи Малик Шоҳ”) тузилган эди.

Маликшоҳ ислохотининг асосий мақсади йил бошини баҳорги тенгкунлик - Наврўзга мувофиқ келтириш эди. Бунинг учун 366 кундан иборат кабиса йили киритилади. Аммо Умар Хайём календаридида кабиса йилининг киритилиш тартиби юлиан календаридан бошқача эди. Ушбу календар цикли 33 йиллик бўлиб, унинг саккиз йили кабиса йили эди. Бу календар йили 365,24242 кундан иборат бўлиб, тропик йилга жуда яқин эди.

Умар Хайём календарининг йил ҳисоби 1079 йилнинг 15 мартдан (юлиан ҳисоби бўйича) бошланган ва Жалололдин эраси, салжуқийлар эраси ёки султон эраси деб турлича ном олган. Ушбу календардан XIX асрнинг ўрталарида турк-мўғул календари жорий этилгунга қадар фойдаланилган, XX аср бошларида эса у зодиакал ёки бурж календари (ҳижрий-шамсий) билан

алмаштирилган. 1925 йилда ҳижрий-шамсий календар яна ислоҳ қилинган. Эронда 1976 йилда Кир эраси жорий этилган.

2- асосий савол: Шарқ мамлакатларининг ой ва ой-қуёш календарлари

2-савол юзасидан дарс мақсади: Қадимги Ҳиндистон, Месопотамия, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган ой ва ой-қуёш календарлари ҳақида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Шарқда ой ва ой-қуёш календарларининг тарақиёт босқичларини ёритади.
2. Ҳар бир календарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.
3. Шарқда кенг қўлланилган 60-йиллик циклни шарҳлайди.

2-саволнинг баёни:

Ҳиндистоннинг тарихий тарақиётидан келиб чиққан ҳолда турли-туман календарлардан фойдаланилган. Ҳинд князларининг узоқ вақт бир-бирларидан ажралганлиги уларнинг деярли ҳар бирида маҳаллий тақвим бўлишига олиб келди. Ҳиндистонда асосан ой-қуёш календарларидан фойдаланганлар, аммо баъзи вилоятларда 360 кунлик қуёш календарларидан (бу ҳақда машҳур ҳинд Ведаларида эслатилган), ой календаридан ҳам фойдаланилган.

Ҳинд астрономлари тропик йилни 365,25876 кун этиб белгилаганлар ва бу катталик деярли барча ҳинд календарларига асос қилиб олинган.

Ҳиндистонда кенг тарқалган ой-қуёш календари 29 ва 30 кунлик 12 ойдан (чайтра, ваисакха, джайштва, асадха, сравана, бхадра, азвина, картика, аграхайана, пауза, магха, пхалгуна), олти мавсумдан иборат бўлган. Қамарий ойларни қуёш йили билан мувофиқлаштириш учун ҳар учинчи йилда эмболистик ой (адикмас) киритиб борилган, қамарий ва қуёшларини мувофиқлаштириш учун эса қўшимча кунлар (титха) ҳам киритилган.

Ҳиндистонда энг кўп тарқалган календарлардан бири самват календари (викрам самват) бўлган. Унда йил ҳисоби м.а. 57 йилдан бошланган. Яна ибр кенг тарқалган Сака календариди эса йил ҳисоби 78 йилнинг 15 мартадан бошлаб юритилган.

Ҳиндистонга бир вақтнинг ўзида диний характердаги 20 тага яқин эра мавжуд бўлган: Калиюг эраси (эрамизгача 3102 йил 18-февралдан), Нирвана эраси (эрамизгача 543 йилдан), Фозли эраси (Акбаршоҳ томонидан киритилган, 1550 йил 10 сентябрдан). 1757 йилдан Ҳиндистонда григорий календари ҳам кенг қўлланила бошланди.

Тақвимлар номутаносиблиги ҳинд ҳукуматини ислоҳот ўтказиб, ягона миллий тақвим жорий этишга мажбур этди. Шу мақсадда 1952 йил ноябрида йирик олим, астроном, физик, профессор Магхнад Саха раислигида махсус кенгаш тузилди. Сака эраси асос қилиб олинган янги тақвим 1957 йил 22 мартда қабул қилинди.

М.а. I минг йилликда вужудга келган қадимги араб календари ой календарининг классик шаклларида биридир. Тахминан V асрда ой календаридан ой-куёш календарига ўтиш бошланган. Ой календарини куёш йили билан мувофиқлаштириш учун қўшимча 13-ой (наси) ва баъзан йил охирида 5-6 қўшимча кун киритилган. Аммо эмболистик ойларни киритишнинг қатъий тартиби бўлмаган.

Араб календарининг кейинги ривожини ислом дини билан боғлиқ. Бу ҳақида биз кейинги мавзуларимиздан бирида батафсил сўз юритамиз.

Қадимги Бобил ой календарининг ватани ҳисобланади. Унинг яратилиши м.а. учинчи минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади. Месопотамиянинг илк давлатларидан бири Шумерда ҳар бир шаҳарнинг ўз календари бўлган. Хаммурапи (э.р.ав. 1792-1750 йй) қўл остида бирлашган Бобилда Ур шаҳрининг календари расмий календарга айланган.

Аввалига бу календар ой календари бўлиб, 354 кун, 29 ва 30 кунлик 12 ойдан иборат бўлган. Бобил ой номлари қуйидагича бўлган: нисану, айру, сивану, дуузу, абу, улулу, ташриту, араҳсамну, кисливу, тхабиту, шабатху ва адару. Йилнинг биринчи ойи нисану бўлиб, у ҳозирги календар бўйича тахминан 22 март – 22 апрелга тўғри келади. Янада кичикроқ вақт бирлиги етти кунлик ҳафта эди. Қадимги Бобилда 1 сутка 24 соатга бўлиниб, ҳар соат қандайдир сайёра таъсирида бўлади деб ҳисобланган.

Бора-бора ой календари ой-куёш календарига айланиб борган. Тахминан м.а. XVIII асрда ихтиёрий тартибда қўшимчалар киритиш тизими қўлланилган. М.а. VI асрдан бошлаб саккиз йиллик цикл қўлланилган. Бу цикл давомида учта қўшимча ой киритилган. Тахминан м.а. 380 йилда 19 йиллик цикл кашф этилган ва 7 та қўшимча ой киритилган бу цикл IV асрдан кенг қўлланила бошланган.

Қадимги бобил астрономларининг буюк хизматларидан бири сарос (миср тилида “такрорланиш”) номи билан маълум бўлган даврнинг кашф этилиши эди. Сарос - бу куёш ва ой тутилиши худди ўша тартибда такрорлануви вақт оралиғи бўлиб, тахминан $6585\frac{1}{2}$ суткага тендир. Шундай қилиб бобилликлар узок ўтмишда Ой ва Куёш тутилишларини ҳам олдиндан айтиб беришган.

Бобилда йил ҳисоби подшоларнинг ҳукмронлиги асосида юритилган. Тартиб ҳисоби Набонассар ҳукмронлигидан – м.а. 747 йилнинг 26 февралдан бошланган. Бу энг қадимги тарихий эралардан биридир. Кейинчалик Салавкийлар эраси ҳам кенг қўлланилган.

Қадимги Хитойда календар учинчи минг йилликда вужудга келган. Айрим маълумотларга кўра Шань-Инь давридаёқ Хитойда йилнинг давомийлиги 356 кун этиб белгиланиб, 29 ва 30 кунлик 12 ойга бўлинган. Хитой астрономларининг ютуқлари туфайли қамарий ой ва шамсий йил узунлиги аниқлаштирилган ва шу асосда дастлаб ой, сўнгра ой-куёш календарлари яратилган.

Хитойликларнинг ой-куёш календари 354 кун, 29 ва 30 кунни бирлаштирган 12 ойдан иборат бўлган. Номувофиқликни тўғирлаш учун эса 19

йиллик давр мобайнида етти марта, доимо кишки куёш туришидан сўнг эмболистик ой киритиб борилган. Ойлар номга эга бўлмай, тартиб рақами билан ҳисобланган. Улар 10 кунлик даврларга бўлинган ва 1, 11 ҳамда 12 саналар дам олиш кунлари ҳисобланган. “Чжуань-суй ли” номи билан маълум бўлган календар энг қадимги олти календарлардан биридир.

Цинь даврида мавсумий қишлоқ хўжалик календари ишлаб чиқилган ва амалга киритилган. Мавсумий қишлоқ хўжалиги календари деҳқонларга қишлоқ хўжалик ишларида вақтни белгилашларини осонлаштирган. Унда календар йили 24 мавсумга бўлинган.

Т.р	Мавсум номи	Т.р	Мавсум номи	Т.р	Мавсум номи	Т.р	Мавсум номи
1	Личунь	7	Лися	13	Лицю	19	Лидун
2	Юйшуй	8	Сломань	14	Чушу	20	Сяосюе
3	Дзинчже	9	Манчжун	15	Байлу	21	Дасюе
4	Чуньфень	10	Сячжи	16	Цюфень	22	Дунчжи
5	Цинмин	11	Сяошу	17	Ханьлу	23	Сяохань
6	Гуюй	12	Дашу	18	Шуанцзян	24	Дахань

Хитой календаридagi қишлоқ хўжалик мавсумларининг номлари

Хитой календарининг кейинги ривожини Ло Ся-хун, Дэн Пин, Сима Цян, Чжан Хэн, Цзу Чун-чжи, Го Шоу-цзин ва бошқаларининг номлари билан боғлиқ. М.а. 104 йилда Хитойда календар ислоҳоти ўтказилиб, “Тай-чу ли” календари жорий этилган, кейинчалик у “Саньтун” деб ном олган. Ушбу календарда қамарий ойнинг ўртача узунлиги 29 ва 43/81 сутка ёки 29,530864 сутка этиб белгиланган. Бу эса ҳозирги аҳамиятидан атиги 0,000276 сутка ёки 24 секунд фарқ қилади.

Юқорида санаб ўтилган календарлар билан бир вақтда қадимги Хитойда “циклик” календар тизими мавжуд бўлиб, у Япония, Корея, Мўғилистон ва Тибетда ҳам баъзи ўзгаришлар билан кенг қўлланилган. Унда йиллар 60 йилни қамраб олган циклларга бирлаштирилган.

Хитой циклик календарининг бошланғич санаси сифатида м.а. 2637 (баъзи манбаларда 2697 йил) йил қабул қилинган. Бу сана афсонавий ҳукмдор Хуан Ди ҳукмронлигининг биринчи йили билан боғлиқ. Бугунги кунгача тўлиқ 77 та цикл ўтган.

1912 йилдан Хитойда григориан календари ҳам қўлланила бошланган, 1949 йилдан эса у расмий календар сифатида белгиланган. Аммо бугунги кунгача Хитойда 60-йиллик календар циклига ҳам амал қилинади.

Хитой тарихи бўйича адабиётлар ўрганилганда воқеаларни ёзиб боришнинг ўзига хослигига дуч келинади. Хитойда қадимги даврларда ягона вақт ҳисоби юритилмаган, уларда алоҳида эра ҳам йўқ эди. Тарихий воқеаларни ёзиб бориш цикллардан ташқари императорлар ҳукмронлик даври ва сулолалар бўйича олиб борилган. Анъанавий равишда Хитойда йил ҳисоби

м.а. 2357 йилдан – афсонавий император Яо тахтга ўтирган санадан бошланади.

60 йиллик Хитой циклик календари

	Даврлар	Белги	«Само шоҳлари»										Ҳайвонлар
			Му (дарахт)		Хо (олов)		Ту (ер)		Цзинь (металл)		Шуй (сув)		
			Цзя	И	Бин	Дин	У	Цзи	Гэн	Синь	Жень	Гуй	
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
Е Р Ш О Х Л А Р И	I	Цзи	1		13		25		37		49		Шу (сичқон)
	II	Чоу		2		14		26		38		50	Ню (сигир)
	III	Инь	51		3		15		27		39		Ху (йўлбарс)
	IV	Мао		52		4		16		28		40	Ту (куён)
	V	Чэнь	41		53		5		17		29		Лун (аждар)
	VI	Сы		42		54		6		18		30	Шэ (илон)
	VII	У	31		43		55		7		19		Ма (от)
	VIII	Вэй		32		44		56		8		20	Ян (қўй)
	IX	Шэнь	21		33		45		57		9		Хоу (маймун)
	X	Ю		22		34		46		58		10	Цзи (товуқ)
	XI	Сюй	11		23		35		47		59		Гоу (ит)
	XII	Хай		12		24		36		48		60	Чжу (чўчка)

Саволлар:

1. Шарқда энг кенг тарқалган календар тизимларини санаб беринг.
2. Шарқ халқлари куёш ёки ой, ой-куёш календарларининг қўллашига қандай омиллар таъсир кўрсатган.
3. Шарқда қўлланилган тарихий эралар ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1. Беруний. Танланган асарлар. Қонуни Маъсудий.
2. Селешников С.И. История календаря и хронология. – М.: Наука. 1977
3. Ермолаев И.П. Историческая хронология. – Казань, из-во Казанского университета, 1980.
4. Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Хронология. – М.: Высшая школа. 1981
5. Введение в специальные исторические дисциплины. М., Из-во МГУ. 1990.
6. Каменцева Е.И. Хронология, - М., 2003.

4-мавзу: Қадимги Рим, Греция календарлари. Юлий Цезарнинг календар ислоҳати

Фанни ўқитиш технологияси:

“Қадимги Рим, Греция календарлари. Юлий Цезарнинг календар ислоҳати”
мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, календар
1	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Қадимги Рим санъатининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт босқичларини ўрганиш, ҳар бир давр санъатининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Қадимги Рим санъати ривожига хос хусусиятларни таҳлил қилади • Рим санъатининг турли босқичлар даги ўзига хос жиҳатларини таърифлайди. • Рим санъати намуналарини таҳлил қилиш орқали хулосалар беради. <p>1.3. Асосий тушунчалар: Италия, Рим, этрусклар, республика ва империя даври, базилика, амфитеатр, зафар аркаси, терма, зафар устуни, акведук.</p> <p>1.4. Дарс шакли: Маъруза</p> <p>1.5. Метод ва усуллар: Оғзаки баён, тақдимот, мунозара, ақлий ҳужум</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва васиталар: Ўқув-услугий мажмуа, слайдлар, фотосуратлар, видеопроектор.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Кўриладиган масалалар тушунтирилади.</p> <p>2.3. Талабалар микрогуруҳларга ажратилади.</p>	Ўқитувчи и 30 мин
3	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Юнон ва Рим санъатини қиёслаш ва уларнинг ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш • Республика ва империя даври санъатининг ўзига хос хусусиятларини шарҳлаш • Христиан дининг юзага келиши билан антик маданиятда юз берган инқироз сабабларини таҳлил қилиш. 	Ўқитувчи- талаба 30 мин
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <p>1. Этрурия санъати ва маданияти ҳақида сўзланг.</p>	Ўқитувчи –

	2. Қадимги Римда меъморчиликнинг ривожланиши. 3. Қадимги Римда тасвирий санъатнинг равнақи. 4. Римда республика ва империя даври санъатининг фарқли жиҳатларини шарҳланг.	талаба 10 мин
5	<u>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</u> • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича якуний фикр айтилади ва мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар билан талабалар таништирилади • Мустақил иш топшириғи: Танланган санъат намоёнчасининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ижодий иш тайёрлаш	Ўқитувч и 10 мин

Асосий саволлар:

1. Қадимги грек календарининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қадимги Рим календари ва унинг ислоҳ этилиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ўн учинчи ой, Олимпиада йил ҳисоби, Ромул ой календари, Нума Помпилийнинг календар ислоҳати, Рим ой-кўёш календарининг тузилиши, Юлий Цезарнинг календар ислоҳати, Созиген.

1-асосий савол: Қадимги грек календарининг ўзига хос хусусиятлари.

1-савол юзасидан дарс мақсади: Қадимги Рим санъатининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт босқичларини ўрганиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Қадимги Рим санъати ривожига хос хусусиятларни таҳлил қилади.
2. Рим санъатининг ўзига хос жиҳатларини таърифлайди.

1-саволнинг баёни:

Қадимги юнонлар ўз йил ҳисобларини Ойга асосланиб олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда календарлар дастлаб эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидан тузила бошлаган. Бу ердаги ҳар бир шаҳар – давлат ўзининг календар тизимига эга бўлган. Бу календарлар бир томондан, бири-биридан бирмунча фарқланган, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлган, иккинчи томондан эса, улар умумий ўхшашликка ҳам эга бўлган.

Қадимги юнонлар календариди йил 12 ойга бўлиниб, янги йил эса ёзги Кўёш туришидан кейинги биринчи ой туғилишидан бошланган. Календар йилларининг йил фасллари билан алоқадорлигини саклаб туриш мақсадида ҳар бир шаҳар хукмдорининг махсус қарори бўйича гохи-гохида 13-ой кўшиб борилган. Эрамиздан олдинги 539 йили Афина ҳокими Солон вавилонликлар тажрибасидан фойдаланиб, саккиз йиллик циклни белгилайди. (3 йил 2,5 ва 8

йиллар – кабиса, 13 ойдан, колган 5 йил эса – оддий, 12 ойдан). Бу календар ҳам унчалик аниқ бўлмаган ва уни бутун Юнонистонда қабул этишган, дейиш кийин.

Эрамиздан аввалги 432 йилда юнон астрономи Метон қамарий ой ва шамсий йиллар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлади. У хитойлар кашфиётидан бутунлай беҳабар холда, мустақил 19 шамсий йил 235 қамарий ойдан иборат эканлигини аниқлади. Унинг исботлашича, Ойнинг хоҳлаган бир фазаси ҳар 19 йилда бир марта шамсий йилнинг маълум бир кунига тўғри келади. Метон тузган календарга кўра, ҳар 19 йилнинг 7 таси 13 ойлик, колган 12 таси эса 12 ойлик йил деб ҳисобланган. Бу 19 йиллик қамарий цикл Метон цикли деб ном олган.

Шундай қилиб, қадимги юнонлар вақт ҳисобида аввал қамарий календардан фойдаланганлар; уни кейинчалик йил фаслларига мослаштиришган. Натижада уларнинг қамарий календари қамарий – шамсий календарга айланган.

2- асосий савол: Рим республикаси даври санъати

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Рим республика даври санъати билан таништириш, бу давр санъатининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Республика даври санъатининг ўзига хос жиҳатларини фарқлайди.
2. Ушбу давр санъатининг намуналарини таҳлил қилади.

2-саволнинг баёни:

Қадимги римликлар календари.

Қадимги Римда ҳам вақт ҳисоби қамарий календарга асосланган эди. Рим календарининг пайдо бўлиши хақида тарихдан бизгача аниқ маълумот сақланиб қолмаган, аммо Римнинг афсонавий асосчиси ва биринчи Рим подшоси Ромул даврида, аниқроғи эрамиздан аввалги VIII аср ўрталарида ана шундай календардан кенг фойдаланишган. Бу календарга биноан уларнинг табиий йили турли мавсумларга бўлинган бўлиб, улар дехкончилик ишларига асосланган эди. Йил 10 ой ва 304 кундан иборат бўлган. Йил ойларининг сони турли лотин қабилаларида турлича миқдорда эди. Бу ҳақда Цензорин ёзиб қолдирган. Бу ойлар аввалига ҳеч қандай номга ҳам эга эмас эди: улар тартиб сони билан аталарди. Янги йил одатда баҳор бошланадиган ойнинг биринчи кунидан бошланар эди.

Эрамиздан аввалги VIII аср охирига келиб римликлар календарининг айрим ойлари ўз номига эга бўла бошлайди. Масалан йилнинг биринчи оyi уруш худоси, дехкончилик ва чорвачилик хомийси Марс шарафига мартиус деб аталган. Қадимги Римда кишлоқ хўжалик ишлари одатда ана шу ойдан бошланарди. Йилнинг иккинчи оyi эса апрелис деб номланган (апрелис – лотинча бўлиб, “очишиш” демакдир). Шу иккинчи ойда

табиат одатда очилади, гуллайди – ерга экилган уруглар униб чикади, дарахтлардаги куртаклар барг ёзади. Учинчи ой худо Меркурийнинг онаси ва гўзаллик худоси Маййага багишланиб маюс деб аталадиган бўлди. Чунки табиат худди шу ойда ўзининг бутун гўзаллигини, кучини намоён килади. Тўртинчи ой эса римликларнинг бош худоларидан бири худо Юпитернинг хотини аёллар хомийси Юнонага багишланиб, юнис деб ном олди. Шундай килиб, кадимги римликлар календаридида хозирги март, апрел, май ва июн ойлариининг номлари пайдо бўлди. Йилнинг бошка ойлари эса номсиз, ўзининг тартиб сони билан аталганича колаверган. Улар куйидагилар:

Квинтилис – “бешинчи”	Октябрь – “саккизинчи”
Секстилис – “олтинчи”	Ноябрь – “тўккизинчи”
Сентябрь – “еттинчи”	Декабрь – “ўнинчи”

Мартуус, маюс, квинтилис ва октябрь ойлари 31 кундан, колган олти ой эса 30 кундан иборат бўлган. Шунинг учун кадимги Рим календарини куйидагича тасаввур этиш мумкин:

	Ой номлари	Куни	№	Ой номлари	Куни
	Март	31	6	Секстилис	30
	Апрел	30	7	Сентябр	30
	Май	31	8	Октябрь	31
	Июн	30	9	Ноябрь	30
	Квинтилис	31	10	Декабрь	30

1 йил 10 ой 304 кундан иборат бўлган.

12 ойлик календарнинг яратилиши.

304 кунлик йил ҳисоби на йиллик шамсий цтиклга ва на йиллик камарий цтиклга мувофик эди. Шунинг учун эрамиздан аввалги VII асрда, аниқроги Римнинг афсонавий подшоси Нума Помпилий даврида Рим календари ислох этилиб, календарга яна 2 ой – ўн биринчи ҳамда ўн иккинчи ой кўшилди. Улардан биринчиси икки юзли худо Янус номи билан январ деб аталади. Кадимги римликларнинг диний афсоналарига кўра, бу икки юзли худо Януснинг бир юзи олдинга, иккинчи юзи эса оркага караган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам ўтмишни кузатиб, ҳам келажакни олдиндан билиб тура олар эди. Бу вақт худоси – ўтмиш ва келажак худоси барча кириш-чикиш эшикларини – шаҳар дарвозаларидан тортиб ҳар бир римликларнинг уй эшигигача кўриклаб турарди. Шунинг учун кўпинча уни суратларда кўлида калит ушлаган холда тасвирлашган. Янги кўшилган ойлариининг иккинчиси эса римликлар гунохлари учун тавба килишга ҳамда ўлганларнинг хотирасига багишлаганлар. Шунинг учун бу ой ер ости оламининг худоси Фебруус номига фебруариус (феврал) деб аталган. Феврал лотинча – “покланиш” маъносини англатган.

Шундай килиб, кадимги римликларнинг ўн ойлик йили ўн икки ойлик йилга айланган. Йилнинг олти ойи номли ва колган олтитаси эса ҳамон

“номсиз” колмокда. Илгари айтилганидек, римликлар календари бўйича бир йил дастлаб 304 кундан иборат бўлган. У йилни юнонларнинг календар йили билан тенглаштириш учун яна унга 50 кун кўшилса бас эди, ундай тақдирда йил 354 кундан иборат бўлган бўлади. Бирок, ўта эътиқодли бўлган қадимги римликлар жуфт сонларга нисбатан тоқ сонларни бахтлироқ деб ҳисоблашган. Шу сабабли улар ўз йилларига 50 кун эмас, балки 51 кун кўшганлар. Лекин 51 кундан иккита тўлиқ ой тузиш мумкин эмас эди. Шунинг учун улар аввал 30 кундан иборат бўлган олтига ойдан (апрел, июн, септилис, сентябр, ноябр ва декабрдан) бир кундан олишиб, йилга янги кўшилаётган кунлар сонини 57 га етказишган. Бу кунлардан 29 кунлик январ ва 28 кунлик феврал ойлари ташкил этилган. Шу тариқа, римликларнинг календар йили 355 кундан иборат бўлиб, у 12 ойга бўлинган.

(э.р. ав. VI-аср)

	Ой номлари	Куни	№	Ой номлари	Куни
	Март	31	7	Сентябр	29
	Апрел	29	8	Октябр	31
	Май	31	9	Ноябр	29
	Июн	29	10	Декабр	29
	Квинтилис	31	11	Январ	29
	Секстилис	29	12	Феврал	28

Февралдан ташкари йил ойлариининг ҳаммаси тоқ сонли (29 ва 31) кунларни ташкил этган. Фақат феврал икки томонлама “хўрланган” эди: у биринчидан, бошқа ойлардан киска эди, иккинчидан эса, ундаги кунларнинг сони жуфт эди.

Римликларнинг календари эра миздан аввалги бир неча аср илгари худди ана шундай эди. Қамарий календар йилининг 355 кунлик узунлиги қамарий йилга асосан тенг келар эди.

Дастлабки Рим календарига XVIII асрда яшаган машҳур француз ёзувчиси ва намояндаси Вольтер жуда тўғри тавсиф берган эди: “Рим саркардалари ҳар доим галаба қилишган, аммо бу қандай кунда содир бўлганлигини ҳеч қачон билишмаган”.

Дехқончилик билан шугулланувчи бошқа барча халқлар сингари римликлар ҳам эрта ми-кеч ўз қамарий календарларини йил фаслларига мослаштиришга мажбур эдилар. Чунки уларнинг 355 кундан иборат бўлган календар йили табиий фаслларга мувофиқ келмас эди. У тропик йилдан 10 кундан зиёд киска эди. Ҳар иккала йил ўртасидаги бу фарқ йиллар ўтган сари тобора кўпайиб бораверарди. Календар йили билан фаслларнинг йиллик алмашуви ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш учун римликлар узун йиллар – “кабиса” йиллари жорий этишади. Эра миздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида феврал ойига йил ора 20 кундан иборат кўшимча ой кўшилаётган бўлди. Кўшимча ой римликларнинг диний қарашлари таъсирида йилнинг ўн учинчи оyi сифатида кўшилмай, балки

февралнинг 23 ва 24 кунлари орасига яшириб кўйилган эди. Бу янги, кўшимча ой марцедоний деб ном олади.

Демак, энди римликларнинг календар йили 365 кунни ташкил этадиган бўлди. Бирок, тропик йил 365 кун бўлмай, балки 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сония (365, 25 кун) дан иборат бўлганлиги сабабли улар марцедонийнинг кўшилиши ҳам ўз календарларини йил фаслларига номувофикликдан кутказа олмаслигига тўла ишонч хосил этадилар. Эрамиздан аввалги V асрга келиб римликлар грекларнинг календарига ўхшатма қилиб, лекин бир оз ўзгартган ҳолда ўз календарларига 8 йиллик цикл киритишади. Агар юнонлар ҳар саккиз йилда учта кабиса йили қўллашган бўлса, римликлар ҳар тўрт йилнинг иккитасини кабиса йилига айлантиришади. Бу икки кабиса йилининг бири 23 ва иккинчиси эса 22 кўшимча кунга эга бўлади. Марцедоний энди 20 кундан 23 ёки 22 кунга кўпайди. Календар йилларининг биттаси 355 кун, иккинчиси 377 (355+22) кун, учинчиси 355 кун, тўртинчиси 378 (355+23) ва х.о. кунга эга бўлди. Бундай циклга кўра йилнинг узунлиги 366,25 кунга тенг эди.

Бу омухта қамарий – шамсий календарга кўра римликларнинг бир йили хақиқий йилдан роса бир кун кўп эди. Бундай номувофикликни бартараф этиб бориш календарни тўғрилаш, йилга кўшимча ойлар кўшиш ва уларни қачон ҳамда қанчадан кўшиш ҳуқуқи Римда қохинларга берилган эди. Қохинлар эса кўпинча ўз ҳуқуқлари ҳамда билим доираларидан келиб чиқиб марцедоний ойининг кунлари миқдорини аниқлашда бутунлай адашиб қолишган эди. Натижада кишки ойлар хосил йигим-терими пайтларига, қузғи ойлар баҳорга тўғри келадиган бўлиб қолади. Шундай шароитда римликларнинг қамарий – шамсий календарини ислох этиш зарурияти тугилади. Лекин бу ислохот кунларнинг Ойга асосланган ҳисоби билан эмас, Қуёшга, йил фаслларига асосланган ҳисоби билан боғлиқ эди. Қадимги Рим календарини яна ислохоти талаб этарди. Бу ҳақда шамсий календарлар қисмида тўхталиб ўтамиз.

Саволлар:

1. Этрурия санъати ва маданияти ҳақида сўзланг.
2. Қадимги Римда меъморчиликнинг ривожланиши.
3. Қадимги Римда тасвирий санъатнинг раванқи.
4. Римда республика ва империя даври санъатининг фарқли жиҳатларини шарҳланг.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. «Санъат тарихи» Том-1. – Т.:Ўқитувчи, 1986 й.
2. Культура древнего Рима. Т.І, ІІ. – М., Наука, 1985.
3. К.Куманецкий. История культуры древней Греции и Рима. – М., Высшая школа, 1990.
4. Античная цивилизация. – М., Наука. 1973.
5. Соколов Г. Искусство Древнего Рима. – М., Наука, 1971.

5-мавзу: Майялар ва славян халқлари календарлари

«Майялар ва славян халқлари календарлари» мавзуси бўйича маъруза
дарсининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p><u>Дарс мақсади:</u> Ўрта асрлар санъатининг ўзига хос хусусиятларини шарҳлаш, Шарқий Европа ва Ғарбий Европа санъатининг ўрта асрлардаги тараққиётини таққослаш</p> <p><u>Идентив мақсадлар:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва унинг санъат ривожига таъсирини таҳлил қилади. • Ўрта аср дунёқарашининг санъат тараққиётига таъсирига баҳо беради. • Қадимги Юнон санъатининг тараққиёт босқичларини ёритади. • Ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди. • Византия санъатининг ривожланиш омилларини таҳлил қилади. • Шарқий Европа ва Византия санъати муносабатларини ўрганеди. • Ғарбий Европада ўрта аср санъатининг умумий тараққиётини таҳлил этади. <p><u>Асосий тушунчалар:</u> Феодализм, ўрта аср санъати, Византия санъати, Шарқий Европа санъати, Ғарбий Европа санъати, варварлар, каролинглар санъати, готика, роман услуби.</p> <p><u>Дарс шакли:</u> Маъруза</p> <p><u>Воситалар:</u> Маъруза матни, харита, фотосуратлар, слайдлар, видеопроектор.</p> <p><u>Метод ва усуллар:</u> Тушунтириш, кузатиш, “Ровен доирачалари”, муамоли баён асосида суҳбат</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Кўриладиган масалалар тушунтирилади.</p> <p>2.3. Талабалар микроғуруҳларга ажратилади.</p>	Ўқитувчи 30 мин

3	<p><u>Микрогуруҳларда ишлаш.</u> Қуйидаги муамлои саволлар юзасидан микрогуруҳлар фикрини тинглаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўрта аср Европа санъатининг тараққиётида диннинг тутган ўрни • Шарқий ва Ғарбий Европа санъатининг ўрта асрлардаги тараққиётини ўзаро қиёслаш ва таҳлил қилиш • Микрогуруҳлар фаолиятининг натижасини умумлаштириш ва Шарқий Европа ҳамда Ғарбий Европа санъатини “Ровен доирачалари” усулида таққослаш 	<p>Ўқитувчи – талаба 30 мин</p>
4	<p><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўрта санъатининг ўзига хос томонлари нималардан иборат? • Ўрта аср тасвирий санъатининг ҳарактерли хусусиятлари нималарда ўз аксини топган? • Варварлар санъати билан готика санъатида қандай фарқ бор? • Ўрта аср санъатининг аҳамияти нимада? 	<p>Ўқитувчи 10 мин</p>
5	<p><u>Якуний фикрлар ва топшириқлар:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Мақсад ва вазифалар бажарилганлиги таҳлил қилинади, таклиф ва хулосалар берилади. • Мустақил иш топшириғи: Танланган тасвирий санъат асарини ҳақида маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш. 	<p>Ўқитувчи 10 мин</p>

Асосий саволлар:

1. Ўрта асрлар санъатининг ўзига хос хусусиятлари
2. Византия ва Шарқий Европа санъати тараққиёти
3. Ўрта асрлар Ғарбий Европа санъати

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Славян халқлари календарлари, Юлий календарининг кириб келиши, рус календар эралари, Петр I нинг календар ислоҳати, Диего де Ланда, тун, хааб, цолькин

1-асосий савол: Ўрта асрлар санъатининг ўзига хос хусусиятлари

1-савол юзасидан дарс мақсади:

Ўрта асрлар санъатининг мазмуни ва моҳияти ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва унинг санъат ривожига таъсирини таҳлил қилади.
2. Ўрта аср дунёқарашининг санъат тараққиётига таъсирини баҳо беради.

1-саволнинг баёни:

2-асосий савол: Византия ва Шарқий Европа санъати тараққиёти

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Византия санъатининг ривожини ва унинг бошқа халқлар санъатига кўрсатган таъсири билан таништириш

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Византия санъатининг ривожланиш омилларини таҳлил қилади.
2. Византия санъатининг ўзига хос жиҳатларига баҳо беради.
3. Шарқий Европа ва Византия санъати муносабатларини ўрганеди.

2-саволнинг баёни:

Назорат саволлари:

1. Ўрта санъатининг ўзига хос томонлари нималардан иборат?
2. Ўрта аср тасвирий санъатининг характерли хусусиятлари нималарда ўз аксини топган?
3. Варварлар санъати билан готика санъатида қандай фарқ бор?
4. Ўрта аср санъатининг аҳамияти нимада?

Адабиётлар:

6-мавзу: Хижрий йил ҳисоби

Фанни ўқитиш технологияси:

“Хижрий йил ҳисоби” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, календар
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Уйғониш даври санъатининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрнини очиқ бериш, унинг асосий мазмун ва шакллари билан таништириш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ушбу даврдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва 	Ўқитувчи

	<p>унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ренессанс тушунчасини шарҳлайди ва унинг моҳиятини очиб беради. • Европанинг турли мамлакатларида Уйғониш даври тараққиётини таққослайди ва хулоса чиқаради <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Ренессанс, уйғониш, проторенессанс, дученто, треченто, кватраченто, чинквеченто, гуманизм, манъеризм, перспектива, рангшунослик, реализм, гравюра.</p> <p>1.4. Дарс шакли: Маъруза</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: Такдимот, маъруза-ҳикоя, баҳс</p> <p>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Расмлар, видеопроректор, харита</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 30 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол берилади: Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврining ўхшаш ва фарқли хусусиятлари нимадан иборат?</p> <p>3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>3.3. Фикрлар умумлаштирилади ва умумий хулосалар чиқарилади</p>	Ўқитувчи-талаба, 35 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Уйғониш даврining асосий хусусиятларини санаб беринг. • Нима учун Уйғониш даври санъатининг асосий эътибори инсонга қаратилди? • Ренессанс даврining қандай йирик санъаткорларини биласиз? 	Ўқитувчи, 10 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириғи: Шарқ ва Ғарб уйғониш даври санъатини таққослаш ва таҳлил қилиш</p>	Ўқитувчи, 5 минут

Режа:

1. “Ренессанс” тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Уйғониш даврида Ғарбий Европа санъати тараққиёти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Ренессанс, уйғониш, проторенессанс, дученто, треченто, кватраченто, чинквеченто, гуманизм, манъеризм, перспектива, рангшунослик, реализм, гравюра

1-асосий савол: “Ренессанс” тушунчаси ва унинг моҳияти.

1-савол юзасидан дарс мақсади:

Уйғониш даврининг асосий моҳиятини очиб бериш ва ушбу даврда Ғарбий Европа санъти тараққиёти билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади.
2. Ренессанс тушунчасини шарҳлайди ва унинг моҳиятини очиб беради.
3. Ғарбий ва Марказий Европада ренессанс даври ва унинг босқичларини таққослайди.

1-саволнинг баёни:

Мавзу: Мусулмонлар календари.Хижрий йил ҳисоби.

Режа:

1.Хижрий қамарий йил.

2.Хижрий шамсий йил.

3.Қамарий ва хижрий шамсий йил ҳисоблари.

Мусулмонлар календари (хижрий календар) тўлик маънода соф қамарий календар ҳисобланади. У фақат ой фазаларининг ўзгаришига асосланади.Дунёдаги кўпчилик халқларнинг қамарий календарлари деҳқончилик ва бошқа хўжалик эҳтиёжлари таъсирида кейинчалик қамарий-шамсий календарга айланган. Масалан, қадимги вавилонияликлар, яҳудийлар, юнонлар, римликлар аввалига қамарий календардан фойдаланганлар, кейинчалик эса йил фаслларининг ўзгаришига мослаштирилган қамарий- шамсий календарга ўтишга мажбур бўлганлар. Мусулмонлар календари ҳозир ҳам қамарий-шамсий календарга айланмай сакланиб қолган дунёдаги ягона қамарий календардир.

Мазкур календар Қуёшнинг ҳаракатига мутлақо алоқадор бўлмаган ва бутунлай Ойнинг айланма ҳаракатига асосланган календар бўлиб, у ҳозирги кунда ислом дини давлат дини деб қабул қилинган Яқин ва Ўрта шарқдаги Жазоир, Индонезия, Мароқаш, Покистон ва бошқа кўпгина мамлакатларда қўлланилади. Мусулмонлар календари VII асрнинг биринчи чорагида Арабистонда пайдо бўлган ва кейинчалик араблар томонидан бошқа халқларнинг мажбуран ёки ихтиёрий ислом динига киритилиши натижасида у шу халқлар орасида ҳам тарқалган. 1917 йилга қадар ислом динига эътиқод қилган Кавказ халқлари, татарлар, бошқирлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, киргиз ва козоклар ҳам мана шу хижрий йил ҳисоби, календардан фойдаланганлар.

Хижрий йил. Хижрий сўзи арабча – кўчиш сўзидан олинган. Милодий 610 йилда Маккада пайгамбарлик нозил бўлган Муҳаммад алайхис-салом (570-632) уммавий зодагонларнинг каршилиги ва тазйики туфайли ўз издошлари билан 622 йили Маккадан Мадинага (Язрибга) хижрат килади. Хижрат милодий 622 йилнинг 8 сентябрида ёки қамарий йил Сафар ойининг 27 куни содир бўлади. Шу куни расуллох ва унинг издошлари Маккадан чикиб кетиб, уч кун горда тургач, Рабиул аввал ойининг 12-куни Мадинага кириб борадилар. Хижрат 15 кун давом этади. Ривоятларга кўра хижрат хақидаги фикр пайгамбаримиз хотираси Муҳаррам ойида тугилган, шунинг учун хижрий йил боши Муҳаррам ойининг биринчи кунидан, яъни хижрат содир бўлганидан 56 кун ҳисобланиши қонунлаштирилган. 8 сентябрдан орқага саналиб 56 кун чиқариб ташланса, Муҳаррам ойининг биринчи куни Милодий 622 йилнинг 16 июл жума кунига, аниқроғи 15 июлдан 16 июлга (пайшанбадан жумага) ўтар кечасига тўғри келади. Мусулмонларда куннинг алмашуви чегараси тун окшоми ҳисобланади.

Хижратдан ўн етти йил ўтгач, милодий 638 йилда халифа Умарнинг буйруғи билан мана шу хижрат вақти – биринчи Муҳаррам (милодий 622 йил 16 июлга тўғри келади) мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинади. Мана шу йил ҳисоби “Хижрий йил ҳисоби” деб юритилади.

Хижрий йил ҳисоби икки усулда олиб борилади:

1. Хижрий қамарий йил ҳисоби; 2. Хижрий шамсий йил ҳисоби.

Хижрий қамарий йил. Буни араб йилномаси, Муҳаммад алайхис-салом йилномаси деб ҳам юритилади. Қамарий (қамария) сўзи арабча қамарун, яъни Ой сўзидан олинган бўлиб, йил ҳисоби Ойнинг Ер атрофида бир марта айланиб чиқиш даврига кетган вақт бирлигига асосланган.

Маълумки, Ой янги кўринган нуктасидан силжиб, яна ўша нуктасига – Қуёш каршисига қайтиб келиши учун кетган вақт – синодик Ой даври 29 кун 12 соат 44 дақиқа 2,9 сонияга тенг. Календарда яхлитликни таъминлаш учун ой кунлари шартли равишда 29 ва 30 кунлик қилиб олинган. Мана шундай ҳисобда бир йилда Ой Ер атрофини 12 марта айланиб чиқади ва бунга 354 кун кетади. Аммо Ойнинг бу календарий даври билан унинг синодик даври (29.12.44.2,9.) орасида тафовут бўлиб, календарий ой синодик ой давридан ортда қолиб боради. Шу сабабли календарий йил 354 кундан, синодик ой йили 354, 367 кундан иборат бўлади. Орадаги бу фарқ ҳар 30 йилда 11,013 кунни ташкил қилади. Мана шу ортиб қолган 11 кун 30 йиллик даврнинг 11 йилига (2,5,7,10,13,18,21,24,26,29) қабиса (355 кунлик), қолган 19 йили оддий (354 кунлик) тарзида ҳисобланади. Йил қабиса ёки оддий эканлигини билиш учун уни 30 га бўламиз. Агар бўлишдан қолган қолдик юқоридаги 11 рақамдан бирига тўғри келса, ўша йили қабиса бўлади, қолган йиллар оддийдир.

Масалан: 1417 хижрий қамарий йил оддий ёки қабиса эканлигини билиш учун уни 30 га бўламиз. $1417 : 30 = 47,7$, қолдик 7. Юқорида қайд этилган 11 йилнинг учинчисига тенг. Демак, 1417 хижрий қамарий йил қабиса (355 кунлик) йил экан.

Мусулмон қамарий календари бўйича йил ўн икки ойга бўлинади. Қамарий йил ойлари фасллар бўйича қишдан кузга, куздан ёзга, ёздан баҳорга ва баҳордан қишга қараб доимо силжиб боради.

Хижрий - қамарий календар ойлари.

Ойнинг тартиб раками	Номи	Кунлар сони
1	Мухаррам (Ашуро)	30
2	Сафар	29
3	Раби – ал – аввал	30
4	Раби – ас – соний	29
5	Жумадул – аввал	30
6	Жумадул – соний	29
7	Ражаб	30
8	Шаъбон (Баръот)	29
9	Рамазон (Рўза)	30
10	Шавал (Хайит)	29
11	Зулкаъда (Ора)	30
12	Зулхижжа (Курбон)	29/30

Синодик ойнинг давомийлиги билан календар йилини тенглаштириш учун вақти-вақти билан зулхижжа ойига бир кун кўшилиб, 30 кунга етказилади. Бундай йил кабиса дейилади. (“Турк” ва “Араб цикли”ни эсланг).

Хозир хижрий қамарийнинг 1423 йили бўлиб, унинг биринчи муҳаррами 2002 йилнинг 15 мартдан бошланди.

Хижрий қамарий йил кабиса (355 кунлик), милодий ва хижрий шамсий йиллар оддий (365 кунлик) бўлса – орадаги фарк 10 кун; ҳар учала йил ҳам кабиса бўлса (355 ва 365 кунлик) орадаги фарк 11 кун; хижрий қамарий йил оддий (354 кунлик), милодий ва хижрий шамсий йиллар кабиса (366 кунлик) бўлса – орадаги фарк 12 кунга тенг бўлади.

Ислом диний анъанаси қамарий йил ҳисобига асосланган бўлиб, диний муассасалар ишлари шу асосда юритилади, барча диний маърака, маросимлар, байрамлар, урф-одатлар, тарихий воқеалар, адабий китобат саналари, таваллуд ва рихлат ҳисоблари ва шу каби бир катор бошқа тадбирлар қамарий асосида олиб борилади.

Албатта ўқувчиларимиз эътибор беришган бўлса, хижрий қамарий йил ҳисобига алоҳида тўхталиб ўтганмиз. Биламизки ислом дини беш устун асосида қурилган: иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж. Мамлакатимизда Конституцияга (31-модда) мувофиқ фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи таъминланган. Ҳар йили мусулмонлар хижрий қамарий ҳисоб бўйича рўза тутиб, ҳаж зиёратига борадилар.

Исломда шариат юзасидан янги ой кўринишига қараб аниқланиши лозим бўлган кунлар: рўза тутиш учун Рамазон ойининг биринчи куни, рўзадан чиқиш учун Шаввал ойининг биринчи куни, ҳаж ва қурбонлик қилиш учун Зулхижжа ойининг биринчи куни. Ўтмишда шу кунларни аниқлашда янги ойни қузатиш учун кўзи ўткир кишилар уфқ яхши кўринадиган тепаликларда қузатиш олиб борганлар ва уларнинг хабарлари асосида календарнинг янги ойи бошланган.

Ана шулардан келиб чикиб юртимиздаги беҳисоб тепалар янги ойни аниқлаш, азон айтиш ёки намоз вақтларини белгилаш учун хизмат килган десак хато бўлмас.

Ўтмишда мусулмон мамлакатларининг астрономлари янги ойнинг қачон кўринишини олдиндан айтиб бериш учун Ой ва Қуёшнинг осмондаги вазиятларини эътиборга олиб, ҳисоб-китоб қилишган. Масалан, IX аср бошида буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий Бағдод кенгламаси учун олдиндан янги ойнинг тузилиш жадвалини тузган. Бунда у муайян кун учун Қуёш ва Ойнинг ботиш пайтлари ҳисобланиб, бу вақтлар орасидаги фарк 48 дақиқадан ортиқ бўлса, янги ой кўринади деган фикрга асосланган.

Мусулмонлар календарини турлича талкин этиб баъзан камчилигини кўрсатишади. Бу календар 1400 йилга яқин вақт мобайнида (ўртада бир кунлик фаркни ҳисобга олмаганда) тўлик амал қилиб келмоқда ва шундай давом этади.

Ер юзидаги барча халқлар, миллат ва элатларнинг ўз урф-одатлари бўлганидек, Муҳаммад пайгамбар мусулмонларни бошқа семит халқларидан фарқлаш, ислом динини ўрнини саклаш учун қамарий йилга кўшимча ўн учинчи ойни ёки айрим ойларга кўшимча кунларни қўшишни бутунлай тақиқлаганлар.

Хадиси шарифда: “Ойни кўриб рўзага қиринглар, Ойни кўриб рўзадан чиқинглар, агар хаво булут бўлиб Ой кўринмаса, Шаъбон ойини ўттиз кун қилиб кейин рўза тутинглар”, - дейилади. Бу хадисга риоя қилинса диний амаллар ўз ўрнига тушиб кетаверади.

Хижрий шамсий йил. Шамсий (шамсия) сўзи арабча шамс (ун) – Қуёш сўзидан олинган. Шамсий йил ҳисоби Қуёш календари демакдир. Хижрий шамсий йил давомийлиги Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқишига кетган вақт билан ҳисобланиб, бу вақт 365 кун 5 соат 48 дақиқа 48 сонияга тенг. Бу йил ҳисобида ҳам яхлитликни таъминлаш мақсадида уч йил 365 кундан ҳисобланиб оддий йил тарзида олинади. Ҳар тўрт йилда йил кунларининг каср қисми жамланиб, бир кунга тенглаштирилади. Шу тўртинчи йил 366 кунлик, яъни кабиса бўлади.

Қуёш осмон гумбази сирти бўйлаб ўзининг йиллик айланма кўринма ҳаракати йўлида осмоннинг 12 га тенг майдонини босиб ўтади. Мана 12 га тенг майдоннинг ҳар бирида тўп юлдузлар туркуми мавжуд бўлиб, улар классик илми нужумда буржлар мажмуи деб аталади.

“Бурж”нинг лугавий маъноси рус тилидаги “знак зодиак” га тўғри келади ва у эски туркий манбаларда туб ипак атамаси билан аталган.

Ҳар бир буржни номлашда унинг шакли, кўкда тутган ўрни ва ҳаракат хусусиятларини акс эттиришга эътибор берганлар.

Хижрий шамсий йил ҳам хижрий қамарий йил каби милодий 622 йилнинг 16 июл кунидан бошлаб ҳисобланган. Аммо янги йилнинг биринчи куни баҳорги тенгкунлик – 21 мартга мос келувчи Ҳамал ойининг биринчи куни – Наврўзи оламдан – табиатнинг уйғониш вақтидан нишонланади. Оддий ва кабиса йиллар нисбатига кўра айрим йил бошлари 20 ёки 22 март кунларига тўғри келиши мумкин.

Хижрий шамсий ойлари доим йилнинг муайян вақтларида келади, хижрий қамарий йил ойлари каби силжиб юрмайди.

12 буржнинг эски туркийча, арабча, ўзбекча номлари.

Фасллар	Эски туркийча аталиши	Арабча аталиши	Ўзбекча аталиши	Ҳисобга кўра
Баҳор	Кўзи Уд Эрандиз	Ҳамал Савр Жавзо	Кўй Сигир Эгизак киз	22 март – 21 апрел 22 апрел – 21 май 22 май – 21 июн
Ёз	Кучук Арслон Букбой боши	Саратон Асад Сунбула	Кискичбака Арслон Бошок	22 июн – 21 июл 22 июл – 21 август 22 август – 21 сентябр
Куз	Улуг Чазан Ёй	Мезон Акраб Кавс	Тарози Чаён Ёй	22 сентябр – 21 октябр 22 октябр – 21 ноябр 22 ноябр – 21 декабр
Киш	Ўклок Кўнак Балик	Жадий Далв Хут	Тог эчкиси Ковга Балик	22 декабр – 21 январ 22 январ – 21 феврал 22 феврал – 21 март

Хижрий шамсий йил ҳисобидан дехкончилик, чорвачилик, умуман хўжалик юритиш, кундалик, мавсумий, амалий тадбирларни режалаштириш, ишларни вақт – фурсати, кези, мавсумига караб асосли ва тўғри йўлга кўйиш амалларида фойдаланилади.

Мусулмонлар йил ҳисобига эътибор берганлигимизнинг яна бир сабаби мамлакатимиз кутубхоналарида 20 мингдан ортиқ турли фанларга оид кўлёзма, битиклар сақланиб, уларда кўрсатилган саналар, йиллар биз ўйлаймизки, хижрий йил ҳисобида қайд этилган. XX асрнинг 20-йилларига қадар Марказий Осиёда шу ҳисоб давлат ишларида ҳам амал қилган. Ўз ўтмиши билан қизиққан ҳар бир инсон буларни билиши керак.

Хижрий йил ҳисоблари.

Мустикаллимиз шарофати-ю, аждодларимиз меросига анъанавий ҳурмат туфайли маданий ёдгорликларимизни ўрганишга қизиқиш ортиб борапти. Мозийдаги шоир ва мутафаккирларимиз асарлари ёшларни одобли ва ҳалол қилиб тарбиялашда, маданиятимиз тараккиётини илдамлашда ҳали кўп хизмат қила олиши шубҳасиз.

Маълумки, эски ўзбек ёзуви ҳозирги ёзувдан фарқ қилишидан ташқари аввал қўлланган календар-хижрий йил ҳисоби ҳозирги Григорий календарига асосланган милодий йил ҳисобидан бошқа эди. Григорий календари асосида Қуёш йили – Ер Қуёш атрофида бир марта тўла айланиб чиқиш даври бир йил деган қелишув ётади. Қуёш йили тахминан 365 кун, аниқроқ олганда 365,2422 кундан иборат. XX аср бошларигача бизда қўлланиб келинган календар эса ой йилига – Ой ер атрофида 12 марта айланиб чиқиш даврини бир йил қабул қилишга асосланди. У тахминан 354 кун аниқроғи 354,3671 кундан иборат. Бундан ташқари Хижрий йил ҳисобининг боши милодий 622-йилнинг 16-июлига тўғри келади.

Табиий эски ўзбек ёзувидаги китобларда барча саналар факат хижрийда берилган. Масалан, “Бобурнома”нинг бошида “сешанба куни рамазон ойининг бешида, тарих саккиз юз тўксон тўккизда Фаргона вилоятида 12 ёшда подшоҳ бўлдим”, деган жумлани ўқиймиз. Унда келтирилган сана 899-йил хижрийда, албатта. Шунинг учун классик фан ва адабиёт, тарих намуналарини мутоала қилганда хижрий йил ҳисоби билан иш кўришга тўғри келади, ҳамда хижрий саналарни милодийга ағдариш зарурати тугилади.

Сўнги масалани кенг тарқалган ечиш усулларида бири қуйидагича: Хижрий санани кўрсатувчи сон 33 га бўлиниб яхлитланади (яъни қолдиқ 33 нинг яримидан ортик чикса бўлинмага бир қўшилади). Сўнг ҳосил қилинган сон қаралаётган санадан айрилиб 622 қўшилади. Бунда мос милодий сана ҳосил бўлади. Мисол учун Бобурнинг тахтга ўтирган йилини милодийга ўгирайлик: 899 ни 33 га бўлсак, 27 тегиб, 8 қолдиқ қолади: Қолдиқ 33 яримдан кичик бўлгани учун ташлаб юборамиз ва $899-27+622=1494$ ни топамиз.

Дарсликларда милодий йилни хижрийга ўгириш учун бундай қоида ҳам берилади: милодий санани кўрсатувчи сондан 622 айрилиб, 33 га бўлинади: Бўлинма яхлитланиб аввалги айирмага қўшилади. Мисол учун Навоий таваллуд топган 1441 йилни хижрийга ўтказайлик: $1441-622=819:33=24$ ва қолдиқ 27, демак 24 бирга орттирилади ва 819 га қўшилади: $819+27=846$.

Юкорида баён қилинган қоидалар ноқулай бўлишидан ташқари бироз қамчиликка эга. Буни кўриш учун “Шажараи турк” китобининг муаллифи Абулғози Баходирхоннинг тугилган йили 1014 ни хижрийдан милодийга ўтказайлик: $1014:33=30,727^1$ яхлитли 31; $1014-31+622=1605$. Энди милодий 1605 йилни хижрийга қайта ўгириб кўрайлик: $1605-622=983$; $983:33=29,78^1$ яхлитланса, 30; $983+30=1013$, яъни бир йил фарқ келиб чиқди.

Ўки Навоий тугилган йил 844 ни хижрийдан милодийга кўчирганда ҳам $844:33=25,5757^1$ яхлитлангач, 26; $844-26+622=1440$ яна бир йилга фарқ.

Буни таҳлил қилиш учун алжабрни қўллаб кўрайлик. X – хижрий йил, M – унга мос милодий йил бўлсин. А сонни яхлитлаганда ҳосил қилинадиган сонни $\langle a \rangle$ каби ёзамиз,

$$\langle 2,49 \rangle = 2, \langle 5 \frac{18}{33} \rangle = 6$$

масалан:

Шунда юкорида келтирилган хижрий йилни милодийга ўтказиш қоидаси:

$$M = X - \langle X:33 \rangle + 622 \quad (I)$$

Формулага агар мос келади. Унинг маъноси равшан: агар яхлитлаш эътибордан

$$\dot{I} = (1 - \frac{1}{3}) \ddot{O} + 622$$

соқит қилиб турилса, (I) формулани

кўринишда ёзиш мумкин.

Ой йили Қуёш йилидан $365-354=11$ кунга ҳам, демак, бир ой йили бир Қуёш йилининг

365

$$\frac{1}{33}$$

яъни такрибан

кисмига киска.

Шунинг учун X та ой йилига

$$\left(1\frac{1}{33}\right)$$

X та Қуёш йили тўғри келади. Шунинг учун $X : 33$ нисбатни яхлитлаб X дан айиргач 622 ни кўшсак, милодий йил чикиши керак.

Шундай қилиб, (1) формулага бир томондан кабиса йиллар ҳисобга олинмайди, иккинчи томондан бир Қуёш йили бир ой йилидан

$\frac{1}{33}$ қисмга ортик дейиш милодий йил 365 кун эмас, $11 \times 33 = 363$ кун деган билан баробар. Бундай йўл қўйиладиган 3 кунлик фарк ҳар 180-200 йилда бир йилга етиб қолади (лекин хижрий календарда кабиса йиллар милодий календардагига нисбатан кўпроқ бўлгани учун аслида бу фарк анча кичик бўлади).

Энди акс коидани таҳлил қилайлик. Унинг тарифийлиги янада сезиларлироқ. Ҳақиқатдан, (1) формуладан $X=M-622+\langle X:33 \rangle$ (2) муносабат ҳосил қиламиз. Лекин бу ерда хали X ни топиб бўлмайди – ўнг томонда ҳам X катнашяпти. Ундан кутулиш учун $X:33$ нисбатни шу (2) тенглик ёрдамида ҳисоблаймиз. $X:33 (M-622) :33+\langle X:33 \rangle :33$

Икки марта 33 га бўлиш бир марта $33 \times 33 = 1089$ га бўлиш билан бирдир. Демак, X сони 1089 нинг ярмидан кичик бўлса, $X:33$ ва $(M-622) :33$ нисбатларни яхлитлаш бир хил натижа беради ва бинобарин.

$\langle X:33 \rangle X=M-622+\langle (M-622) :33 \rangle$ формула ўринли бўлади. Бу формула эса юкорида баён қилинган коиданинг айнан ўзи. Лекин X сана 1089 ярмидан катта бўлиб ўсиб борса, нисбат яхлити нолга тенг бўлмайди ва фарк катталашиб боради. Масалан, 2001 милодий йил юкоридаги коида, барибир, (3) формула билан хижрийга ўтказилса 1421 чикади, холбуки хижрий календар бўйича 1422 йилдир.

Албатта келтирилган коидаларга бироз мураккаблаштириш ҳисобига аниқлик киритиш мумкин. Биз бу ерда ўқувчиларни мохиятан бир, лекин шаклан бошқа коидалар билан таништирамизки, улар универсал табиатлидир. Бу коидалар уч тўрт хонали сонларни кўпайтириш – бўлишни талаб қилади. Микрокалкулятордан фойдаланса, бу муаммо эмас. Хижрий X йилни милодий M йилга ўтказиш алгоритми.

1) X та ой йилида неча кун борлигини аниқлаймиз: X сонини 354 га кўпайтирамиз. Масалан, хазрат Навоий таваллуд топган йил учун $844 \times 354 = 298776$;

2) Бу кунлар миқдори неча Қуёш йилига тўғри келишини топамиз: кўпайтмани 365 га бўламиз. Мисолда $298776 : 365 = 818,56$;

3) Бўлинмани яхлитлаб хижрий йил ҳисоби бошланган 622 га кўшамиз. Мисолда $819 + 622 = 1441$.

Формуласи $M = \langle X.354:365+622 \rangle$ (калькуляторда аввал кўшиб, сўнг яхлитлаш ўнгайрок).

Милодий йилни хижрийга ўтказиш алгоритми:

- 1) М дан 622 ни айирамиз. Навоий тугилган йил учун $1441-622=819$;
- 2) Айирмага тенг марта Қуёш йилида неча кун борлигини топамиз, уни 365 га кўпайтирамиз. Мисолда $819 \times 365 = 298935$;
- 3) Топилган кунлар миқдори неча ой йилига тенг бўлишини аниқлаймиз, уни 354 га бўламиз. Мисолда $298935:354=844,45$. Бўлинма яхлитланса изланаётган хижрий йил ҳосил килинади. Формуласи $X = \langle (M-622) \times 365:354 \rangle$. Келтирилган коидалар ҳам камчиликлардан холи эмас, яъни кабиса йиллар, аниқроғи бир Қуёш йили 365 кундан кўпроклиги, бир ой йили эса 354 кундан ортиқроклиги эътибордан соқит килинган.

Лекин бу алгоритмнинг аниқлигини оширмайди. Чунки ой йили Қуёш йилидан 2 кунга қисқалиги туфайли, ой йилининг боши милодий йилга нисбатан ҳар йили 10,11 ёки 12 кунга олдинга сурилиб туради. Натижада бир хижрий йил икки милодий йил билан камарилиши ёки бир милодий уч хижрий йилга мос келиши мумкин. Хусусан, хижрий 1410 йил милодий 1989 йилнинг 4 августидан 1990 йилнинг 25 июнигача давом этади. Хижрий 1929 йил эса милодий 2008 йилнинг 10 январидан 29 декабри оралиғи бўлади. Демак, биргина 2008 милодий йил хижрий 1428 йилнинг ўн иккинчи оғи – зулҳижжа охиридан 9 кунга, 1429 йилни тўла ва 1430 йилнинг биринчи оғи муҳаррамнинг бошидан 2 кунга ўз ичига олади. Шу сабабли одатда сана бир ҳисобдан иккинчисига ўтказилганда кўш йил билан бериш қабул килинган. Мисол учун Шохизинда ансамблидаги ўймакор эшиклардан бирида у 807 йили уста Юсуф Шерозий томонидан ясалганлиги хақида маълумот бор. Агар бу сананинг ой ва кунга ҳам сакланганда эди, эшик ясалган вақт қайси милодий йилга тўғри келишини аниқ кўрсатса бўлар эди. 807 йилни милодийга ағдарсак 1404, 6794 чиқади. Шунинг учун эшик 1404/1405 йилда ясалган.

Ўқувчиларимиз ҳукмига йил айлантиришнинг янада осонроқ вариантини хавола қиламиз.

Хижрий қамарий йилни милодийга айлантириш. Бу уч амал билан бажарилади:

- 1) Хижрий қамарий 1423 йилга 622 кўшилади, $1423+622=2045$.
- 2) Хижрий қамарий 1423 йил 33 га бўлинади, $1423:33=43$.
- 3) Биринчи амал натижасидан (2045) иккинчи амал натижаси (43) олиб ташланади, $2045-43=2002$. Чиккан натижа 2002 милодий йил.

Милодий йилни хижрий қамарийга айлантириш.

- 1) Милодий йилдан (2002) 622 айирилади, $2002-622=1380$
- 2) Биринчи амалдан чиккан (1380) натижага 32 га бўлинади, $1380:32=43$
- 3) Иккала амал натижаси кўшилади, $1380+43=1423$ йил хижрий қамарий йил.

Хижрий шамсий йилни милодийга айлантириш.

Хижрий йилга (1380) 622 кўшилади, $1380+622=2002$. Демак хижрий шамсий 1380 йил 2002 йилга тўғри келади.

Милодий йилни хижрий шамсий йилга айлантириш. Бунинг учун милодий (2002) йилдан 622 ни айириш керак, $2002-622=1380$. Демак, 2002 милодий йил 1380 хижрий шамсий йилга тўғри келади.

Хижрий қамарий йилни хижрий шамсий йилга айлантириш. Хижрий қамарий йилдан (1423) шу қамарий йилни 33 га бўлишдан чиккан натижа айирилади, $1423:33=43$; $1423-43=1380$. Демак, 1423 хижрий қамарий йил 1380 хижрий шамсий йилга тўғри келади.

Хижрий шамсий йилни қамарий йилга айлантириш. Хижрий шамсий (1380) йилга шу йилни 32 га бўлишдан чиккан натижа қўшилади, $1380:32=43$; $1380+43=1423$. Демак, 1380 хижрий шамсий йил 1423 хижрий қамарий йилга тўғри келади.

Биз хозир: 2002 милодий

1423 хижрий қамарий

1380 хижрий шамсий йилда яшамокдамиз.

2-асосий савол: Уйғониш даврида Ғарбий Европа санъати.

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Уйғониш даврида Ғарбий Европада санъатнинг умумий тараққиёти билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Италия уйғониш даври санъатининг аҳамиятини очиб беради.
2. Голландия санъати ва унинг тараққиётига баҳо беради.
3. Германия санъатида уйғониш даврининг ўрнини таҳлил тади.

2-саволнинг баёни:

Назорат саволлари:

1. Илк бор “Ренессанс” атамаси қайси асарда тилга олинган?

- А) Альбертининг «Меъморчилик ҳақида» асарида
- В) Пико Дела Мирандоланинг «Инсоннинг қадри ҳақида» асарида
- С) Лоренцо Валланинг «Лаззат ҳақида» асарида
- Д) Жоржо Вазарининг «Машхур мусаввирлар, ҳайкалтарошлар ва меъморлар ҳаётдан» асарида

2. “Иуда бўсаси” асарининг муаллифини кўрсатинг.

- А) Мазаччо
- В) Жотто
- С) Мантенья
- Д) Рафаэль

3. Леонардо да Винчининг устози ким бўлган?

- А) Жорже Вазари
- В) Андреа Вероккьо
- С) Перуджино
- Д) Боттичелли

4. Микеланжелонинг “Одам Атонинг яртилиши” асари қаерда ишланган?

- А) Ватикандаги Сикстин капелласи
- В) Римдаги Станца делла Сеньятура
- С) Флоренциядаги Медичилар даҳмаси
- Д) Миландаги Санта Мария дела Грация монастири

5. Сандро Боттичелли қаламига мансуб бўлмаган асарни кўрсатинг

- А) “Ухлаётган Венера”
- В) “Венеранинг туғилиши”
- С) “Баҳор»
- Д) “Тобутга кўйиш”

Адабиётлар:

1. Ротенберг Е.И. Искусство Италии эпохи Возрождения. – М., 1974.
2. Тяжелов В.Н., Сопоницкий О.И. Искусство средних веков. – М., 1975.
3. Egamberdiyev A., Saiadov S., Rajabov R. Tasviriy va me'morchilik san'ati tarixi. – T.: O'qituvchi, 2007.
4. Miryusupova M.X. Uyg'onish davri me'morchiligi (XV-XIX asrlar). – T., 2005.
5. Нессильштраус Ц.Г. История зарубежного искусства. – М., 1982.
6. Гутнов А. Э. Мир архитектуры. – М.: Молодая гвардия, 1985.
7. www.mirizo.ru, www.abc-people.com

7-мавзу: Кавказ халқлари календарлари.

Фанни ўқитиш технологияси:

“Кавказ халқлари календарлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, календар
	<p>Тайёрлов босқичи</p> <p>1.1 Дарс мақсади: Талабаларга XVII- XVIII асрда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсирида санъатда юз берган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тушунча бериш.</p> <p>1.2. Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none">• Ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади.• Санъат мазмунининг кенгайиши сабабларини очиб	

1	<p>беради</p> <ul style="list-style-type: none"> • XVII- XVIII асрда санъатда юзага келган услубларни фарқлайди. • Бу даврда ижод этган санъат намоёндаларининг ижодини ва уларда акс этган муаммоларни таҳлил қилади <p><u>1.3. Асосий тушунчалар:</u> Капиталистик муносабатлар, оқимлар, услублар, барокко, рококо, классицизм, романтизм, реализм.</p> <p><u>1.4. Дарс шакли:</u> Маъруза</p> <p><u>1.5. Метод ва усуллар:</u> Оғзаки баён, тақдимот, мунозара, ақлий хужум.</p> <p><u>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</u> Фотосуратлар, слайдлар, видеопроектор.</p>	Ўқитувчи
2	<p><u>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</u></p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи 30 мин.
3	<p><u>Гуруҳда ишлаш.</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ушбу даврда санъатдаги ранг-барангликнинг сабабларини ақлий хужум усулида аниқлаштириш • Мавзунинг муҳим босқичлари бўйича тезкор усулда талабаларнинг фикрини тинглаш • Тингланган барча фикрларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш • Умумий хулосалар чиқариш 	Ўқитувчи-талаба 30 мин.
4	<p><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш:</u></p> <p>Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • XVII- XVIII асрдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар санъат ривожига қандай таъсир кўрсатди? • Нима учун бу даврда санъатда оқимлар ранг-баранглиги кузатилади? • Ҳар бир оқимнинг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг. • XVII- XVIII асрда ижод қилган қандай йирик санъаткорларини биласиз? 	Ўқитувчи – талаба 10 мин.
5	<p><u>Ўқув машғулотини якунлаш.</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича якуний фикр айтилади ва мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар билан талабалар таништирилади 	Ўқитувчи 10 мин.

- | |
|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • Мустақил иш топшириғи: Танланган меъморчилик намунаси ҳақида ижодий иш тайёрлаш |
|---|

Асосий саволлар:

1. Қадимги грузин календари
2. Қадимги арман календари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қадимги Арман ой-куёш календари. Арман календари эраси. XV-XVI асрларда Дионисий эрасининг қабул қилиниши. Арман календар эраси йилини Юлий календари йилига айлантириш формуласи. Қадимги Грузин куёш календари. Грузин календар эралари. «Хроникон» йил ҳисоби. «Хроникон» йил ҳисобини аниқлаш формуласи. XIX асрдан Дионисий эрасининг қўлланилиши.

1-асосий савол: Янги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва бу жараёнларнинг санъатга таъсири.

1-савол юзасидан дарс мақсади:

XVII- XVIII асрда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсирида санъатда юз берган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини кўрсатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади.
2. Санъат мазмунининг кенгайиши сабабларини очиб беради.

1-саволнинг баёни:

Мавзу:Қадимги

грузин календари.

Қадимги грузин календари қамарий йилга асосланган эди. Қамарий йил эрамизнинг 1 асригача 12 ой 30 кун (360 кун 1 йилда) дан бўлиб, кейин шамсий йил билан алмашди. 12 ойдан кейин оддий йилга 5 кун ёки кабиса йилга 6 кун кўшилиб, грузин йилининг давомийлиги Юлиан йилига мувофик келган. Йил августдан бошланган, ойлар грузинча номга эга бўлган. Ойлар Римча номланиши VII-VIII асрларда Грузияда ҳам таркала бошлади. Қадимги Грузияда саналар ҳисобининг турли хили учрайди. “Дунёнинг пайдо бўлиши” эраси билан боғлиқ бўлган йил ҳисоби кўп қўлланилган. “Христоснинг туғилиши” билан бошланган бизнинг эрани 1 йили “Дунёнинг пайдо бўлиши” дан грузин эрасининг 5605 йилига тўғри келади.

Икки эра ўртасидаги фарк 5604 йилни ташкил этади. Бу санок йилни аниқлашда математик кулайлиги бўйича қабул қилинган. Масалан, Грузин эрасигача “Дунёнинг пайдо бўлиши” даги 6762 йил эрамизнинг 1158 йилига тўғри келади:

$$6762 - 5604 = 1158$$

2-асосий савол: XVII- XVIII аср Европа санъатининг тараққиёти.

2-савол юзасидан дарс мақсади:

XVII- XVIII асрда санъатнинг ривожини, бу даврда ижод этган санъаткорлар ҳаёти ва ижоди билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. XVII- XVIII асрда санъатда юзага келган услубларни фарқлайди.
2. Бу даврда ижод этган санъат намоёндаларининг ижодини таҳлил қилади.

2-саволнинг баёни:

Кадимда арманлар вақтни мисрликлардек ҳисоблаганлар. Кадимги арманларда йил 12 ой 30 кундан иборат бўлган. Йил 365 кунни ташкил этган. Бу календар Арманистонга Эрон орқали ўтган.

Кадимги арман календарини ойлар куйидагича номланган: кавсард, гор, сахм, тре, кхалак, аратс, менан, апер, ахенан, марори, магату, хротитих. Йил навасарддан бошланган.

Арман йили ҳисобида адашилган, ҳар 4 йил давомида йил 1 суткага олдин кетган. Бир йил 365 сутка эмас, балки 365,5 соат 48 минут 46 секунд. Шунинг учун янги йил ҳар тўрт йилда 1 сутка олдин кирган. 1460 йилда арман календари Юлиан йилидан олдин ёки 1461 йил арман йили, 1460 йил юлиан йили билан тенглашган. 1460 йилдан кейин арман янги йили яна юлиан календарининг бир кунига тўғри келган.

Кадимги Арманистонда эра бўйича йил ҳисоби эраизмининг 552 йили 11 йилдан бошланган. Бу эра кенг тарқалиб кундалик ҳаётда, тошларга ёзишда, ҳужжатларни юритишда қўлланган. Арманистонда IV аср бошларида христианлик давлат дини сифатида амал қилди. VII-XI асрларда Юлиан календарига ўтишга уринишлар бўлди. Олдинги адашилган календар христиан черкови учун ноқулайликларни келтириб чиқарди. Бу уринишлар мувофақиятсиз чиқди. Фақатгина XVIII асрда арманлар Христоснинг туғилиш эраси ва Юлиан календарига ўтишди.

Назорат саволлари:

1. Барокко оқими қачон санъатда асосий услублардан бири бўлган?

- A) XVI аср охири XVIII аср ўрталарида
- B) XVIII асрнинг биринчи ярмида
- C) XVIII асрнинг биринчи ярми-XIX асрда
- D) XVII аср- XIX аср бошларида

2. Буюк итальян мусаввирлари Караваджо ва Аннибале Карраччилар қайси услубда ижод қилишган?

- А) Рококо
- В) Классицизм
- С) Романтизм
- Д) Барокко

3. Машхур мусаввир Рубенснинг ватани.

- А) Италия
- В) Фландрия
- С) Германия
- Д) Голландия

4. Рембрандт қаламига мансуб бўлмаган асарни кўрсатинг.

- А) "Лютначи"
- В) "Тунги кўрикчилар"
- С) "Саския билан автопортрет"
- Д) "Оқпадар ўғилнинг қайтиши"

5. "Гилям тўқувчилар" асарининг муаллифини кўрсатинг.

- А) Никола Пуссен
- В) Клод Лоррен
- С) Диего Веласкес
- Д) Караваджо

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нессильштраус Ц.Г. История зарубежного искусства. – М., 1982.
2. Наливайко Д.С. Искусство: направления, течения, стили. – Киев, 1981.
3. Дмитриева Н.А. Краткая история искусства. – М.: Искусство, 1987.
4. Искусство. – М.: Просвещение, 1988. Ч.2.
5. А.Ф.Гольдштейн. Зодчество. – М.: Просвещение. 1979.

8-мавзу: Эралар ва уларнинг турлари

Фанни ўқитиш технологияси:

"Эралар ва уларнинг турлари" мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р Босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, календар
	Тайёрлов босқичи 1.1 Дарс мақсади: XIX - XX асрда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг санъатга таъсирини кўрсатиш ва ушбу даврда юзага келган янги оқимларнинг моҳияти ҳақида тушунча бериш	

1	<p><u>1.2. Идентив максадлар:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади. • XIX- XX аср санъатида юзага келган оқимларни ва уларнинг мазмунини шарҳлайди. • Янги оқимларнинг санъат тараққиётидаги ўрни ва ролига баҳо беради. • Бу даврда ижод этган санъат намоёндаларининг ижодини ва уларда акс этган муаммоларни таҳлил қилади <p><u>1.3.Асосий тўшунчалар:</u> Классицизм, ампир, реализм, импрессионизм, постимпрессиониз, экспрессионистлик, кубизм, модернизм, символизм, авангардизм.</p> <p><u>1.4.Дарс шакли:</u> Маъруза</p> <p><u>1.5. Метод ва усуллар:</u> Такдимот, мунозара, микрогуруҳларда ишлаш</p> <p><u>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар:</u> Фотосуратлар, слайдлар, видеопроектор.</p>	Ўқитувчи
2	<p><u>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</u></p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, такдимот асосида асосий масалалар баён қилинади.</p> <p>2.3. Микрогуруҳлар ажратилади</p>	Ўқитувчи 30 мин.
3	<p><u>Гуруҳда ишлаш.</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ажратилган микрогуруҳларга берилган оқим юзасидан қисқача тезис тайёрлаш топширилади. • Гуруҳлар тингланади ва билдирилган фикрлар таҳлил қилинади • Келтирилган фактлар умумлаштирилади ва хулосалар чиқарилади 	Ўқитувчи-талаба 30 мин.
4	<p><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш:</u></p> <p>Берилган маълумоти талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • XIX-XX аср Европадаги сиёсий аҳвол санъат тараққиётига қандай таъсир кўрсатди? • XIX аср санъат намоёндалари ижодларида ўз даврининг қайси масаларини қўйиб, уларга жавоб топишга ҳаракат қилдилар? • Бу даврда санъатда қандай оқимлар мавжуд эди? • XIX-XX асрлар ижодий изланишларининг аҳамияти 	Ўқитувчи – талаба 10 мин.
	<u>Ўқув машғулоти яқунлаш.</u>	

5	<ul style="list-style-type: none"> • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича якуний фикр айтилади ва мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар билан талабалар таништирилади • Мустақил иш топшириғи: Танланган мавзу асосида тақдимот тайёрлаш. 	Ўқитувчи 10 мин.
----------	---	-----------------------------

Асосий саволлар:

1. XIX- XX аср Европа санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Санъатда юзага келган янги йўналишлар ва уларнинг моҳияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Классицизм, ампир, реализм, импрессионизм, постимпрессионизм, экспрессионизм, кубизм, абстракционизм, модернизм, символизм, авангардизм.

1-асосий савол: XIX- XX аср санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

1-савол юзасидан дарс мақсади:

XIX - XX асрда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг санъатга таъсирини кўрсатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ва унинг санъатга таъсирини таҳлил қилади.
2. XIX- XX аср санъатида юзага келган оқимларни фарқлайди.

1-саволнинг баёни:

2-асосий савол: XIX- XX аср санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

2-савол юзасидан дарс мақсади:

XIX- XX асрда юзага келган янги оқимлар ва уларнинг санъат ривожигаги ўрнини кўрсатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Санъатдаги янги оқимларнинг мазмунини шарҳлайди.
2. Янги оқимларнинг санъат тараққиётидаги ўрни ва ролига баҳо беради.

2-саволнинг баёни:

XIX аср бошларида Францияда ампир бадий услуби юзага келди ва бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди. Бу услуб рим антик санъатига асосланган бўлиб, Наполеон даврининг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттирди. Антик бадий меросга таянган оғир, маҳобатли шакллар ва бой безаклар давлатчилик қудрати ва ҳарбий куч ғоясининг рамзига айланди.

Бадий таракқиёт XIX аср охири – XX аср бошларидаги тасвирий санъатда яққолроқ намоён бўлди. Бу даврда мусаввирликда ҳақиқий бадий инкилоб содир бўлди.

Хусусан реализм таракқиётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Реалистик санъатда содир бўлган ўзгаришлар Эдуард Мане ижодида яққол намоён бўлди. Мане асарларида Париж кўчалари, хиёбон ва кафелари, одамларнинг ҳаёти тасвирланади. Бир қарашда жуда содда сюжетларда рассом гўзалликни кўрсата олди. Унинг ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган, сюжети жиҳатидан содда асарлари ўзининг воқеликни тўлақонли, бутун борлиғи билан акс эттириши билан киши қалбига қувонч бахш этади. Мане йирик француз мусаввири Гюстав Курбенинг изланишларини давом эттирди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида янги бадий услуб - архитектура. дизайн, амалий санъат билан боғлиқ ҳолда модерн (янгилик маъносида) оқими вужудга келди. Авангарднинг дастлабки оқими фовизм номини олди. У 1905 йилда Париждаги бадий кўргазмада илк бор тилга олинди ва намоёниш этилди. Фовизмнинг асосий ҳарактерли хусусияти, булар реал нарсалар, предметларнинг рангидан, тусидан мутлақо қатъий назар ёрқин ранг бўёқларнинг бирикувидан фойдаланиш ва айни чоғда реал объектлар нисбати ва шакллари кескин бузилишидир. Шундай бадий усуллар воситаси билан расмлар яратиш орқали уларда реал нарсалар, объектларни тасвирлаш эмас, балки ўзининг ўта ғайритабiiйлиги, ёрқинлиги, ҳашамдорлиги билан алоҳида хис-ҳаяжонли кайфият ҳосил қилишдан иборат. Бу оқим намояндаларидан бири Матиссдир.

Париждаги Салонда 1865 йилда Эдуард Мане (1832-1883 йй) нинг “Олимпия” сурати намоёниш этилди. Бу асар академизмга қарши чиққан импрессионизмнинг илк даракчиси эди. Маненинг “Олимпия” асари жиддий жанжалга сабаб бўлди. Аммо мусаввирнинг ишлари ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Маненинг таъсири остида аста – секин бошловчи мусаввирларнинг тўғараги вужудга келди. Бу уюшма импрессионистлар тўғараги деб ном олди (французча *impression* – таассурот; Клод Моненинг илк пейзажларидан бири шундай аталарди). Импрессионизм сўзининг луғавий маъноси таассурот бўлиб, рассомлар ўз асарларида замонавий воқеаларни турли кўринишда тасвирлаш ва энг муҳими шу воқеаликдан олган биринчи таассуротларини тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Манега эргашиб импрессионистлар ўзларини мақсадлари замонавий дунёнинг динамикаси ва ранг – баранглигини акс эттириш бўлган ҳақиқий ҳаётнинг тасвирчилари деб эълон қилдилар. Шу боисдан улар натурага алоҳида эътибор бера бошладилар. Импрессионистларнинг суратлари ёрқин, қуёшли бўёқларга бой бўлиб, абадий ҳаёт ҳаракатини акс эттиради.

Импрессионизм оқимининг ўзига хос томони шу оқимнинг асосчиларидан бири Клод Моне (1840-1926 йй) нинг “Пичан ғарами”, “Кўкнори даласи”, Оноре Ренуар (1841-1919 йй) нинг “Мадам Самари”, “Яланғоч аёл”, Эдгар Дега (1834-1917 йй) нинг “Мовий раққосалар”, “Балет синфи”, Камиль Писсаро (1830-1903 йй) нинг “Париж кўчалар” каби суратларида яққол намоён бўлди. Улар нафақат асрий бадий анъаналарга

қарши чиқдилар, балки маънисиз расмиятчилик, совуқ афсонавийлик ва уларга замондаш академик мактабнинг рангсиз палитрасига қарши чиққан эдилар.

Импрессионизм принциплари Клод Моне ижодида тўлиқ акс этган. Унинг истеъдоди очик ҳавода чизилган пейзажлари ва портретлари яратилган 70 – йиларда тўлиқ очилди. Моне шаҳар мавзусига мурожаат этар экан, жуда кўп тажриба қилди (“Париждаги капуцинкалар бульвари”, 1873). У француз табиатининг маҳоратли тасвирчиси эди (“Темза”, “Руандаги собор”).

Яна бир таниқли мусаввир - Ренуар бошқа импрессионистлардан сезиларли фарқ қилади. Ренуарнинг мавзуси Париж эди. Унинг ишлари завқли, куёшли кайфияти билан ажралиб туради (“Мулен де ла Галетт”, 1876). Ренуар – импрессионистлар мактабининг энг яхши портретистларидан бири. “Елпиғичли қиз”, актриса Самарининг портретлари ҳаммага маълум.

Эдгар Дега ҳаракатнинг гўзаллигини тасвирлаб беришда тенги йўқ эди. Бу жиҳатдан Деганинг пойга ва балетни тасвирловчи ишларини мисол келтириш мумкин. Унинг ишлари доимо кутилмаган, контрастга бой бўлиб, нозик психологик ҳарактерга эга эди.

80 йилларнинг ўрталарида импрессионистлар ҳаракати тарқаб кета бошлади. Уларнинг кўргазмалари 1886 йилгача давом этди. Импрессионистик кўргазмалар иштирокчилари Жорж Сёра ва Поль Синьяк неоимпрессионизм дастурини таклиф этишди Аммо бу оқим узоқ яшамади, унинг ўрнига постимпрессионизм келди. Постимпрессионизм вакиллари қаторида Поль Сезанн (1839-1906 йй), Винсент Ван – Гог (1853-1890 йй) ва Поль Гоген (1848-1903 йй) ларни санаб ўтиш мумкин. Постимпрессионизмни дунёга фаол муносабат ва жиддий шаклларни излаш ажратиб турарди. Бу оқим XX аср рассомчилигига катта таъсир кўрсатди.

Сезаннинг предметни геометриялаштиришга интилиш борасидаги тажрибалари кубизм ва бошқа авангард мактаблар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ван – Гог ижодида голланд мактаби анъаналари, оддий инсонга, кескин ижтимоий мавзуга қизиқиш сезилиб туради («Маҳбуслар сайри», 1890). Мусаввирнинг энг яхши ишлари – Арлда ишланган пейзажлар, жанрли полотноларни рангга юқори эътибор, рельефлик, тасвирнинг графиклиги ажратиб туради. Ван – Гог рассомчиликдаги экспрессионистлик асосчиларидан биридир.

Экспрессионизм “экспрессия” сўзидан олинган бўлиб, таъсирчанлик, ҳаяжонлилик маъносини билдиради. Бу йўналиш санъаткорларни куршаб олган воқелик хусусида ўз хиссиётлари, фикрларини ифодалашдир.

Экспрессионистлар Гогендан ҳам кўп нарсалар олишди. Тасвирий санъатга қизиқиш ёш бўлмаган париждик хизматчини ўзининг банкдаги иши, оиласини ташлаб, 1886 йилди дастлаб Бретаньга, кейинчалик Мартинака оролига кетишга мажбур қилди. 1895 йилдан бошлаб Гоген Таитида яшаб, ижод қилди. Ўз йўналишига у «синтетизм» деб ном берган эди.

XX асрнинг биринчи чорагида вужудга келган яна бир янги оқим - бу кубизмдир. Бу оқим реализмга қарама-қарши ўлароқ борлиқни кўпроқ

геометрик чизиқли шаклларда тасвирлашга интилади. Бу оқим яратилишига катта таъсир кўрсатган Пикассо ижодининг муҳим жиҳатлари бунга яққол мисол бўла олади.

1900 йилда Парижда кўним топган Пабло Пикассо Европа санъатида янги босқични бошлаб берди. Импрессионистлар ва постимпрессионистлар ютуқларини ижодий ўзлаштирган Пикассонинг ишлари кескин индивидуаллиги билан ажралиб туради («Арлекин ва унинг хотини», «Оғуш», «Шардаги қиз», «Комедиантлар» ва ҳ.к.)

1907 йилда мусаввир «Авиньонлик қизлар»ни чизади, бу асар кубизмнинг манифести бўлиб қолди. Пикассо атрофида янги йўналишнинг издошлари – Морис Вламинк, Альбер Марке ва бошқалар бирлашадилар. Кубизмнинг пайдо бўлиши тасвирий санъатда импрессионизмнинг ниҳоясига етганини билдирди. Кубистлар предметларнинг геометрик шаклига эътибор қаратиб, мавзунинг аҳамияти ва психологик мазмунини рад этардилар. Аммо Пикассонинг ишлари чуқур психологик асарлардир («Елпиғичли хоним», «Воллар портрети»).

Кубизм XX аср бошида оммавий тус олди. Аммо бутун умри Парижда ўтган италиялик Амедео Модильяни (1884-1920 йй) ижодига бу оқим дахл қилмади. У ўз даврининг йирик портрет устаси эди. Модильянининг ишлари – коллекционер Леопольд Збровский, шоирлар Сандрар ва Кокто, рус рассоми Х.Сутин портретлари – XX аср санъатининг юқори ютуқларидан саналади.

Немис рассоми Кета Кольвиц (1867-1945 йй) даврининг йирик графиги, ижтимоий мавзу тасвирчиси эди. «Тўқувчилар кўзгалони», «Деҳқонлар уруши» каби ишлари унинг улкан истеъдодидан дарак беради.

Авангард йўналишининг яна бир тури бу сюрреализмдир. У французча термин бўлиб, ўта реализм маъносидадир. У XX асрнинг 20-йилларида Францияда шаклланди. Бу оқим рассомчилик, ҳайкалтарошлик, театр, кино соҳаларида кўпроқ ўрин олди. Айниқса, бу ўринда француз рассоми Сальвадор Дали (1904) ва бошқаларнинг ижоди диққатга сазовордир. Хусусан, рассомнинг «Урушнинг қиёфаси», «Ядро қисмати», «Гитлернинг мўлжали» каби машхур полотнолари бу жиҳатдан ҳарактерлидир. Сюрреализм оқими асосчиларидан А.Бретонникнинг таъкидлашича, санъаткор ўз ижодида руҳ эркинлигини амалга ошириш сари доимий интилиши керак

Бу даврда мавжуд бўлган футуризм оқими вакиллари “келажак санъати”ни яратиш мақсадида анъанавий маданиятни, унинг барча ахлоқий ва бадий моҳиятини инкор этадилар. Улар асосан саноатлашган йирик шаҳардаги замонавий фан ва техника ютуқларини, унинг ҳаракати, куч-қувватини улуғлайдилар. Абстракционистлар эса ҳодисаларни реал тасвирлашдан воз кечадилар. Бу оқим вакиллари ўз асарларида одатда мазмунини англаш мушкул бўлган доғ, шакл ва чизиқларнинг тартибсиз ҳаракатини тасвирлайдилар.

Кўриб чиқиладиган даврда ҳайкалтарошлик ҳам янгиликларга, ўзгаришларга бой бўлди. Бу ерга ҳам франциялик Огюст Роден (1840-1917 йй) ўзининг дастлабки ишларини яратди. У ҳам академик Салон таъқибига

учради. Унинг «Бронза асри» скульптураси импрессионистларнинг суратлари сингари кўплаб баҳсларга сабаб бўлди. 1880 йилда Роден декоратив санъат музейининг киришини безаши лозим бўлган скульптура гуруҳига буюртма олди. Сюжети Дантедан олинган «Дўзах дарвозаси» номли композиция устида Роден бир умр ишлади. «Дўзах дарвозаси» - инсон қалбидаги азобли зиддиятлар ва иккиланишлар манзарасидир. 1895 йилда Роден ватанпарварлик мавзусидаги «Кале шахрининг фуқаролари» бронза гуруҳини тугатди. Унинг «Мутафаккир», «Абадий ҳаёт», «Ромео ва Жульетта» каби ишлари ўша даврнинг ажойиб ёдгорликларидир.

Бу даврдаги Европа меъморчилиги учун ҳам йўналишлар ранг – баранглиги хос. Бу соҳада кўп нарсалар қурилиш практикасига янги материаллар – бетон, темир – бетон, пайванд темирининг кириб келиши билан белгиланган эди. 1899 йилги Париждаги Бутунжаҳон кўрғазмаси учун қурилган, баландлиги 312 м бўлган Эйфель минораси қурилиш техникаси ютуқларининг намунаси эди ва шу билан бирга меъморчиликдаги янги аъёнларнинг бошланганлигини кўрсатиб берди. Веналик архитекторлар Отто Вагнер (1841-1918 йй) ва Йозеф Ольбрих (1867-1908 йй), бельгиялик Ван - дер – Вельде (1863-1957 йй), америкалик Луис Салливэн (1856-1924 йй) лар меъморчиликдаги модерн йўналишининг яратувчилари эдилар. Улар меъморчиликка янги материалларни олиб кирдилар.

XX аср бошида модерн ўз ривожланишининг янги босқичига кирди. Эндиликда бу йўналиш ўзининг дастлабки давридан локонизмга, табиийликка интилиши билан фарқ қиларди. Темир – бетон тобора кўпроқ қўлланила бошланди. Шарль Гарнье томонидан Лионда барпо этилган стадион ва касалхона, Огюст Перре томонидан қурилган Елисей майдонлари театри бу йўналишдаги дастлабки муваффақиятли тажрибалар булди. Бу даврдаги энг қизиқарли меъморчилик ёдгорликларидан бири 1897-1903 йилда қурилган Амстердам биржасининг биноси эди. Меъмор Хендрик Берлаге (1856-1934 йй) бу ерда маҳаллий меъморчилик аъёнларини модерн йўналишидаги конструктив янгиликлар билан бирлаштира олган эди.

Йирик меъморлар саноат иншоатларига эътибор қарата бошладилар. Петер Беренс (1868-1940 йй) нинг Берлин трубина фабрикаси аср бошидаги меъморчиликнинг ютуқларидан бири бўлди.

Назорат саволлари:

1. Ижодкор онгига тасодифан келиб қолган сўз, фикр, турли-туман тасаввурларнинг дастлабки, қутилмаган ҳолатдаги шакли асарнинг асоси бўлиши керак деб ҳисоблаган оқим?

- А) Сюрреализм
- В) Кубизм
- С) Экспрессионизм
- Д) Фовизм

2. Қуйидаги ижодкорлардан қайси бири импрессионизм оқимида ижод қилган?

- A) Э.Дега
- B) А.Матисс
- C) П.Гоген
- D) Г.Курбе

3. Импрессионистларнинг дастлабки намоиш этилган асари?

- A) “Таассурот”
- B) “Авиньонлик қизлар”
- C) “Олимпия”
- D) “Париждаги капуцинкалар бульвари”

4. Кубизмнинг манифести ҳисобланган асар?

- A) “Авиньонлик қизлар”
- B) “Гернике”
- C) “Шардаги қиз”
- D) “Туш”

5. Футуризм оқимига тўғри таъриф берилган қаторни кўрсатинг

- A) Бу оқимда мазмунга қараганда шакл устувор деб ҳисобланади
- B) Бу оқим вакиллари ижодини рамзий образлар ташкил этади
- C) Бу оқим реал борлиқни ҳаракатда, ўзгарувчанликда тасвирлаб, ҳаётнинг қисқа дақиқаларини жонли ва ҳиссиётли тавирлаш ғоясини илгари сурган
- D) Бу оқимда асосан саноатлашган йирик шаҳардаги замонавий фан ва техника ютуқларини, унинг ҳаракати, куч-қувватини улуғланган

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пруч И.Е. Запад. Европейское искусство 17 в. - М., 1974 г. (Малая история искусств)
2. Ротенберг Е.И. Западно Европейское искусство 17 в. - М., 1871.
3. Кузьмина А.Т. История искусств зарубежных стран. - М., 1966.
3. Всеобщая история искусств. Т-5,6. - М., 1964-1965.
4. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. – Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2009.
5. www.mirizo.ru., www.impressionism.ru., www.persons-info.com

9-мавзу: Ўрта Осиё халқлари санъати

Фанни ўқитиш технологияси:

“Ўрта Осиё халқлари санъати” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, календар
1	Тайёрлов босқичи: 1.1. Дарс мақсади: Ўрта Осиё санъатининг тараққиёт	Ўқитувчи

	<p>босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, миллий ғоянинг шаклланишида санъатнинг ўрнини таҳлил қилиш</p> <p><u>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</u></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўрта Осиё санъатининг тарақиёт босқичларини ажрата олади • Давлатчилик ривожининг маълум босқичларида маданият, санъатнинг муайян кўринишига баҳо беради. • Ислом динининг Ўрта Осиё санъати тараққиётида туганган ўрнини таърифлайди. • Мустақиллик даври санъатининг мазмун, моҳиятини таҳлил қилади. <p><u>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</u> Петроглифлар, шаҳарсозлик, ибодатхоналар, остадон, будда ёдгорликлари, эллинизм, Парфия санъати, миниатюра, миниатюра мактаблари, китобот санъати, бадий хунармандчилик</p> <p><u>1.4. Дарс шакли:</u> Маъруза-мунозара</p> <p><u>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</u> суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, тақдимот</p> <p><u>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</u> Расмлар, видеопроректор, харита</p>	
2	<p>Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи, 35 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга муаммоли савол берилади: Ўзбек давлатчилигининг турли босқичларида санъатнинг мафкуравий ва маънавий-эстетик функциясига баҳо беринг</p> <p>3.2. Талабалар фикри тингланади, барча талабалар мунозарага тортилади</p> <p>3.3. Фикрлар умумлаштирилади ва умумий хулосалар чиқарилади</p>	Ўқитувчи -талаба, 30 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбек санъатининг тараққиётидаги асосий босқичларни санаб беринг. • Ўзбекистон ибтидоий санъатининг ўзига хос жиҳати ва аҳамияти нимада? • XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек санъатида қандай 	Ўқитувчи, 10 минут

	Ўзгаришлар содир бўлди? • Бугунги кунда ўзбек санъати олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?	
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириғи: “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш муаммолари ечимида санъатнинг аҳамияти” мавзусида маъруза тайёрлаш	Ўқитувчи, 5 минут

Асосий саволлар:

1. Ўрта Осиё санъатининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги тараққиёти.
2. XIX-XX аср Ўрта Осиё халқлари санъати.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Петроглифлар, шаҳарсозлик, ибодатхоналар, оstadон, будда ёдгорликлари, эллинизм, Парфия санъати, миниатюра, миниатюра мактаблари, китобот санъати, бадий хунармандчилик, санъатнинг маҳаллий хусусиятлари, мустақиллик даври санъати

1-асосий савол: Ўрта Осиё санъатининг қадимги давр ва ўрта асрлардаги тараққиёти.

1-савол юзасидан дарс мақсади: Ўрта Осиё санъатининг тараққиёт босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништириш. Ўрта Осиё санъатининг қадимги даврдаги тараққиётини ўрганиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Ўрта Осиё санъатининг ўзига хос жиҳатларини шарҳлайди.
2. Антик давр санъатига баҳо беради.
3. Ислом динининг маданият тараққиётида тутган ўрнини таърифлайди.

1-саволнинг баёни:

Ўзбек санъати унинг давлатчилиги каби қадимий тарихга эга. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан топилган ибтидоий қоятош суратлари, тош ва бронзадан ясалган турли хилдаги тақинчоқ, меҳнат ва уруш қуроллари ибтидоий жамоа даври кишининг ҳаётини билишга ёрдам беради. Зараутсой, Сармишсой, Тақатош, Қорачарвоқсой, Кўксарой, Биронсой, Теракисой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби ҳудудлардан топилган кўплаб тасвирлар бирмунча жўн, содда бўлишига қарамай ибтидоий жамоа даври кишилари ҳаёти, уларнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилаётган календари ишонарли талқин этилган. Суратларда, айниқса, ҳайвонлар тасвири ифодали чикқан. Улардаги куч, эпчиллик ҳаётий талқин этилган. Фор деворларига ишланган суратлар Ўзбекистонда, жумладан Бойсун ва Термиз туманлари,

Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Хоразм, Фарғона туманларидан археологлар томонидан кўплаб топилган.

Ибтидоий давр амалий хунармандчилик намуналарида учрайдиган турли тасвирларда, ҳайкалларда ҳам ўша давр кишиларининг меҳнат жараёни, эътиқоди, дунёқарашларидан ташқари турмуш тарзи ҳам ўз ифодасини топган.

Қадимги Ўрта Осиё санъати ва маданиятини ўрганишда бизгача сақланиб келган турли осори - атиқалар: қабрлар, турар жой, қалъа ва саройлар билан бирга зардуштийлар дини билан боғлиқ бўлган оссирийлар (остадонлар) деб аталувчи одамлар суягини сақлаш учун мўлжалланган сополдан ясалган идишлар муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилади.

Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган “Амударё бойлиги” (Окс бойлиги) муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланаётган бу ёдгорликлар ичида ҳайкаллар, турли кўза, билагузук, узук, муҳр, танганлар, олтиндан ясалган аравача ва куруллар диққатга сазовордир. Эрон ва Марказий Осиё халқлари санъати билан боғлиқ бу буюмларда учрайдиган тасвирлар бирмунча шартли бўлса ҳам, лекин ниҳоятда ифодали ишланганлиги билан ажралиб туради, деталлари очиқ ва тугал ишланиши билан ҳарактерланади. “Жангчи - сак” бўртма тасвирида шу фазилатлар мужассамланган.

Македониялик Искандар Зулқарнайн эрамиздан аввалги IV асрларда Аҳмонийлар давлатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ерларининг кўпгина қисмини ўзига қаратиб олиши билан юртимизга антик санъат таъсири кириб келди. Маҳаллий ва юнон санъатининг уйғунлашуви оқибатида эллинистик санъат таркиб топди. Бу жараён узоқ давом этиб, ҳайкалтарошлик, деворий расмлар, амалий санъат намуналари, жумладан меъморчиликда намоён бўлди.

Тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик тури Юнон-Бақтрия ва Хоразм давлатлари тарихида тарақий этибгина қолмасдан, гоҳо санъатнинг бошқа турларига етакчилик вазифасини ҳам ўтаган. Масалан, Далварзинтепадан топилган 115 дона олтиндан ишланган ашёлар Бақтрия усталарининг маҳоратидан дарак беради.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Парфия давлати (Туркманистоннинг жанубий-ғарбий томони ва Эроннинг шимолий шарқий қисмлари) Ўрта Шарқнинг йирик давлатларидан бири сифатида танилди. Аршакийлар сулоласи бошқарган даврда эса жаҳондаги йирик давлатлардан бирига айланди. Парфия санъатини ўрганишда ҳам танга юзасига ишланган бўртма тасвирлар кенг ўринни эгаллайди.

Парфия санъатини тушунишда Ашхобод яқинида археологик қазишмалар натижасида очилган Парфиноннинг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Ниса (бошқача номи Парфниса) алоҳида ўринни эгаллайди. Эски Ниса ва Янги Ниса деб аталадиган бу кўҳна шаҳар қолдиқлари ҳамда у ердан топилган амалий-декоратив ва тасвирий санъат буюмлари ўша давр бадиий ҳаётини тушунишда бебаҳо далилий материал ҳисобланади.

Бу ерда Парфия подшосининг саройи, ғалла, озиқ-овқат омбори ҳамда

зодагонларнинг сағаналари бўлган. Бу ерда очилган “квадрат уй” ўз тузилиши ва безашда ишлатилган декоратив деталлари билан диққатга сазовордир. Нисадан топилган ёдгорликлар ичида фил суягидан шохга ўхшатиб ясалган идишлар-ритонлар ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Ҳажм жиҳатидан каттагина (баландлиги 40-60 см.) бўлган бу ритонларнинг уч томонида афсонавий ҳайвонларнинг ярим белигача ҳайкали ишланган. Ритонларнинг тепа қисми эса бўртма тасвир - фриз билан ҳалқаланган. ишланган.

Эрамиздан аввалги асрнинг охирлари ва янги эранинг бошларида Ўзбекистонда кулолчилик борасида жиддий ривожланиш сезилди. Турли шаклдаги хум ва кўзачалар кўлда бажарилган. Уларнинг ташқи безагига эътибор берилганлиги сезилади. Кейинчалик хум юзаси чизиқли нақшлар билан безатила бошланган. Металл буюмлар яшаш ва уларнинг юзасини бўртма тасвирлар билан безаш санъатида Ўрта Осиёлик усталар катта ютуқларни кўлга киритдилар

Янги асрнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида жиддий жонланиш бошланди. Ундаги қатор маданий марказларда санъат ва маданият борасида муҳим ёдгорликлар яратилди. Шундай маданий марказлардан бири Хоразм эди. Қўйқирилган қалъа, Гуяр қалъа, Тупроққалъа ҳаробалари, у ердан топилган тасвирий ва амалий санъат намуналари шу даврларда (илк феодализм, яъни V асрга қадар) Хоразмда ижтимоий ҳаётнинг бирмунча интенсив бўлганлигини кўрсатади.

Қўйқирилган қалъа (Тўрткўлнинг шимолий шарқий қисмидан 22 км. узоқликда) эр.ав. IV-III асрда барпо этилган бўлиб, у дастлаб думалоқ шаклда бўлиб, унинг марказида диаметри 44,4 м. икки қаватли бино, ундан 14,5 м. узоқликда эса мудофаа деворлари бўлган. Бу девор кейинчалик мудофаа галереясига айлантирилиб, тепа қисми равоқли том билан ёпилган.

Тахминан, I асрнинг бошларига келиб, Юнон-Бактрия подшолигининг парчаланиши натижасида вужудга келган майда давлатлар бирлаштирилиб, Кушон давлати ташкил этилди. Кушонлар даврида Ўрта Осиёда буддизм дини кенг тарқалди. Кушон ҳукмдорлари ўз салтанатларини мустаҳкамлаш учун бу диндан фойдаландилар. Уни омма орасига сингдиришга ҳаракат қилдилар. Ҳукмдорларнинг бу интилиши шу давр санъат ва маданиятида ҳам ўз ифодасини топди. Буддизм билан боғлиқ бўлган ибодатхоналар вужудга келди, ҳайкаллар яратилди, деворий суратлар ишланди.

Кушонлар даврида ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар бизгача етиб келган тангаларда намоён бўлади. Бу танга юзаларига подшолар портрети зарбланган, орқа томонига худолар тасвири тушурилган. Ёзувлар эса кушон-бактрия тилида, ёзиш учун кушон ҳарфлари (юнон алифбоси асосида яратилган) ишлатилган. Кушон даври санъатини билишда Холчаёнда (Сурхондарё тум.) сақланиб қолган бино қолдиқлари ҳамда тасвирий санъат ва ва амалий санъат намуналари муҳим ўринни эгаллайди.

Холчаёндаги бинони безашда ҳайкаллар кенг қўлланилган. Бу ҳайкаллар хоналар деворининг юқори қисмига барельеф ва галерьеф услубида бажарилган. Унда подшо ва унинг яқинлари, шунингдек отликлар тасвири

ишланган. Бу ҳайкалларда Юнон-Бақтрия санъатига хос хусусият - ҳар бир тасвирланувчининг ўзига хос индивидуал хислатларини кўрсатишга, кийимлари, қуроллари аниқ тасвирлашга интилиш сезилади. Ноъмалум ҳайкалтарош тасвирланувчининг соч тараши, кийим боши, ҳарактерининг ҳам аниқ бўлишига, психологик ҳолатини ифодашга интилади.

Айритомда (Термиз яқинида) топилган тошдан ишланган рельефлар ва сўнгги Кушон давлати меъморлигининг ҳаробалари бу ерда буддизм кенг ёйила бошлаганлигини кўрсатади. Айритомдан топилган тошдан ишланган рельефлар ибодатхонага киравериш томонга карниз тарзида ишланган бўлган. Бу карнизларда аканф барглари орасида ярим белигача тасвирланган ва муסיқа асбоби чалаётган созандалар тасвирланган.

Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалиши бевосита ҳайкалтарошликда ҳам ифодаланган. Будда ва бошқа диний персонажларнинг ҳайкаллари ибодатхоналарнинг олди ва ичкари қисмидан ўз ўрнини эгаллади. Бу ҳайкалларнинг ишланиш принциплари Ҳиндистонда яратилган канонларга асосланган.

Далварзинтепа ва Қоратепадаги (Сурхондарё) буддизм ибодатхоналаридан топилган ганч ҳайкаллар ҳам юқорида кўрилган хусусиятларга эга. Бу ҳайкаллар натурал катталиқда ишланган ва реал характерга эгадир. Ҳайкалтарош маҳаллий типларнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Қоратепада олиб борилган археологик ишлар буддизм билан боғлиқ меъморлик комплексининг очилишини таъминлади. Очилган ғор ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган ҳайкал ва деворий суратлар диққатга сазовордир.

VI-VIII асрлар халқ санъати, маданият тарихида кўтарилиш даври бўлди. Бу асрларда кўплаб йирик монументал иншоотлар, ҳашаматли бинолар қурилди. Варахша (Бухоро вил.), Афросиёб (Самарқанд вил.), Болаликтепа, Панжикентдаги сарой қолдиқлари, уларнинг деворларига ишланган суратлар, яратилган ҳайкаллар юксак маҳорат билан ишланганлиги ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади.

Юртимизга араблар билан ислом динининг кириб келиши санъат тараққиётида ўзига хос даврни бошлаб берди. Бу даврда тавирий санъат асосан китобот санъати билан боғлиқ ҳолда кенг тараққий этди. Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал Фаробий яшаган календарлар бизга жуда кўп нодир ёдгорликлар қолдирди. Бу асрларда меъморчилик етакчи ўринни эгаллади. Шу даврнинг ёдгорликларидан бири бўлган Сомонийлар мақбараси ўз даврининг эстетик фалсафий қарашларини мужассамлаштирган. Бухорода қад кўтарган Минораи Калон, Вобкент ва Жарқўрғон миноралари ва кўпгина бошқа обидалар юртимизда бу даврда ўзига хос меъморчилик ривож топганидан дарак беради.

Мўғуллар босқини муносабати билан XIII асрда санъат ҳам инқирозга учради. Бу даврдан бизга жуда кам ёдгорликлар етиб келган. Булар қаторига Хоразмдаги Тўрабекхоним мақбараси, Нажмиддин Кубро мақбараси ва Қўхна Урганчдаги минораларни, Бухородаги Сайфиддин Боҳарзий, Баёнқулихон

мақбараларини киритиш мумкин.

Санъат тарихининг энг катта ва ўзига хос тараққий этган даври Темурийлар даври ҳисобланади. Темур ва Темурийлар даврида яратилган Бибиҳоним жомеъ масжиди, Гўри Амир, Оксарой, Аҳмад Яссавий мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Шоҳи-Зинда ансамбли - буларнинг ҳамаси халқ бадий меросининг ёрқин саҳифасини ташкил этибгина қолмай, балки жаҳон тасвирий санъати тарихи саҳифаларида ўзининг фахрли ўрнини эгаллайди. Бу даврда миниатюра санъати борасида ҳам сезиларли жонланиш бўлди. Самарқанд, Ҳирот, Табриз, Исфаҳон, Бухоро, Ҳиндистон миниатюра мактаблари шаклланди. Шу даврда яшаб ижод этган Устод Гунг, устод Жаҳонгир, Аҳмад Боғишамолий, Пир Саид Аҳмад, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Мирак Наққош ва бошқа мусаввирлар миниатюра санъатининг нодир намуналарини яратиб қолдирдилар. Булар орасида айниқса, К.Бехзоднинг фаолияти (1466-1535 йй.) диққатга сазовордир. У Ҳиротда туғилиб, кейинчалик Ҳусайн Байқаро кутубхонасида ишлаган. 1507 йил Хуросон Шайбонийхон қўлига ўтгач, Бухорога кўчиб келган ва шу ерда (1522 й) яшаб ижод қилган ва ўзининг машхур Шайбонийхон портретини яратган. Бундан ташқари у бир нечта машхур инсонларнинг портретини ишлайди, шоирлар асарларига ажойиб, нафис иллюстрациялар яратади. Буюк А.Навоийнинг ғамхўрлигида камол топган Бехзод Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Низомийнинг «Ҳамса», Хисрав Дехлавийнинг «Ҳамса», Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларига кўплаб суратлар чизган. У Ўрта Осиё миниатюра мактабининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг ижодий режаларини кейинчалик унинг шогирдлари давом эттирдилар. Булар Мулла Юсуф, Қосим Али ва бошқалардир.

XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида санъат тараққиёти барқарор бўлган, аммо бирон муҳим ва ёрқин ютуқ ҳам кўзга ташланмаган. Вужудга келган давлатлар: Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида санъат олдинги даврлардаги каби юксакликка кўтарилмаган. Уларнинг ўзаро айрилиб қолиши бадий жараёнларнинг ривожига тўсиқ бўлган.

Шунга қарамадан бу даврда яратилган яратилган меъморчилик обидалари, декоратив-амалий санъат буюмлари халқнинг гўзалликка бўлган интилишидан далолат беради. Бухородаги Чор Минор, Самарқанддаги Шердор, Тиллакори мадрасалари, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Хивада Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли каби меъморий иншоотлар бу даврнинг муҳим ёдгорликларидан саналади.

2-асосий савол: XIX -XX аср Ўрта Осиё халқлари санъати.

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Ушбу даврда ўрта Осиё халқлари санъатида юз берган ўзгаришлар ва уларнинг моҳиятини кўрсатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Чор Россияси босқинининг санъат тараққиётига таъсирини баҳолайди.
2. Санъат тараққиётида юз берган ўзгаришлар моҳиятини шарҳлайди.
3. Мустақиллик даври санъатининг мазмун, моҳиятини таҳлил қилади.

1-саволнинг баёни:

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi санъатда ҳам ўз ифодасини топди. Буни декоратив амалий санъат асарларидаги композицияларда, уларнинг сюжет ва мотивларида, реал ҳаётнинг тасвирланишида, воқеъликни усталар томонидан реал тасвирлашга интилишларида кўриш мумкин. Бундай ўзгаришлар рус ва ўзбек меъморчилик санъати анъаналарининг бир-бирига яқинлашиши ва қўшилиши натижасида пайдо бўлган янги услубларда ҳам намоён бўла бошлади. Бу жиҳатдан Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи бўлган Ситораи Моҳи Хоса эътиборга лойиқ. Қурилишга уста Хўжа Хофиз бошчилик қилган, саройнинг “Оқ зали” безаклари халқ устаси Уста Ширин Муродов раҳбарлигида бажарилган.

Бу даврда реалистик дастгоҳ санъати майдонга келди. Буни биринчи бўлиб, XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёга кела бошлаган рус бадий мактабининг талабалари бошлаб бердилар. Бу борада рус рассомлари В.Верещагин, А.Каразин, И.Казаков, С.П.Юдин, Р.Зоммерларнинг алоҳида ўрни бор. Бу даврда ижод қилган маҳаллий мусаввирлардан Аҳмад Донишни (“Мажнун саҳрода”, “Мусаввир ва шоир”) келтириш мумкин.

1886 йилги кўрғазмада тошкентлик Тўхта-Содиқ Хўжаевнинг алебастрдан ясаган от ва кийик ҳайкалчаларининг қўйилиши, 1915 йил босмадан чиққан С.Сиддиқийнинг “Гўрўғли” эпик поэмасига ишланган график иллюстрацияларининг юзага келиши давр тақозоси эди. Санъатни тарғиб этиш, кўрғазмалар уюштириш, музейларни миллийлаштириш каби ишлар амалга оширилди. 1918-20 йилларда Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бадий мактаблар очилди. Уларга кўплаб маҳаллий ёшлар жалб этилди. Бунда рус ва бошқа миллий рассомлар фаол иштирок этди. Шу билан бирга ўзбек халқ санъатини ўрганиш орқали рассомлар ҳақиқий миллий санъат намунасини яратишга, ўз асарларида даврнинг муҳим воқеаларини акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Шундай рассомлардан бири О.К.Татевосян бўлди. Рассом 1915 йил биринчи бор Ўзбекистонга келди. Унинг сержило табиати, бой меъморчилик ёдгорликлари ёш рассомни ўзига маҳлиё этди. Ўзбекистонда ўз ижодий изланишлари учун катта имкониятлар борлигини ҳис қилган рассом ўқишни битиргач, бутунлай Ўзбекистонга кўчиб келди ва ўзининг сермахсул ижодини бошлади, ёш рассомларга мураббийлик қилди. Юртимизнинг гавжум кўчалари, ноз-неъматга бой бозорлари, чойхоналари рассомнинг кўпгина асарларининг мазмунини ташкил этди, у халқ миллий санъат намуналарини ўрганди.

Ўша йиллари Ўзбекистонда бир қатор истеъдодли рассомлар яшаб ижод қилганлар. Булар ичида Фарғонада туғилиб ўсган Александр Волковнинг асарлари жуда ранг-баранг ва фалсафий мазмунга бой. Воронеждан келган ва

бутун умр Тошкентда яшаб ижод қилган Усто Мўмин (Николаев) бир қатор ажойиб нафис, лирик, шоирона асарлар яратди. Давр кайфияти, кишиларнинг ҳаётга бўлган юксак муносабати унинг асарларида ўзининг ҳақиқий поэтик ифодасини топди. Унинг шундай асарлари ичида “Баҳор”, “Беданабоз”, “Дўстлик», «Муҳаббат”, “Куёв”, “Чойхоначи” кабилардир.

Ўзбекистонда самарали меҳнат қилган рус рассомларидан бири Павел Петрович Беньков эди. У ўзбек санъатининг ривожланишига, миллий кадрлар етишиб чиқишига катта ҳисса қўшди. У Бухоро, Хива, Самарқанд ҳақида жуда кўп полотнолар ишлаган. Булар асосан ярим манзара ва ярим маиший жанрда бўлиб, уларда рассом кундалик халқ турмушини қадимги нодир меъморчилик фонида усталик билан тасвирлайди. Ажойиб аёллар образини ҳам яратади. “Дугоналар”, “Дуторчи қиз” деб номланган асарлар дўстлик мавзусида яратган йирик асарларидир.

20-30-йиллардан бошлаб миллий рассомлар сафи кенгая борди. Улар ўзларининг дастлабки асарлари билан республика бадий кўрғазмаларида иштирок этиб, бадий ҳаётни янада жонлантирдилар. Бу йилларга келиб санъат мавзуси кенгайди. Дўстлик, тинчлик, меҳнат гўзаллигини куйловчи асарлар яратилди. Истеъдодли ёш рассом Баҳром Ҳамдамийнинг “Иш тугади” деб номланган картинаси, Лутфулла Абдуллаевнинг “Ёш шоир уйидаги учрашув” деб номланган асарлари ана шу мавзуларга бағишланган.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбек рассомлари учун катта синов бўлди. Улар ғоявий жиҳатдан чиникдилар. Улар фронт ғалабаси учун рағбатлантира оладиган асарлар яратишга ҳаракат қилдилар. Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган Москва, Ленинград, Киев, Ҳарьков бадий институтлари, улар билан бирга келган етук санъаткорлар - Д.Моор, В.Фаворский ва бошқалар республика бадий ҳаётини жонлантиришга кўмаклашдилар. Уруш тугагач, тинчлик йиллари ўзбек санъати ҳам ўз ривожланишида янги босқичга қадам қўйди. Инсон гўзаллиги, табиат улғуворлиги рассомларимиз полотносида ўз ифодасини топа бошлади. Бу А.Абдуллаевнинг А.Ҳидоятонинг Отелло ролидаги портрети, Л.Абдуллаевнинг “Қаҳрамонни кутиб олиш”, манзарачи рассом Ў.Тансиқбоевнинг (1904-1974 йй) “Қайроққум ГЭСида тонг”, “Тоғда баҳор”, “Ўзбекистонда март”, Р.Аҳмедовнинг “Оналик ўйлари”, Р.Тимуровнинг “Самарқанд”, Ю.Елизаровнинг “Ўзбекистон санъаткорлар гуруҳи портрети”, Н.Карахоннинг “Олтин куз”, М.Саидовнинг “Хирмонда”, Ч.Аҳмаровнинг деворий расмлари ва бошқалар ўзбек санъати тарихида ўзларининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Республикамиз рассомлари бу даврдан бошлаб, барча кўрғазмаларда фаол иштирок этиб, санъатимиз таъсирчанлигини ортиб бораётганини намоиш этдилар. 60-70 йилдан бошлаб, ўзбек санъати янги поғонага қадам қўйди. Бу даврда фақат кекса рассомлар ижодидагина эмас, балки ёшлар ижодида ҳам янги ифода воситаларини излаш, асарларини талқин этишда унинг эмоционал томонига эътибор бериш кучайганлиги яққол кўзга ташланди. Буни Б.Бобоев ва Р.Чориевларнинг картиналарида,

Т.Мухаммедовнинг карикатураларида, Ф.Гришченконинг, Х.Хусниддинхўжаевнинг ҳайкалларида кўриш мумкин.

Ватанимиз ажойиб истеъдодли рассом ва ҳайкалтарошларни етказиб берди. Булар ичида Искандар Икромов, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Маннон Саидов, Дамир Рўзибоев, Илҳом Жабборов, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Неъмат Ҳакимов, Осимхон Восихонов, Темур Саъдуллаев, Ғофур Абдурахмоновлар алоҳида мавқега эга. Уларнинг айримлари ижодига тўхталиб ўтамиз.

Чингиз Аҳмаров (1912-1995 йй) нинг номи Ўзбекистон тасвирий санъатида ҳақли равишда фахрли ўринлардан бирини эгаллайди. Тошкентдаги А.Навоий номли опера ва балет театри фойеси, А.Навоий номли Адабиёт музейининг айрим заллари, Беруний номидаги Шарқшунослик институти биноси вестибюлининг ички қисмига, Тошкен метросининг А.Навоий бекатига ишланган деворий суратлар унинг маҳобатли рангтасвир устаси сифатида истеъдодини намоён қилади. Шунингдек Ч.Аҳмаров портрет жанрида ҳам ижод қилган. Раққоса М.Турғунбоева, рассом Р.Темуров, шоира Зулфия, актёр А.Ҳидоятлов портретлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги Малик Набиев (1916-2008 йй) ўз фаолияти давомида тарихий шахслар портретларини яратишга, тарихий воқеаларни тасвирлашга ҳаракат интилди. У яратган беназир асарлар ичида Амир Темур, Беруний, Бобур, Ибн Сино, Жомий ва Навоий, Ал-Хоразмий каби йирик шахсларнинг портретлари ўрин олган.

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев рангтасвир устаси халқимиз анъаналарига, бой ва сермазмун ўтмиш тасвирий санъат меросига ҳурмат билан қарайди. Рассом она-табиат бағрида ўзбекона анъаналарни, тўйларни, беғубор ўзбек болаларини, лобар қизларни, муштипар оналар каби образларни акс эттира олишга муваффақ бўлди. Жумладан, “Тошкент - тинчлик ва дўстлик шаҳри” триптихи, “Бола хонада”, “Интизорлик”, “Ёш оила ҳақида кўшик” каби ўнлаб асарлар мойбўёқда яратилган.

Баҳодир Жалолов ҳам Ўзбекистон халқ рассоми бўлиб, замонавий рангтасвир санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг “Гул ва Райҳон афсонаси”, “Нидо”, “Бахт куши”, “Абадий ва навқирон Ҳиндистон”, “XXI аср Мадоннаси” каби кўплаб асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мустақил Ўзбекистон тарихига бағишланган Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деворига ишланган монументал кўринишдаги сурат жиддий ва мазмунли тарихий далиллар орқали салобатли тасвирланиши билан ҳар қандай томошабин эътиборини ўзига жалб қила олади.

Ҳайкалтарошлик санъатининг ўлкамиз ҳудудидаги замонавий жиҳатларини ижодкор Дамир Рўзибоев фаолиятида яққол қуриш мумкин. Дастлаб рангтасвир ва графика санъати билан шуғулланган Д.Рўзибоев ҳайкатарошлик оламига асоан 60 йилларда кириб келди. Унинг бир қанча ҳайкалларида халқимизнинг маданий ҳаёти ва зиёлилар қиёфасини акс

эттирган асарларига дуч келамиз. Санъатшунос олим Р.Тоғташ образи, рассом В.Савицкий ва Саида портретларида замондошларимиз образлари тўлақонли ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллий санъат тараққиётига катта имкониятлар эшигини очиб берди. Бу даврда санъатнинг турли-туман жанрларида ижодкорларнинг эркин ижодий фаолияти кенг тус олди.

Ўзбек халқи меъморчилиги моҳият эътибори жиҳатидан буюк бунёдкорлик санъатидир. Мустақиллик йилларида меъморчилик санъати янада ривожланиб, такомиллашиб бормокда. Меъморчиликда икки асосий тамойил кўзга ташланади. Улардан бири шарқона меъморчиликнинг анъанавий қонун-қоидаларига риоя этишдир. Бу тамойил Темурийлар тарихи давлат музейи, Туркистон саройи, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолари тимсолида ўз аксини топгандир.

Меъморчиликдаги иккинчи тамойил эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш сари интилишини намойиш этувчи жаҳон меъморчилигининг энг яхши ютуқларидан фойдаланишда намоён бўлмокда. Бундай бинолар жумласига «Меридиан», «Афросиёб» (Самарқанд), «Бухоро», «Интерконтиненталь», «Шератон» меҳмонхоналари, «Ўзэкспомарказ», Миллий банк, Марказий банк, «Тошкентплаза» савдо маркази, Республика биржа маркази, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа биноларни киритиш мумкин.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги тарихий биноларни тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилмокда. Бунга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида қайта тикланган ўнлаб бинолар, обидалар мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида ҳайкалтарошлик санъати жадал ўсди. Ҳайкалтарош И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан Тошкентда Амир Темурнинг отлиқ ҳайкали, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари, Фарғона ва Қувада ал-Фарғоний (1998 й.), Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ҳайкаллари (1999 й.) яратилди. Ҳайкалтарош Р.Мирбошиев ижодига мансуб “З.М.Бобур” (1993 й., Андижон), “Абдулла Қодирий” (1994 й., Тошкент), “Чўлпон” (1997 й., Андижон), “Она” (1999 й., Жиззах) каби бир қатор ҳайкал ва ёдгорликлар яратилди. 1999 йилда Термизда Алпомиш ҳайкали ва мажмуа-композицияси (А.Раҳматуллаев ва бошқалар) бунёд этилди.

Мустақиллик йилларида бадий кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, безакчилик каби амалий санъат турлари тикланди ва янги маъно-мазмун билан ривожланиб бормокда. Мустақиллик шарофати билан дизайн санъати ҳам жадал ривожланмокда.

Тасвирий санъат ривожиди 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси ва «Тасвирий ойна» республика ижодий уюшмаси муҳим роль ўйнади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек санъатининг тараққиётидаги асосий босқичларни айтиб беринг.
2. Ўзбекистон ибтидоий санъатининг ўзига хос жиҳати ва аҳамияти нимада?
3. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек санъатида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
 1. Замонавий Ўзбекистон санъати тараққиётига баҳо беринг.
 2. Замонавий Ўзбекистон рассомлари ижодида қандай мавзулар етакчи ўринни эгаллайди?

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2/1. – Т.: Ўқитувчи, 1987.
2. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар.- Т.: Ўқитувчи, 1997.
3. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. – Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2009.
4. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрда Ўрта Осиё санъати (тасвирий ва амалий санъат). – Т.; 1995.
5. Ҳакимов А. Ўзбекистон давлатчилимгининг шаклланишида маданият ва санъатнинг роли // Мозийдан садо. – Т., № 3-4 (19-20), 2003. 2-19 бетлар

VII. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ:

1-мавзу: Ибтидоий давр санъати ва унинг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари

Кўриладиган саволлар:

1. Палеолит ва мезолит даври санъатининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Неолит, энеолит, бронза даври санъати.
3. Темир даврида санъат тараққиёти.

Дарс мақсади: Ибтидоий давр санъатининг келиб чиқиш омиллари, ривожланиш заминларини кўриб чиқиш, унинг кишилиқ жамияти тараққиётида тутган ўрнига баҳо бериш, ибтидоий даврнинг турли

босқичларида санъат тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини санъат намуналари асосида қиёсий таҳлил қилиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: Ибтидоий даврда санъатнинг вужудга келиши ва тараққий этиши омиллари, заминларини таҳлил этиш. Ўрта Осиёда ибтидоий давр санъатининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш.

2-асосий савол бўйича: Неолит, энеолит ва бронза даври санъатининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш, ушбу даврларда ривож топган санъат турлари ҳақида маълумот бериш.

3-асосий савол бўйича: Темир даврига келиб санъат тараққиётида рўй берган ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини очиб бериш.

Адабиётлар :

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. -Т.: Ўқитувчи, 1986. 7-19 бетлар
2. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. - М., Искусство, 1987. 7-16 бетлар
3. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – М.: Из-во политической литературы, 1986. 30-40 бетлар
4. Еремеев А.Ф. Происхождение искусства. - М., 1970. 5-23 бетлар
5. Древние цивилизации. / Под. Ред. Г.М.Бонгард-Левина. – М.: Мысль, 1989. 12-35 бетлар
6. www.ssga.ru. , www.mirart.info.

2-мавзу: Қадимги Шарқ санъатининг инсоният цивилизацияси ривождаги ўрни Кўриладиган саволлар:

1. Қадимги Миср санъати ва унинг инсоният тараққиётида тутган ўрни.
2. Икки дарё оралиғи халқлари санъати.
3. Эрон аҳамонийлари санъатининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Қадимги Ҳинд ва Хитой санъати.

Дарсинг мақсади: Воқелик, кишилар ва тушунчаларни фантастик образларда, рамзий ва шартли белгиларда тантанали ва улғувор қилиб ифодалашга интилган Шарқ санъатининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш, турли Шарқ мамлакатлари санъатининг энг ёрқин намуналари билан танишиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: Қадимги Мисрда диний эътиқод ва санъат ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратиш, Мисрда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатнинг тараққиётига баҳо бериш.

2-асосий савол бўйича: Икки дарё оралиғи халқлари ва мамлакатлари санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва ўхшаш томонларини таҳлил қилиш.

3-асосий савол бўйича: Эроннинг Яқин Шарқ халқлари санъати ва маданиятидаги тарихий ўрнини манбалар асосида кўрсатиб бериш.

4-асосий савол бўйича: Қадимги ҳинд ва хитой санъатининг ўзига хос жиҳатларига баҳо бериш, бу мамлакатларга хос санъат ёдгорликлари билан танишиш.

Адабиётлар :

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. - Т.: Ўқитувчи, 1986. 20-63 бетлар
2. Всеобщая история искусств. Том-2. - М.: Искусство, 1958. 34-47 бетлар
3. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. - М., Искусство, 1987. 24-51 бетлар
4. В.И. Авдиев. История древнего Востока. - М.: Высшая школа, 1970.83-110, 225-260, 388-392, 717-420, 500-504, 545-550, 591-596 бетлар
5. Гольдштейн А.Ф. Зодчество. - М.: Просвещение, 1979. 8-96 бетлар
6. Древние цивилизации. / Под. Ред. Г.М.Бонгард-Левина. – М.: Мысль, 1989. 37-70, 89-118, 135-164, 219-240, 251-280 бетлар
7. [www.artlib.ru.](http://www.artlib.ru), [http://www.middleeast.narod.ru.](http://www.middleeast.narod.ru)

3-мавзу: Қадимги Греция санъати

Кўриладиган саволлар:

1. Қадимги Юнонистон санъатининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Крит-Микен ва Гомер даври санъати.
3. Архаика даври ва юнон классикаси.
4. Эллинизм даври санъати ва унинг аҳамияти

Дарснинг мақсади: Талабаларнинг маърузада олган маълумотлари асосида қадимги юнон санъатининг жаҳон санъати тараққиётидаги ўрни ва ролини баҳолашларига, унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишларига кўмаклашиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: Қадимги юнон санъатининг тарихий ривожланиш босқичлари, уларнинг даврий чегаралари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш. Қадимги юнон санъатининг асосий мавзулари, тасвир ва ифода воситаларини таҳлил қилиш. Юнон санъатининг ривожланишида афсоналарнинг аҳамиятига баҳо бериш.

2-асосий савол бўйича: Крит – Микен ва Гомер даврида санъатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

3-асосий савол бўйича: Архаик ва классик даврда санъатда реалистик изланишларнинг мураккаблашиб бориш жараёнини кўрсатиш.

4-асосий савол бўйича: Эллинизм даври санъатининг классик давр санъатидан фарқловчи хусусиятларни таҳлил этиш, бу даврда яратилган санъат намуналарини ўрганиш.

Адабиётлар :

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. - Т.: Ўқитувчи, 1986. 64-95 бетлар
2. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. М., Искусство, 1987. 53-97 бетлар
3. Античная цивилизация. - М.: Наука. 1973. 7-138 бетлар
4. Куманецкий К. История культуры Древней Греции и Рима. - М.: Высшая школа. 1990. 8-172 бетлар
5. Гольдштейн А.Ф. Зодчество. - М.: Просвещение. 1979. 100-114 бетлар
6. Дмитриева Н.А, Акимова Л.И. Античное искусство. М., Детское литература, 1988. 9-114 бетлар
7. Кун Н.А. Легенды и мифы Древней Греции. – Т.: Ёш гвардия. 1986.
8. www.hellados.ru, www.anc-greece.narod.ru, www.mify.org,
www.greecancient.ru, www.ellada.spb.ru, www.antica.lt.

4-мавзу: Қадимги Рим санъати Кўриладиган саволлар:

1. Этрусклар санъати.
2. Рим республикаси даври санъати.
3. Империя даври санъатининг тараққиёти.

Дарсинг мақсади: Қадимги Рим маданиятининг тараққий этиш омилларини, ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, Италия санъатидаги даврий босқичларга таъриф бериш, ҳар бир даврда санъатининг ривожигаги юксалиш ва тушкунлик сабабларини очиб бериш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: «Денгиз халқлари» деб ном олган этрускларнинг меъморчилик, амалий – декоратив санъат, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик соҳаларида қўлга киритган ютуқлари ва уларнинг кейинчалик бутун Италия санъати тараққиётида тутган ўрнига баҳо бериш.

2-асосий савол бўйича: Қадимги Рим давлатчилигининг санъат ривожигаги ўрнига баҳо бериш ва санъат тараққиётидаги босқичларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш. Рим ҳайкалтарошлиги ривожига юнон меъморчилигининг ўрнини кўрсатиш

3-асосий савол бўйича: Империя даврида Римнинг қудрати тимсоли бўлган меъморчиликнинг тараққий этиш жараёнини кузатиш, унинг энг ёрқин намуналари билан танишиш. Империя даври санъатининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 96-107 бетлар
2. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. – М., 1987. 97-108 бетлар
3. Античная цивилизация. – М.: Наука. 1973. 141-269 бетлар
4. Куманецкий К. История культуры Древней Греции и Рима. – М.: Высшая школа, 1990. 174-329 бетлар
5. Древние цивилизации. / Под. Ред. Г.М.Бонгард-Левина. – М.: Мысль, 1989

6. Дмитриева Н.А, Акимова Л.И. Античное искусство. – М., Детское литература. 1988.
7. Дмитриева Н.А, Акимова Л.И. Античное искусство. – М., Детское литература. 1988. 118—255 бетлар
8. Гольдштейн А.Ф. Зодчество. - М.: Просвещение.1979. 114-124 бетлар.
9. www.arthistory.ru., www.architecture.artyx.ru

5-мавзу: Ўрта асрлар Европа санъати

Кўриладиган саволлар:

1. Ўрта асрларда Византия санъатининг ривожиди.
2. Ўрта аср Шарқий Европа санъати
3. Ўрта аср Ғарбий Европа санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Дарсининг мақсади: Ўрта асрлар санъатининг мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиш. Ўрта асрлар санъатининг ривожиди диннинг тутган ўрнига баҳо бериш. Бу даврда юзага келган услублар ҳақида маълумот бериш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

- 1-асосий савол бўйича: Византия санъати мисолида ушбу давр санъатининг муҳим хусусиятларини очиқ бериш. Христиан дини ва унинг санъат тарақиётига таъсирини таҳлил қилиш.
- 2-асосий савол бўйича: Византия санъатининг Шарқий Европа санъатига таъсирини кўрсатиш.
- 3-асосий савол бўйича: Ўрта аср Ғарбий Европа санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш. “Варварлар” қироллиги ва франклар империяси санъатига баҳо бериш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. – Т.: Ўқитувчи.1986. 110-138 бетлар
2. Дмитриева Н.А . Краткая история искусств. – М.: Исскуство. 1987. 109-214 бетлар
3. История культуры стран Западной Европы в эпоху Возрождения. /Под. ред. Брагиной Л.М. – М.: Высшая школа, 1999.
4. Данилова И.Е. Искусство средних веков и Возрождения. – М. 1984.
5. А.Ф.Гольдштейн. Зодчество. – М.: Просвещение.1979. 124-155 бетлар
6. www.mirizo.ru., www.master.parnas.ru.

6-мавзу: Европа уйғониш даври санъати

Кўриладиган саволлар:

1. Ғарбий ва Марказий Европада ренессанс даври ва унинг босқичлари. Илк ва юқори уйғониш даври санъатларининг ўзаро фарқли жиҳатлари.
2. Италия уйғониш даври: Флоренция. Рим. Венеция.
3. Голландия санъати.
4. Германия уйғониш даври санъати

Дарсинг мақсади: Уйғониш даврининг даврлаштирилиши масаласини кўриб чиқиш. Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий омилларини, ушбу давр маданиятининг энг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш. Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврини таққослаш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: «Ренессанс» тушунчаси ва унинг фандаги моҳиятига баҳо бериш. Европа уйғониш даври босқичлари ва уларнинг фарқли жиҳатларини таҳлил этиш.

2-асосий савол бўйича: Италия уйғониш даврининг энг ёрқин намоёндалари ижоди орқали ушбу давр санъатининг муҳим хусусиятларини очиб бериш.

3-асосий савол бўйича: Голландия уйғониш даври санъатининг тараққиёти билан танишиш, Голландия реализми ҳақида маълумот бериш.

4-асосий савол бўйича: Уйғониш даврида Германия санъатида содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш, машҳур санъат намоёндаларининг ижодига баҳо бериш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1. – Т.: Ўқитувчи. 1986. 207-252 бетлар
2. Дмитриева Н.А. Краткая история искусств. – М.: Искусство. 1987. 217-311 бетлар
3. История культуры стран Западной Европы в эпоху Возрождения. /Под. ред. Брагиной Л.М. – М.: Высшая школа.1999.
4. Данилова И.Е. Искусство средних веков и Возрождения. – М. 1984.
5. А.Ф.Гольдштейн. Зодчество. – М.: Просвещение.1979. 170-191 бетлар
6. www.artprojekt.ru., www.hermitagemuseum.org

7-мавзу: XVII – XVIII аср Европа санъати

Кўриладиган саволлар:

1. XVI – XX асрлар Европа санъати ва маданиятининг умумий характери.
2. Санъатда аниқ ифодаланган миллий мактабларнинг пайдо бўлиши.
3. Барокко, классицизм, реалистик санъат оқимлари

Дарсинг мақсади: Ушбу давр Европа санъати ва маданиятининг умумий характерини очиб бериш, турли бадий оқимларнинг вужудга келиши ва ўзаро кураши тарихини таҳлил қилиш орқали ушбу давр маданият муҳитини ёритиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: XVI – XVIII асрларда Европадаги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва унинг санъат ривожига таъсири масалаларини ёритиш

2-асосий савол бўйича: Миллий санъатнинг ривожланиш масалаларини ёритиш. Европа мамлакатлари: Испания, Франция, Германия, Австрия, Россия ва Англия санъатининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш.

3-асосий савол бўйича: Санъатда турли оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлиши омилларни ёритиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларига баҳо бериш. Ушбу даврда ижод қилган шахслар фаолиятини ўрганиш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том 2.1. – Т.: Ўқитувчи. 1987. 5-76 бетлар.
4. Искусство Запада. – М.: Наука. 1971.
3. Искусство. – М.: “Просвещение” 1988. Ч.2.
5. А.Ф.Гольдштейн. Зодчество. – М.: Просвещение.1979. 192-200 бетлар.
6. www.wikipedia.org, www.artyx.ru

8-мавзу: XIX- XX аср санъати

Кўриладиган саволлар:

1. XIX- XX асрда санъатда содир бўлган ўзгаришлар.
2. Бу даврда мавжуд бадиий оқимлар ва уларнинг эстетик позициялари.
3. Замонавий воқеликдан олинган мавзуларда асарлар яратишга интилишнинг кучайиши.

Дарсинг мақсади: Талабаларнинг XIX- XX аср санъати ҳақида ўзлаштирган билимларини текшириш, уларнинг янги давр санъатининг долзарб муаммолари ҳақидаги фикрларини аниқлаш. Санъатда глобаллашув ва миллий ўзига хослик масалаларини ёритиш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: XIX- XX асрда санъатда содир бўлган ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш.

2-асосий савол бўйича: Импрессионизм, символизм, акмеизм, модернизм, авангардизм, классицизм, романтизм каби оқимларнинг санъат ривожига тутган ўрнига баҳо бериш, уларнинг эстетик позициялари ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш.

3-асосий савол бўйича: Ушбу даврда яратилган асарларни таҳлил қилиш ва уларда ўз аксини топган ижтимоий муаммоларга баҳо бериш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. Том 2.1. – Т.: Ўқитувчи. 1987. 77-164 бетлар.
2. XX аср авангарди. Китоб – альбом. /А.Ҳакимов илмий таҳрири остида. – Т., 2003.
3. Л.Е.Кертман. История культуры стран Европы и Америки. 1870-1917. – М.: Высшая школа. 1987.
4. Новая история. Второй период. /Под.ред. Е.Е.Юровской и И.М.Кривогуза. – М: Высшая школа. 1998. 382-400 бет.
5. Кочик О. Импрессионизм // Западноевропейское искусство второй половины XIX в. – М., 1975.

6. www.impressionism.ru., www.artmuseum

9-мавзу: Ўрта Осиё халқлари санъати

Кўриладиган саволлар:

1. Ўрта Осиё санъатининг тараққиёт босқичлари
2. Ўрта Осиёда ибтидоий санъатнинг юзага келиши ва тараққий этиши
3. Антик даврларда Ўрта Осиё санъати
4. Ўрта асрларда санъат тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари.
5. XIX-XX асрлар санъатининг ривожда ўзига хос хусусиятлар
6. Ўзбек санъатининг замонавий тараққиёти

Дарснинг мақсади: Ўрта Осиё санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида талабаларга кенг маълумат бериш орқали уларнинг мамлакатимизнинг қадимги ҳаёти тўғрисида билимларини кенгайтириш.

Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:

1-асосий савол бўйича: Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиётининг босқичларини давлатчилик босқичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш

2-асосий савол бўйича: Ўрта Осиёда ибтидоий санъат тараққиёти ва унинг мазмунини ўрганиш.

3-асосий савол бўйича: Антик давр ижтимоий-иқтисодий муҳитининг санъатга таъсирига баҳо бериш.

4-асосий савол бўйича: Ўзбек санъатининг ўрта асрлардаги ҳолати, вазибалари ва муаммоларини таҳлил қилиш. Миллий санъат тараққиётига баҳо бериш.

5-асосий савол бўйича: XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрлар миллий санъат тараққиётдаги муаммолар сабабаларини очиқ бериш. Сиёсий, ижтимоий – иқтисодий муҳитнинг санъатга таъсирини таҳлил қилиш.

6-асосий савол бўйича: Мустахлак, шўролар даври санъати ва мустақиллик даври санъати тараққиётини ўзаро таққослаш орқали санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнига баҳо бериш. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ривожланиш муаммолари ечимда санъатнинг ўрнини кўрсатиш.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. Том 2.1. – Т.: Ўқитувчи. 1987. 165-173 бетлар.
2. Пугаченкова Г.А.Очерки искусства Средней Азии. – М.: Искусство, 1982.
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана – М., 1985.
4. Из истории живописи Средней Азии. Традиции и новаторство. – Т., 1984.
5. Г.А.Пугаченкова. Среднеазиатские миниатюры. – Т.: Шарқ, 1994.
6. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
7. Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари. – Т.: Ғ. Ғулом номли адабиёти ва санъат нашриёти, 1987.

8. www.artuzb.narod.ru., www.architecture.uz., www.sahnat.orexca.com.,
www.artmuseum.uz.

VIII. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ.

1-ТМИ: “Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври санъати” мавзусида тезис тайёрлаш.

Талабалар ушбу мустақил ишни бажаришда қиёсий таққосаш усулидан фойланиб, Шарқ ва Европа Уйғониш даврларини таҳлил қилишлари лозим. Бунда Шарқ ва Европа Уйғонишини таъминлаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар, бу даврларнинг ўзига хос ва фарқли хусусиятлари, мутафаккирлари, ўзаро таъсири ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Чиқарилган хулосалар тезис шаклида баён этилади.

2-ТМИ: Таклиф этилган мавзу юзасидан тақдимот тайёрлаш ва уни ўтказиш.

Талабалар танланган мавзу юзасидан таклиф этилган Интернет сайтларидан зарур маълумотларни йиғишлари, уларни таҳлил қилишлари, тўпланган материаллар асосида «Power Point» дастурида тақдимот тайёрлашлари керак. Бунда талабаларнинг ўзларининг мустақил, ижодий фикрлари баён этилиши лозим.

3-ТМИ: Танланган календар тизими ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.

Талабалар ўзлари танлаган ка ҳақида қуйидаги маълумотларни тўплашлари ва шу асосда ижодий иш тайёрлашлари зарур: санъат асарининг яратилган даври, асар муаллифи, асар мавзусида акс этган ғоя ва унинг ўз даври хусусиятлари ҳақида берадиган маълумоти.

4-ТМИ: Танланган санъат намояндаси ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.

Талабалар ўзлари танлаган санъат намояндасининг ҳаёти ва ижодини қуйидаги талаблар асосида таҳлил қилиши лозим: ижодкор яшаган давр, унинг биографияси, ижодкор мансуб бўлган оқим, унинг ижодида етакчилик қилган мавзулар, яратган асарлари.

5-ТМИ: Танланган услуб, жанр ва оқим ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.

Талабалар танланган жанр, услуб ёки оқим ҳақида қуйидаги маълумотларни тўплашлари керак: йўнлишнинг юзага келган даври, мазмун ва моҳияти, ўзида акс эттирган муаммолари, ушбу йўналишда ижод қилган санъат намояндалари.

6-ТМИ: Танланган меъморчилик ёдгорлиги ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.

Талабалар ўзлари танлаган меъморчилик обидаси ҳақида маълумот тўплашда қуйидаги жиҳатларга аҳамият беришлари лозим: яратилган даври, меъмори, яратилиш услуби, ёдгорликнинг тавсифи, бугунги кундаги ҳолати. Талабалар ўзлари тўплаган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ижодий иш тайёрлашлари керак.

IX. ФАН БЎЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Тарихий хронология фанининг предмети ва вазифалари
2. Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти
3. Тарихий хронология фанига ҳисса қўшган олимлар
4. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожига қўшган ҳиссаси
5. Абу Райҳон Берунийнинг хронология фани ривожига қўшган ҳиссаси
6. Абу Райҳон Берунийнинг «Осор-ул боқиа» асари ва унинг хронология фанида тутган ўрни
7. Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асари
8. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотут турк» асарида мучал календари ҳақидаги маълумотлар
9. Ж.Скалегернинг хронология фанига қўшган ҳиссаси
10. Календар ҳақида инсоннинг илк тасаввурлари
11. Календарнинг табиий ва сунъий бирликлари
12. Тропик йил
13. Тропик йил ва календар йили.
14. Сутка ва унинг дастлабки шакллари
15. Қуёш ва юлдуз суткалари
16. Ҳафта ва унинг дастлабки шакллари
17. Ҳафта кунлари ва уларнинг юзага келиши
18. Дастлабки соатлар ва уларнинг қўлланилиши
19. Замонавий соатлар
20. Ой фазаларининг ўзгариши
21. Календар тарихи
22. Календар турлари
23. Қуёш календари
24. Қамарий календар
25. Шамсий-қамарий календарлар
26. Шарқда қўлланилган Қуёш календарлари
27. Қадимги Миср календари
28. Қадимги Бобил календари
29. Юлиан календари
30. Юлиан календаридаги камчиликлар
31. Қадимги Рим календари
32. Ромул Августул давридаги рим календари
33. Нума Помпилий давридаги рим календари

34. Қадимги Ҳинд календари.
35. Ҳиндларнинг Сака календари
36. Қадимги Ҳинд календар эралари
37. Қадимги Ҳитой календари
38. Ҳитой мавсумий қишлоқ хўжалик календари
39. Қадимги япон календари
40. Қадимги Юнон календари
41. Майялар календари
42. Майя календарларидаги даврийликлар
43. Славян халқлари календари
44. Қадимги яҳудий календари
45. Қадимги Грузин календари
46. Қадимги арман календари
47. Зардўшт қуёш календари
48. Умар Хайём календари
49. Мусулмон календари
50. Милодий йил ҳисоби
51. Ҳижрий- қамарий йил ҳисоби
52. Ҳижрий шамсий йил ҳисоби
53. Ҳижрий ой номлари
54. Қадимги Хоразм календари
55. XIX- XX асрда Ўзбекистонда қўлланилган календарлар
56. Григориан календари
57. Француз инқилобий календари
58. Дехқонларнинг календар билан боғлиқ одатлари
59. Календар ислоҳатлари
60. Халқаро календар лойиҳалари
61. Мастрафонининг календар лойиҳаси
62. Миллатлар Лигасида календар ислоҳати юзасидан олиб борилган ишлар
63. М.Армелиннинг календар лойиҳаси
64. Ўн уч ойлик календар лойиҳалари.
65. Ўн икки ойлик календарнинг замонавий лойиҳалари
66. XX асрда «абдий календар»ни тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар
67. Эра редукцияси
68. Календар минтақалари
69. Соат фарқликлари
70. Гринвич меридиани.
71. Соат пояслари ва уларнинг жорий этилиши
72. Декрет календари
73. Календар хизмати
74. Маҳаллий ва минтақа календари
75. Ўзбекистонда минтақа календари.
76. «Хроникон» йил ҳисоби
77. Калипп цикли

78. Клеостада цикли
79. Метон цикли
80. Гиппарх цикли
81. Турк цикли
82. Араб даврийликлари
83. Шарқий Осиё мамлакатлари календарларидаги 60-йиллик цикл
84. Эра тушунчаси ва унинг турлари
85. Диний эралар
86. Афсонавий эралар
87. Набонассар эраси
88. «Римга асос солиниши эраси»
89. Александрия эраси
90. Август эраси
91. Византия эраси
92. Диоклетиан эраси
93. Олимпиада эраси
94. Абжад ҳисоби
95. Мучал йил ҳисоби
96. Буржлар ва календар ҳисоби
97. Наврўз ва у билан боғлиқ маълумотлар
98. Халқ оғзаки ижодида хронологик маълумотлар
99. Қадимги ўлчов бирликларининг юзага келиши
100. Инсон эҳтиёжлари- ўлчовларнинг келиб чиқиши омили
101. Антропометрик ўлчов бирликлари
102. Табiiй ўлчов бирликлари
103. Метрология фанининг тараққиёт босқичлари
104. Метрологиянинг антик ривожланиш даври.
105. Метрологиянинг стихияли ривожланиш даври.
106. Метрик тизимнинг жорий этилиши
107. Метрология хизматларининг интеграциялашиш даври
108. Ўлчов системаси
109. Қадимги суюқлик ўлчов бирликлари
110. Қадимги оғирлик ўлчов бирликлари
111. Қадимги ҳажм ўлчовлари
112. Пулнинг қиймат ва ўлчовлари
113. Заргарлар томонидан ишлатиладиган ўлчов бирликлари
114. Қадимги Миср ўлчов бирликлари
115. Қадимги Месопотамия ўлчов бирликлари
116. Қадимги Шарқдаги узунлик бирликлари
117. Қадимги Шарқ мамлакатлари оғирлик бирликлари
118. Қадимги Шарқ мамлакатлари пул бирликлари
119. Қадимги Шарқ майдон ўлчовлари
120. Ўрта Осиёда қўлланилган ҳажм ўлчов бирликлари
121. Европа ўлчов бирликларининг асосий манбалари

122. Антик даврларда Европадаги ўлчов бирликлари
123. Ўрта асрларда Европада ишлатилган ўлчов бирликлари
124. XVIII-XIX асрларда ўлчов бирликлари ҳолати
125. Халқаро метрологик ташкилотлар ва унинг вазифалари
126. Инглиз ўлчов системаси
127. Қадимги Ўрта Осиё ўлчов бирликлари
128. Ўрта Осиёда антик даврда қўлланилган ўлчов бирликлари
129. Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган узунлик ўлчов бирликлари
130. Ўрта Осиёда қўлланилган оғирлик ўлчов бирликлари
131. Бухоро амирлиги ўлчов бирликлари
132. Янги давр Европа ўлчов бириклари
133. Халқаро ўлчов бирликларининг қабул қилиниши
134. Метрик ўлчов бирликлари
135. Замоनावий ўлчовлар
136. Халқаро метрологик ташкилотлар
137. Мустақил Ўзбекистонда метрология фани тараққиёти
138. Шарқ тарихий манбаларида метрологик маълумотлар
139. Ҳижрий-қамарий йилни Григорий календари йилига ва Григорий календари йилини ҳижрий-қамарий йилга айлантириш формулалари
140. Халқ оғзаки ижодида метрологик маълумотлар

Х. ГЛОССАРИЙ:

Иудей (Қадимги Яҳудий) календари. Қадимги Иудейларда Қадимги ой билан, ҳафталар эса ой фазаларига қараб белгиланган. Кушимча ой биринчи баҳор ойи (нисон) дан олдин топасха куни (14 нисон)гача _____ пайдо булгунча кушилган. Вавилон таъсири остида эрамизгача VI асрда ой фазасига боғлиқ булмаган ҳафта жорий этилган. Янги Ой-Қуёш калндари устидаги ишлар эрамизгача 4 минг йилликда тугалланиб, у ҳаётга VI-VII асрларда жорий қилинган. Бу календар мураккаб янги Ой асосида булиб, 354 кун 8 соат 876 халаким (1 соат = 1080 халаким), Қуёш йили эса 365 кун, 5соат 997 халаким асосида тузилган. 12 ой (ҳар бир ой янги ой чиқиши билан бошланади) 30 ёки 29 кундан иборат булиб, 19 йиллик циклнинг 7 йилига (3, 6, 8, 11, 14, 17 ва 19 -нчи йилларга саналади) кушимча 13 ой кушилган. У йилнинг 6 - ойини такрорлаб (адар ва адар иккинчи дейилган) шунинг учун йиллар, 353, 354, 355 ёки 383, 384, 385 кундан иборат булган. Йил боши (1 тишри) - кесувчи, масалан; 1965 йилда 5726 Иудей йили - 27 сентябрда 1966 йилда 15 -сентябрь, 1967 йилда - 5 октябрда бошланади. Солномаларда "Дунёнинг яратилиши" деб 7 октябрь эрамизгача 3761 йил айтилган. Ушбу календар Исроилда расмий саналади.

Қадимги Арман ва Қадимги Грузин календари. Қадимги Арман календари (томар) VII асрда, Миср календари асосида яратилган. Йил 12 ойдан ой эса 30 кундан иборат булган. Йил боши (1 навасарди) ҳар 4 йилда 1

кунга кучган. Йил ҳисоби Юлиан календари буйича 11 июль 552 йилдан белгиланган. Арман янги йили Юлиан календари билан 1317-1320 йилларда мос тушган. XV-XVI асрларда Арманистонда Юлиан календарига утилган Қадимги Грузин календари умуман Юлиан мос, 781 йилдан 532 йиллик пасхали цикл ("хроника") бошланиб, 249 йилги пасхага қадар булган. Бу билан бир даврда солномаларда "Дунёнинг пайдо булиши" (эрамизгача 5604 йил) ҳисоби булган.

Русда вақт ҳисоби то христианлик қабул қилингунга қадар Ой ва Қуёш календари асосида булиб, Ой номлари Қалимги солномаларда ва славян тилларидан келиб чиккан. X асрда христианлик қабул қилиниши билан Юлиан календарига утилган ва Римликларнинг Ой номларини олишган, 7 кунлик ҳафтага утилган (византияликлар қаби) 1492 йилгача йил 1 сентябрдан ва 1 мартдан, 1492 йилдан эса черков анъаналарига қура расмий йил боши 1 сентябрь булди. 1699 йил 15 декабрда Пётр I фармониға қура йил боши этиб 1 январь белгиланди, 7208 йил 31 декабрдаги "Дунёнинг яратилиши" ақидалари 1700 йил 1 январға қучди